

*...буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



# SOHIBQIRON

Адабий-бадий, илмий, ижтимоий-маърифий журнал

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов  
академик Анатолий Сагдуллаев  
проф. Убайдулла Уватов  
Сирожиддин Саййид  
проф. Поён Равшанов  
проф. Абдурахим Эркаев  
проф. Қахрамон Ражабов  
проф. Юлдуз Эргашева  
проф. Баҳодир Эшов  
ф.ф.д. Нафас Шодмонов  
Тўлқин Ҳайит

## Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

## Масъул котиб:

Шерали Панжиёв

## Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

## Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

## МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2012 йил 12 мартда  
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журнал уч ойда бир марта чоп этилади.  
Журналдан кўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

## Манзилмиз:

Қарши шаҳри  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.  
Телефон: 221-09-46. 91.466-80-32

Теришга 25.07.2018 йилда берилди.

Босишга 23.08.2018 йилда рухсат

этилди. 24.09.2018 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табоқ.

Адади 1300 нусха. Буюртма № 530

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.

## Босмахона манзили:

Қарши шаҳри

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22 -уй.

## Электрон манзилмиз:

sohibqiron-jurnali @mali.ru

## УШБУ СОНДА:

### Бош муҳаррир саҳифаси

Мустақиллик - буюк ва бебаҳо неъмат.....4

### Ифтихор

Мақом санъати доврўғи дунёга ёйилмоқда.  
Суҳбат.....7

### Тадқиқот

Акмал САИДОВ, Чингиз Айтматов -  
муҳташам Евроосиё макони адабиётининг  
йирик намояндаси.....12  
Қамолитдин ҒАНИЕВ, Алишер Навоий ва  
темурийлар салтанатининг маънавий мезон-  
лари ҳақида айрим мулоҳазалар.....49  
Тўлқин ҲАЙИТ, Амир Темур китобни севар  
эди.....83

### Олтин мерос

Азизжон ШАРИПОВ, Шарафуддин Али  
Яздийнинг ёзма меросидан.....88

### Руҳият сурати

Неъмат АРСЛОН, Ой жодуси. Новелла.....58  
Минҳожиддин Мирзо, Шеърлар.....71  
Зиёда АМИНОВА, Шеърлар.....100  
Жўра ТЎХТАЕВ, Қатралар.....108  
Абдулла БОБОЁРОВ, Шеърлар.....111  
Маржона ОҒЎЗИЕВА, Шеърлар.....118  
Озодбек АМИРОВ, Шеърлар.....119

### Ислоҳот

Низомжон МАҲМУДОВ, Адвокатура институти  
босқичма-босқич ислоҳотлар натижасида  
такомиллашмоқда.....116

# YULDUZI

2018 йил № 3 (33)

2018 йил - Фаол тадбиркорлик,  
инновацион гоялар ва  
технологияларни қўллаб-  
қувватлаш йили



Журнал таниқли  
шоир, маънавият  
жонқуяри (марҳум)  
Исмоил Тўхтамишев  
ташаббуси билан  
ташқил этилган.  
2010 йилдан буён  
чоп этилади.

## Тарих

Поён РАВШАНОВ, Темурийлар силсиласи.....	24
Анатолий САГДУЛЛАЕВ, Бағрикенгликнинг тарихий илдишлари.....	32
Азимхўжа ОТАХЎЖАЕВ, Ислом динининг Чигатой улуси ва Амир Темур давридаги ҳолати.....	40
Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ, Амир Темур таваллуд топган қишлоқ.....	78
Бекзод МАМАТҚУЛОВ, Ўзбек халқининг довиорақ фарзанди.....	73
Мўмин АЗИЗОВ, Юксак диний эътиқод соҳиби. ....	78

## Жаҳоний жавоҳир

О.Генри, Севги ва санъат (Инглиз тилидан Дилсўз Мусаева таржимаси)....	21
Ф.Раҳмонов, А.Хасанов, М.Усмонов, Ўзбек миллий ҳунармандчилиги бўйича салмоқли тарихий-этнологик тадқиқот.....	113

## Бугуннинг нафаси

Очил БЎРИЕВ, Ўзбекона тўй-маърака, анъаналаримиз муқаддасдир.....	94
---	----



АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

# MUSTAQILLIK - BUYUK VA WEBANO NE'MAT

*"Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом  
этириб, янги босқичга кўтарамиз."*

Шавкат Мирзиёев  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бундан 27 йил аввал халқимизнинг асрлар давомида қалбида сақланиб келаётган тарихий орзуси амалга ошди. Ватанимиз мустақилликка эришди, халқимиз қарамликдан қутулди, бизга озод ва обод, эркин ва фаровон мамлакатда яшаш ҳамда уни фарзандларимизга қолдириш бахти насиб этди. Дунё харитасида истиқболи порлоқ озод ва эркин, мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди.

Ўзбекистон бундан 27 йил олдин ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Мустақил тараққиёт йўлига чиқди. 27 йил аслида асрларни қаритган тарих учун лаҳзага тенг. Бироқ, ана шу йиллар халқимиз учун нечоғлик муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини бугун ҳар биримиз юракдан теран ҳис қиламиз. Шу давр мобайнида Ўзбекистонда янги авлод камолга етди. Энг муҳими, ҳаёти маъно-мазмунли, мақсад-муддаоси ва онгу дунё қараши тубдан ўзгарган юртдошларимизни мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, баркамол авлодни тарбиялаб, Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини тобора юксалтиришдек эзгу мақсадлар бирлаштирган.

Жонажон Ватанимиз - Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиликларни жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қиммати тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр биз учун гоят муҳим бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизда, буюк келажагимизда фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб беради.

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари респондентлар ўртасида ўтказган сўров натижалари фуқароларимизнинг 94 фоиздан зиёди Мустақиллик куни - халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамини кўтаринки кайфиятда, фахр ва ифтихор туйғуси билан кутиб олаётганлигини тасдиқлади.

Халқимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллик тўйини катта ифтихор ва шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда. Халқимизнинг асрий орзуси бўлган, ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 28 июнь куни "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 27 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ мустақилликнинг 27 йиллигини нишонлаш "Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" деган гоёни ўзида мужассам этган шиор остида ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини тузиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда рўёбга чиқариш бўйича жойларда тадбирлар ўтказилиши энг асосий вазифа қилиб топширилди. Мазкур дастур 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили" Давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрланиши белгиланди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ҳамда "Ёшлар келажагимиз" Давлат дастури муваффақиятли бажарилмоқда.

Бунда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани, хусусан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт тармоқларини ривожлантириш, тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янда ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини илмий-маърифий асосда, ҳаётий мисоллар орқали теран очиб бериш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Юртимизда мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичи, "Энг улуг, энг азиз", "Ранглар жилосида - она диёр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий танловлар юқори даражада уюштирилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида халқимиз томонидан асрларга тенг улкан ишлар амалга оширилаётганлигини жаҳон ҳамжамияти ҳам ҳақли равишда эътироф этмоқда. Ўзбекистон халқи ўтган 27 йиллик даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини таъкидлаш жоиздир. Бу юртимизга содиқ ҳар бир кишининг кучига куч қўшиб, қалбини қувончларга тўлдиради, албатта.

Ўзбекистондек обод ва эркин диёрда туғилиб яшаш бахтига муяссар бўлиш тақдиримизга битилганлигига шукроналар айтиб, мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда эришга муваффақиятларимизни кенг омма, айниқса, ёшлар онгига янада чуқур сингдириб бориш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз ва ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси бўлмоғи лозим.



# MAQOM san'ati davrig'i dunyoda yoyilmoqda

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори миллий санъатимизга бўлган юксак эътиборни ифодаловчи тарихий ҳужжат бўлди. Унга асосан, 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади. 2018 йил 6 апрелда Президентимизнинг ушбу йўналишдаги навбатдаги ҳужжати - "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Санъат байрамининг дастлабкиси жорий йилнинг 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтиши белгиланди.

Айни кунларда Қашқадарёда ушбу нуфузли анжуманга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокими Зафар Рўзиев билан айнан шу мавзуда суҳбатлашди.

- XIV - XVI асрларда жаҳон аҳлининг илм ва зиё марказига айланган Шаҳрисабз "Илм ва одоб қуббаси" сифатида дунёда шуҳрат қозонган. Тарихий манбаларда Амир Темур ҳукмронлиги даврида бу ерга бошқа юртлардан кўплаб толиби илмлар, маданият ва санъат намояндаларининг келганлиги, уларнинг ижоди ҳақида маълумотлар бор.

- Ҳақиқатдан ҳам, Шаҳрисабз буюк саркарда, маърифатпарвар давлат арбоби Амир Темур туғилиб вояга етган гўша сифатида, нафақат маҳобатли тарихий меъморчилик ёдгорликлари билан, балки маданият ва санъат ўчоғи сифатида ҳам доврўф қозонган. Қадимда ушбу манзилнинг адабий-муסיқий дostonчилик ҳамда мақом ижрочилиги билан машҳур бўлганлиги тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди. Бу даврда соҳибқирон бобомиз томонидан

## «Мақом сан'ати доврғ'и дуньога юйилмоқда»

мусиқа илми ва амалиётига катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан ўзбек мақом санъатининг шаклланишида Темурийлар даври ижодий муҳити алоҳида аҳамият касб этган.

Президентимизнинг алоҳида эътибори, қолаверса, юқоридаги тарихий ҳақиқатнинг мантиқий давоми сифатида анжуманнинг Шаҳрисабзда ўтказилишидан фахрланамиз. Мазкур қарорга асосан ишлаб чиқилган "Халқаро мақом санъати анжумани" концепциясида асрлар оша устоздан шогирдга оғзаки равишда ўтиб борган мақомларнинг фалсафаси теран, шакл ва услублари ранг-баранг, туб қонуниятлари муштараклиги алоҳида таъкидланади. Шу боисдан ҳам шарқона мақомот дурдоналари башарият тамаддуни узра ўлмас маънавий қадриятлар сирасига киради. Анжуман доирасидаги биринчи илмий симпозиумни "Темурийлар даври муσιқа санъати ва унинг жаҳон, цивилизациясида тутган ўрни" номи билан ўтказиш кўзда тутиляпти.

**- Анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда, ЮНЕСКО шафелигида ўтказиш бўйича белгиланган вазибалар ижроси ҳақида нима дейсиз?**

- Дарҳақиқат, мазкур анжуман ЮНЕСКО шафелигида ўтказилиши назарда тутиляётгани бежиз эмас. Ўзбек мақом санъати нафақат юртимиз ва Шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шухрат ҳамда эътиборга эга.

**М**ақомнинг гултожи бўлган "Шашмақом" 2003 йилда ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси дурдонаси, деб эътироф этилган. Санъаткорлар тили билан айтганда, "Шашмақом" ўзбек муσιқий қомуси ҳисобланади. Муσιқа санъатидаги мақом йўналиши кўплаб мамлакатларда, айниқса, Шарқ давлатларида ривожланган. Ҳар бир юртнинг ўз миллий муσιқа мақоми бор. Анжуманни юксак савияда ўтказиш учун хорижий давлатлардан таниқли муσιқашунос олимлар, санъаткорлар, ижодий жамоалар ва мутахасислар таклиф этилмоқда. Бугунги кунгача шундай давлатлардан 34 таси Шаҳрисабздаги анжуманда иштирок этиш истагини билдирди.

Мазкур анжуман олдида турган мақсад ва вазифаларнинг биринчи галдагиси ўзбек мақом санъатининг нуфузини ошириш ҳамда бу борада ижодкорлик, ижрочилик ва мақомшунослик илм-фани ютуқлари билан ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Ушбу вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун ЮНЕСКО таркибидаги халқаро "Мақом" гуруҳи билан устувор режалар ва ташкилий масалалар юзасидан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳрисабзда мақом анжуманини ўтказиш юзасидан вазифалар белгилаб олинган. Анжуман доирасида илмий симпозиум, жаҳон мақомот санъати ва ўзбек мақом санъати усталари иштирокида чиқишлар, ёш мақом ижрочилари танлови, мақомларга асосланган бастакорлар, композиторлар асарларидан концертлар, шунингдек, илмий ижодий тақдимотлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларнинг ҳар бири алоҳида ишлаб чиқилган дастурлар асосида 4 босқичда ташкил этилади. Шунингдек, ўтмиш мусиқа рисолаларининг ноёб нусхалари, мақом ижрочиларига оид чолғулар, машҳур мақомчи устозларнинг фотосуратларидан иборат кўргазма ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мақом усталари – атоқли ҳофиз ва созандалар ижросида ёзиб олинган асарларни ўз ичига олган аудио альбомлар туркумини чиқариш режалаштирилмоқда. Айни пайтда эски граммафон ликопчалар, "Бухоро Шашмақоми", "Хоразм мақомлари", "Фарғона-Тошкент мақомлари" номлари остида чиқарилган аудио альбомлар, нота тўпламлари, "Ўзбекистон мақом санъати усталари" рукни остида чоп этилган янги адабиётлар, шу жумладан, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий тадқиқот ва илмий-маърифий адабиётлар намойиши анжуман ишига янада мазмун бағишлайди. Бу соҳадаги барча ишларга Республика ҳамда вилоят миқёсидаги тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Халқаро мақом анжуманининг саҳнаси, ўриндиқлар жойлашуви бўйича лойиҳа-чизмаси, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан таклиф этиладиган таниқли мақом ижрочинамояндалари ҳамда мусиқа жамоатчилиги вакилларининг дастлабки харитаси ишлаб чиқилди. "Оқсарой" майдонининг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва миллий созлар лабораторияси ташкил этилмоқда.



- Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарёга ташрифини Шаҳрисабзда мақом санъати усталари билан учрашувдан бошлаган эди. Унда Юртбошимиз ушбу санъат истиқболлари, халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш борасида фикрларини айтиб, мақом фестивалини сайил тарзида, маданият байрами сифатида ўтказиш зарурлигини таъкидлаганди. Шаҳрисабзда ташкил этилаётган Мақом маркази ва музейи анжуманга байрам тусини беришда катта аҳамиятга эга. Бу борада ҳозир қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Президентимиз қарорига асосан ташкил этилаётган "Мақом музейи"да Ўзбекистонда мақом санъатини ривожлантириш босқичлари, бу борада шакланган ижро ва ижодий мактаблар ҳамда анъаналар, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини намойиш этиш, илмий асосда ўрганиш ва тарғиб этиш, ўзбек мақом санъати мумтоз ва замонавий ижро намуналарининг фондиди яратиш кўзда тутилган. Ҳозир бу соҳадаги коллекциялар тўпланмоқда. Музей Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қисмидаги Санъат саройидан жой олаяпти. Унинг Экспозиция майдони 400 кв.м.дан иборат бўлиб, 4 та мавзуга бўлинади. Музейда саёҳатчиларни мақом санъати билан кенг таништириш орқали

### *«Maqom san'ati doirug'i dunyoga yoyilmoqda»*

уларда миллий ўзликни англаш туйғуси, юксак бадий – эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш, мақом санъатини кенг тарғиб қилиш ҳамда ноанъанавий экспозициялар яратиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга эришилади.

Иштирокчилар учун Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, унинг такрорланмас санъати замонавий технологиялар асосида мультимедиа тизими орқали ҳаққоний ёритиб берилади. Экспозицияларни намойиш қилишда сенсорли компьютер воситалари, аудио – видео ва мультимедиа техникалари, ойнаванд витриналар, щитлар, макетлар, муляжлар типография ва полиграфия маҳсулотлари, нуқтали ёритгичлар, маълумотларнинг виртуал базаси ҳамда мультимедиа дастури, ҳар бир мақом турларига тегишли CD-DVD кўринишида мусиқий ёзувлар ва бошқалардан кенг кўламда фойдаланиш режалаштирилган. Бу эса анжуманда қатнашувчи хорижий сайёҳлар ва меҳмонлар учун катта қулайликлар яратади.

«Халқ сўзи» мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ ёзиб олди.  
«Халқ сўзи»дан олинди





# CHINGIZ AYTMATOV - MUNTASHAM YEVIROOSIYO MAKONI ADABIYOTINING YIRIK NAMOYANDASI

"Юртимизда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш масаласи ҳам адабиётшунос олимларимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бу борада жиддий илмий изланишлар олиб борилгани, йирик монография ва тадқиқотлар эълон қилингани Ўзбекистонда ўзига хос "айтматовшунослик мактаби" шаклланишидан далолат беради"<sup>1</sup>.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

XX асрнинг энг буюк донишмандларидан бири, бетакрор адиб, жамоат ва давлат арбоби, дипломат Чингиз Айтматовга бағишланган ёдном китобим нашр арафасида турибди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 апрелда қабул қилинган "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қароридан таъкидланганидек, "Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айти пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди".

Биз Чингиз Тўрақулович билан 1995 йилда танишган бўлсак, ўша пайтдан бери қарийб 15 йил давомида қандайдир латиф – оға-инилар, дўстлар, қавмдошлар, ҳатто ўзаро фикрдошлар каби яқин ва самимий муносабатлар билан боғланган эдик. Мен демоқчиманки, бу буюк шахсни узоқ вақт давомида кузатар эканман, адиб ҳақида бутунги хотираларимни ёзиш учун етарли материаллар тўплаш олдим.

Китобимда адибнинг ниҳоятда бой ва хилма-хил ижодий мероси ҳамда дипломатлик фаолияти ҳақида сўз боради. У асосан кўп йиллар давомида Чингиз Айтматов асарларидан ҳамда Тошкентда ва Москвада, Парижда ва

<sup>1</sup>Айтматов, Чингиз. Танланган асарлар: қиссалар. - Т.: "Sharq", 2017. - 1-бет.

Брюсселда, Сочида атоқли ёзувчи билан бўлиб ўтган қанчадан - қанча дилкаш суҳбатларимиз таассуротларига бағишланган.

Қадрли муштарий! Келинг, авваламбор, Чингиз Айтматов қаламига мансуб - адабиёт оламида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда воқеа бўлган бир неча асарларнинг номларини эслайлик: "Жамила" (1958), "Сарвқомат дилбарим" (1961), "Биринчи муаллим" (1962), "Алвидо, Гулсари" (1966), "Момо ер", "Оқ кема" (1970), "Асрга татигулик кун" (1980), "Қиёмат" (1986), "Кассандра тамғаси" (1996), "Бир Баҳой билан учрашув" (Чингиз Айтматовнинг Файзуллоҳ Номдор билан суҳбати, 1998), "Тоғлар қулаганда", ("Мангу қайлиқ", (2006).



Ч.Айтматовнинг ҳар битта асари жаҳон миқёсида воқеа бўлар эди. Китобхонлар улуг адибнинг асарларини адолат, ҳақиқатни кутгандек, узоқ қилинган мулоҳазаларнинг натижаси, кўзни очувчи янгилик, дил розидек кутарди.

Ч.Айтматовнинг асарлари ҳозирги замон зиёлилари учун, инглиз тилида "must read" деб номланувчи, яъни "албатта ўқилиши лозим бўлган" интеллектуал асарлар сирасига киради. У ижтимоий-сиёсий масалалар, шунингдек, замоннинг глобал муаммолари ҳақида, зиёлилар тушунадиган тилда ёзар эди, чунки собиқ Иттифоқ даврида бу масалалар қаттиқ назорат қилинар, маълумот ёпиқлиги сабабли, уларни ўзгача бир йўсинда тақдим этиб ҳам бўлмасди.

Ч.Айтматовнинг қисса ва романларини жинси, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳатто бадиий дидидан қатъи назар, деярли ҳамма иштиёқ билан берилиб ўқийди. Асарларидаги қалбни жунбушга келтирадиган лиризм ҳаммани ўзига жалб этади, ҳаммани бирлаштиради.

Ч.Айтматов 1928 йили Қирғизистондаги Талас вилоятининг Шакар қишлоғида биринчилардан бўлган қирғиз коммунисти оиласида таваллуд топган. Унинг отаси - Тўрақул Айтматов коммунистик партиянинг раҳбар лавозимларида ишлаган, 1937 йилда қатағон қилиниб, 1938 йилда отишга ҳукм этилган. Чингизнинг ҳақиқий бешафқат ҳаёт билан рўбарў келиши ана ўша йилга тўғри келди. Унинг меҳнат фаолияти 9 ёшида бошланди, 14 ёшида овул кенгашида котиб бўлиб ишлади, зеро бу давр Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келгани учун, катта ёшдаги эркакларнинг ҳаммаси фронтда эди.

Саккизинчи синфни тугатиб, у Жамбул зоотехникумига ўқишга киради, уни аъло баҳолар билан тугатгач, 1948 йилда Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтига кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади ва олий таълим даргоҳини 1953 йилда тугатади. Талабалик йилларида у кичик хабарлар, мақола, очерклар ёзиб, қирғиз тилидаги

газеталарда чоп этиради. Хусусан, 1952 йилда унинг "Газетачи Дзюдо" ҳикояси рус тилида эълон қилинган. Институтни тугатгач, уч йил мобайнида Чорвачилик илмий-текшириш институтида ишлайди, айна пайтда ижод қилиш ва ҳикояларини чоп этиришдан ҳам тўхтамайди.

У 1956 йилда СССР Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Олий адабиёт курсида ўқиш учун Москвага келади ва уни 1958 йилда тугатади. Адабиёт курсини тугатиш арафасида унинг қирғиз тилидан русчага таржима қилинган "Юзма-юз" ҳикояси "Октябрь" журналда чоп этилади. Шу йилнинг ўзида ҳикоялари ҳамда унинг номини дунёга машҳур қилган "Жамила" қиссаси "Новый мир" журналда эълон қилинади. "Жамила" қиссаси қирғиз аёлининг шахсий бахт ва ижтимоий фаолиятга эгалик ҳуқуқи ҳақида бўлиб, асар тез орада дунёнинг бошқа кўпгина тилларига таржима этилди.

Адибнинг "Тоғ ва дашт қиссалари" тўпламига кирган "Сарвқомат дилбарим" (1961), "Биринчи муаллим" (1962) қиссалари ҳам оддий қишлоқ аҳли ҳаётидаги мураккаб руҳий ва ижтимоий қарама-қаршиликлар, турмуш билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви ҳақидадир. Ч.Айтматов 1965 йилгача асосан қирғиз тилида ёзган.

Қирғизистонга қайтгач, у "Литературный Кыргызстан" газетасининг муҳаррири, 1960-1965 йилларда "Правда" газетасининг Қирғизистондаги махсус муҳбири бўлиб ишлади. Ч.Айтматов 1960-1986 йилларда Қирғизистон кинематографлари уюшмасига раислик қилди. У "Биринчи муаллим" (1965), "Йўрғанинг чопиши" (1968), "Мен Тиён Шонман" (1972), "Муҳаббат садоси" (1974), "Оқ кема" (1975), "Денгиз бўйлаб чопаётган олапар" (1990) фильмлари сценарийсини ёзган.

Ёзувчининг доимий диққат марказида инсон билан жамият ўртасидаги муносабат масалалари турган. Айтматовнинг қаҳрамонлари давримизнинг маънавий кучли, мурувватли, фаол кишиларидир. У жаҳонга новатор ёзувчи, психологик портрет устаси сифатида танилди.

Ч.Айтматов 1988-1990 йилларда "Иностранная литература" журналининг бош муҳаррири лавозимида хизмат қилди, 1986-1990 йилларда собиқ СССРнинг биринчи Президенти М.С.Горбачёвнинг Давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлади.

Ч.Айтматов 18 йил давомида дипломат лавозимида ҳам муносиб ютуқларга эришди. У 1990-1993 йилларда Люксембургда Россиянинг, Бени-люкс давлатларида собиқ Иттифоқнинг элчиси бўлиб хизмат қилди. 2008 йилнинг март ойига қадар, ўн беш йил давомида Қирғизистоннинг Бельгия, Люксембург, Нидерландия, Франция давлатларидаги элчиси, шунингдек ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи ва НАТО ташкилотлари ҳузуридаги вакили сифатида иш олиб борди.

Шу даврда ҳам Ч.Айтматов ўзининг ижодий фаолиятини изчил давом эттирди. Хусусан, унинг "Кассандра тамғаси" романи 1994 йилда, "Тоғлар қулаганда" ("Мангу қайлиқ") номли сўнгги романи 2006 йилда нашрдан чиқди.

Ч.Айтматовнинг адиб, элчи, жамоат арбоби сифатида салоҳияти ва хизматлари бутун дунёда тан олинди: у - Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1978 йили), Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони (1997), адабиёт бўйича Ленин мукофоти лауреати (1963), СССР Давлат мукофоти лауреати (уч марта - 1968, 1977, 1983 йилларда), Виктор Гюго номидаги халқаро маданият мукофоти (Франция), "Этрурия" адабиёт мукофоти (Италия), Адабиёт ва санъат соҳасидаги мукофот (Австрия), Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофот (Ҳиндистон), Ўрта Ер денгизи маданий ташаббуслар маркази таъсис этган халқаро мукофоти (Италия), Америка диний экумен фондининг "Виждонга чорлов" мукофоти, Ф.Рюккарт номидаги Бавария мукофоти (Германия), А.Мень номидаги ва бошқа кўплаб миллий ҳамда халқаро мукофотлар соҳиби бўлди.

Ч.Айтматов "Жаҳон фани, адабиёти ва санъатида эришган буюк ютуқлари" учун Альберт Эйнштейн номидаги катта Олтин медаль, Токио Шарқ фалсафаси институтининг "Ер юзида тинчлик ва тараққиёт барқ уришига, маданият ва санъат ривожланишига қўшган буюк хизматлари учун" фахрий медали, туркий мамлакатлар маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун Туркия ҳукуматининг Олий мукофоти, Ўзбекистон, Венгрия, Польша, Россия сингари бир қатор давлатларнинг орден ва медаллари билан тақдирланди.

Ч.Айтматов 2008 йилнинг 10 июнида Германиянинг Нюренберг шаҳридаги клиникада муолажа олаётганида оламдан ўтди ва 14 июнда Бишкек шаҳри яқинидаги "Ота-Бейит" тарихий-мемориал мажмуасида дафн этилди.

Ўша айрилиқ санасига ҳам 10 йил тўлибди. Севимли адибимиз гўёки ўлмагандек, ҳали ҳам орамизда юргандек. Зотан, унинг асарлари, эзгу ишлари барҳаётлигини таъминлаб келмоқда.

Ўша олис гурунгларида Чингиз оғанинг ўзи сўзлаб берганидек, бўлгуси адиб бувисининг қўлида тарбия топди, унинг ҳаёт ҳақидаги илк таассуротлари қирғиз халқининг миллий турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда кечди. У шундай бир муҳитда яшадик, у ерда эртақлар, ривоят, афсона ва асотирлар оғиздан-оғизга ўтиб юрарди. Айтматовлар оиласида қирғиз ҳамда рус тилларида тенг гаплашар эдилар, бу унинг ижодий фаолиятида икки тилликни белгилаб берди. Оила таъсирида Ч.Айтматов болалигидан рус тили ва адабиёти, рус маданияти билан жуда яқиндан танишди.

У умри давомида жуда кўп адолатсизликларга ҳам учради. Унинг ҳаётидаги биринчи адолатсизлик - отасининг қатағон этилиши эди. Ёш бўлишига қарамай, у қатағон туфайли қандайдир мудҳиш воқеа содир бўлганини тушуниб етди ва бирон-бир нарсани ўзгартиришга ожизлигидан азоб чекди. Инсон қалбида ҳамиша адолатга яширин бир интилиш мавжуд бўлар экан. Афтидан, "мана шунга чидаб берилса, кейин ҳаммаси изга тушиб, бошқача бўлади", деган умидвор фикр ёш Чингизни ҳам тарк этмади.

"Жамила" қиссасидан сўнг адибнинг иккинчи қиссаси - "Сарвқомат

дилбарим" дунёга келди, у ҳам ўзининг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги, истеъдод қуввати жиҳатидан аввалги асаридан қолишмайди. Асар Айтматовнинг носир сифатидаги имкониятларини янада кенг намоиш этди. Асарнинг мазмундорлиги, фабулага ишлов берилиши, характерлар тавсифи ёш ёзувчининг ишонч билан куч тўплаётганидан, ўзига хос қудратли овозидан дарак берди.

Ч.Айтматовнинг рус тилида ёзилган биринчи асари 1965 йилги "Алвидо, Гулсари!" қиссасидир. Асар бош қаҳрамони – қирғиз деҳқони Танабойнинг тақдири "қишлоқ прозаси"нинг энг яхши қаҳрамонлари тақдирига айнан ўхшаш, яъни типикдир.

Ўша вақтдан буён Ч.Айтматов асарларини ўқимаслик дунё бўйича адабиётдан беҳабарлик сифатида баҳолаб келинади. Ҳолбуки, номи бутун дунё танилганида, Ч.Айтматов ҳали қирқ ёшга ҳам тўлмаган эди.

1970 йилда унинг яна бир машҳур асари "Оқ кема" дунёга келди ва қирғиз кинематографининг пешқадам режиссёри Бўлат Шамшиев томонидан шу номдаги бадиий фильм суратга олинди. Мазкур фильм Ч.Айтматов асарлари асосида суратга олинган фильмлар ичида энг муваффақиятлиларидан биридир.

"Оқ кема" асарида ёвузликка тўқнаш келган ва балиққа айланган қирғиз болакайининг аянчли тақдири жуда жозибадор тасвирланган. Болакай ёлғиз. Қадимги ривоятлар билимдони, кексайиб қолган буваси Мўмин унга ота-онаси ўрнида. Болакай бобосидан эшитган ривоят ва афсоналар моҳиятини ич-ичидан туйган, воқеликни гўзал эртақдек қабул қилган таассуротлари билан катталарнинг шафқатсиз дунёсига дуч келади. Ҳар қандай ривоят каби, "Оқ кема" асари ҳам китобхон ва томошабинларга руҳий-маънавий ва эстетик сабоқ беради.

Шу тариқа XX асрнинг 70-йилларидаёқ Ч.Айтматов жаҳон адабиётида бадиият рамзига, янада аниқроқ айтганда, адабий йўлбошчига айланди. Унинг қисса ва ҳикоялари асосида саҳналаштирилган томошалар кўпчилик дунё театрлари саҳналаридан ўрин олди. Москвадаги "Большой театр" репертуаридан унинг "Сарвқомат дилбарим" қиссаси асосида яратилган "Асал" балети мустақкам жой эгаллади.

Адибнинг биринчи романи – "Асрга татиғулик кун" 1980 йилда дунё юзини кўрди. Бу – Айтматовга хос улуг фалсафий роман эди.

Ч.Айтматов асарларини оддий, жонли, ўзига хос бир тилда ёзганки, уларни берилиб, бутун борлиқни унутиб ўқийсиз, асар қаҳрамонлари билан бирга қайғурасиз. У қирғиз халқи маданиятини, турмуш тарзини жуда мукамал тасвирлайди, нигоҳини ҳаётнинг ички, соф, меҳрли, самимий қатларига қаратади. Шу боис Айтматов асарларини ўқиш мароқлидир.

Чингиз ога ҳаётни қандай бўлса шундайлигича, ҳаққоний тасвирлади. Оддий одамлар ҳаёти, уларнинг урушга бўлган муносабати ҳақида ёзди. Унинг асарлари шу қадар ҳикматга бойки, мухлисни сеҳрлаб кўяди. Ўқиганимизда ҳар гал ўзимизни у тасвирлаган шамоллар оғушида учиб

юрғандек, у тасаввуримизда яратган ғаройиб олам ичра кезгандек ҳис этамиз.

Чингиз Айтматов асарлари матни ўзининг мазмундорлиги, метафорага бойлиги, инсонларга ҳамдардлиги билан ажралиб туради. Шуни таъкидлаш жоизки, Ч.Айтматов адабиёт учун энг қийин кечган даврларда ҳам ҳамиша ҳалоллигича қолди, виждонини сотмади ва зиёлилар учун ибрат мактаби бўлди, унинг ижоди "тоталитаризмга мухолифат" сифатида танилди.

ЮНЕСКО нашрларида адиб асарларининг жаҳоншумул муваффақияти, унинг бутун дунёда тан олинishi билан боғлиқ қуйидаги хабарлар эълон қилинган: XXI аср бўсағасида Ч.Айтматовнинг асарлари 168 та мамлакатда, 165 та давлат тилида, 67,2 миллион нусхада, 830 марта нашр этилган. Бу рақамлар, албатта, кундан-кун ортиб бормоқда. Адибнинг кўплаб асарлари асосида фильмлар яратилди, улар ҳозир ҳам қизиқиш билан томоша қилинади.

Ч.Айтматов таваллудига 70 йил тўлиши санаси ЮНЕСКО ташаббуси билан бутун инсониятнинг маданий-маънавий ҳаётидаги улкан воқеа сифатида нишонланди. Адибнинг таваллуди муносабати билан ўтказилган тадбирларда унинг жаҳон адабиёти, маданияти ва санъатига қўшган ҳиссаси эътироф этилди. Шу билан бирга, Чингиз оғанинг жаҳон халқлари учун ўта зарур бўлган дунё тинчлигини сақлаш, барқарорликни таъминлаш борасида кўрсатган хизматлари ҳам алоҳида таъкидланди.

Адибнинг асарлари инсоният цивилизациясини мифологик англашни бошлаб берган XX аср тарих солномасидан мустаҳкам ўрин олди. Бу борада у ижодиёти жаҳоний миқёсида аҳамиятга эга бўлган Томас Манн, Франц Кафка, Альбер Камю, Хулио Кортасар каби атоқли адиблар сафидан жой эгаллади. Чингиз Айтматовни "қирғизларнинг Толстойи", "қирғизларнинг Гарсиа Маркеси" деб ҳам аташади.

"Ақл-идрок тараққиёти маърифат оламини остин-устун қилиб ўзгартириб юборганидан саросимага тушмаслик керак, балки бу эврилишлар билан муроса қила олишимиз лозим. Бу фикрга кўникиш керак. Саросима ўтиб кетади. Бутун бир маданиятни ўзгартирмоқ керак", - деб ёзган эди Альбер Камю. Дарҳақиқат, маданият кўз ўнгимизда ўзгармоқда, фақат биз буни сезмаётган бўлишимиз мумкин. Нимага ҳайрон бўлайлик, ахир, Николай Коперник ва Галилео Галилейнинг китоблари ҳам уч асрдан зиёд вақт тақиқланиб, бўғилиб ётди-ку!

Ч.Айтматов дунё миқёсида романга хос янги тафаккурнинг шаклланишига эътибор билан қаради. Бунда асосан дунё ҳалокатини ҳис қилиш, ВАҚТ, ИНСОН, ТАБИАТ ўртасидаги учлик муносабатлари ўта муҳим эди. "Ч.Айтматов ижоди ўзида Шарқ ва Ғарбнинг бадиий ва интеллектуал бирлиги (синтези)ни ташиди"<sup>1</sup>.

Ч.Айтматовнинг ҳажм жиҳатдан энг катта китоби бўлмиш "Қиёмат" 1986 йилда нашрдан чиқди. Мухлислар китобни қўлдан қўймай ўқидилар.

<sup>1</sup> Мирзаахмедова П.М. Классика и современность в аспекте взаимодействия. Т.: 2008. с.33

"Қиёмат" асарида адиб ўз даврида овоз чиқариб айтиш мумкин бўлмаган мавзуларни кўтарди, у Яратганга ишонч, демакки имон хусусида, наркотик моддалар, одамзотга хос бўлган ақл бовар қилмас шафқатсизликлар – имонсизлик ҳақида фикр юритди.

Миф – Ч.Айтматов ижодининг ажралмас бир қисми. Миф, ривоят ва афсоналар асар матни таркибида ҳозирги воқелик билан тенг мақомда туради. Бу – Айтматов танлаган бадиий усул. У табиатан шундай эди, ўтмишдан сақланиб қолган сеҳр ва фалсафага китобхонларни жалб этишга ташна эди. Зеро, мифлар – аждодларимизнинг бизга йўллаган номаларидир. Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиш лозимки, Ч.Айтматов асарларида муסיқа, миф ва афсона уйғунлиги мавжуд. Ч.Айтматов асарларидаги бадиий оҳангдошлик сири, сеҳри шунда.

"Асрга татигулик кун" романи адиб ижодида сайёравий тафаккур томон бурилиш ясади. Бу асар инсондаги танлаш имкониятларини излаш, топиш, азалий ҳақиқат мавзусига қайтиш, маданиятдаги ўзгаришларни идрок қилиш йўллари белгилаб берди.

Романнинг асосий қаҳрамони – кичик темир йўл станциясида ишлайдиган оддий қозоқ Едигей. Едигей ва унинг атрофидаги инсонлар тақдири, урушдан аввалги қатағонлар, Иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги оғир меҳнат fronti, одамлар яшайдиган жой яқинида қурилган атом қуролини синаш майдонлари, худди томчида қуёш акс этгандек, мамлакат тақдирига вобаста ифода этилган. Ч.Айтматовнинг қиссаларида бўлгани каби, "Асрга татигулик кун" романида ҳам туя образи, шунингдек Найман Она ва унинг ўғли – ёвуз ниятли кимсалар қилмиши сабабли манқуртга айланган, авлод-аждодини хотирасидан ўчирган, бефаҳм ва қаҳри қаттиқ бир қаттол – Жўломон ҳақидаги афсона муҳим жой эгаллайди.

"Асрга татигулик кун" романи ҳам бутун дунёда шуҳрат қозонди. "Манқурт" тушунчаси инсон қийматини белгиловчи тамға, борлиқ билан муносабатни узган, енгиб бўлмас қийинчиликлар комида қолган одамнинг ўзига хос рамзи бўлиб қолди.

Менинг: "Нима деб ўйлайсиз, бизнинг ўта мураккаб замонда, айнан манқуртлар – робот-одамлар, бошқалар томонидан мажбуран битта мақсадга йўналтирилган одамлар инсониятнинг келажагини белгилаши мумкинми?", – деб берган саволимга Ч.Айтматов шундай жавоб берган эди: "Ҳамма даврларда ҳам бундай хавф бўлган – манқуртлар инсоният тараққиётига салбий таъсир кўрсатган. Бу хавф ҳозир ҳам бор. Эндиликда инсоният жамияти жуда мўртлашиб қолди. Глобаллашув даврида, ҳар томонлама билимга эга бўлишга ҳаракат қилинаётган бир пайтда миллий маданиятлар кўп ҳолларда ўзлигини йўқотади ва бу албатта манқуртликка олиб келади. Барча миллий маданиятлар биргаликда олинганда ягона тоталитар оммавий маданият қалпоғи остига тушиб қолиши ҳам мумкин. Ҳар қалай, мен демократик тамойиллар бизни тараққиёт томон етаклаши ва даҳшатли воқеаларнинг кучайишига йўл қўйилмаслигига умид қиламан".

Ч. Айтматов ижодининг марказида инсон ва жамият муаммоси туради. "Оқ кема" асарида у турмуш билан боғлиқ муҳим масалаларни кўтариб чиқди. У Табиатни ер юзидаги барча тирикликнинг онаси эканлигини, Табиатга қарши чиқиш, унга нисбатан қилинган жиноят бутун инсониятни ҳалокатга олиб келиши мумкинлигини барчага маълум қилди, бу ҳақда бонг урди. "Инсоният табиат экологиясидан қалб экологиясига ўтишга ҳаракат қилиши лозим. Бугунги замонда дин ҳам ўз қобиғида биқиниб қолмаслиги, ахборотни ривожлантириш соҳасида олдинга қадам ташлаши керак", деган эди Чингиз оға.

"Кассандра тамғаси" романини ёзганидан кейин унга космополит-ёзувчи сифатида қарашганини у гоҳ кулиб, гоҳ афсус билан эсларди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёдаги глобал жараён миллий ўзликни белгилаш, ўзини ўзи англаш, ўзини идентификациялаш билан диалектик жиҳатдан боғлиқдир. Булар бирини-биридан ажратиб бўлмайдиган категориялардир. Уларнинг мунозараси бугунги кунда тарихни ҳаракатга келтирувчи кучга айланди.

Биз ўлим муқаррар эканлигини биламиз. Бироқ бутун инсоният ҳалокатга маҳкум бўлиши мумкинлигини ХХ асрдагина англаб етдик. Айнан мана шу туйғу - "инсон азоб чекишининг умумий мувозанати" (Ч.Айтматов) инсонни Исо Масих ва Понтий Пилат мунозарасини қайта идрок қилишга мажбур этди. Ривоят янгича талқин қилинганини кўпчилик аввал сезмади. "Қиёмат" асаридаги Авдийнинг кўрганлари билан Гефсиман боғида Христоснинг кўрганлари бир-бирига ўхшаш - оламшумул, умумҳалокатни ҳис қилишига асосланган. Замин харобага айланган, биронта тирик жон йўқ. "Наҳотки шафқатсиз дунё инсонни ҳам, худди чаён ўзини ўзи ўлдиргани каби, ўзини ўзи маҳв этишга мажбурласа?!".

Ч.Айтматов ижодий тафаккури ва бадиий даҳосининг ўзига хос томони шундаки, у бирон-бир асарида, адиб хоҳ "Оқ кема", хоҳ "Асрга татигулик кун" ё кейинги асарлари бўлсин, ўзининг она юртини тасвирлаш билангина чекланиб қолмайди. У қандай мавзу ё масалани кўтармасин, нимани тасвирламасин, ҳақиқий санъаткор ва файласуф сифатида ҳамиша ўзининг мулоҳазалари ва яратган асарларида уларни умуминсоний манфаат ва муаммо даражасида англашга ҳаракат қилади. Шу боис Ч.Айтматов миллий қобиқни ёриб чиқиб, жаҳоний миқёсга юксалди. Унинг чуқур умумлашмалар ва мулоҳазаларга бой асарлари америкаликка ҳам, олмонга ҳам, япон ва поляк, қозоқ ва рус китобхонига ҳам бир хил куч ва қудрат билан таъсир кўрсатади.

Ч.Айтматовнинг 75 йиллиги муносабати билан Москвадаги "Воскресенье" нашриёти ўзбек тадқиқотчилари томонидан тайёрланган, адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Чингиз Айтматовнинг маҳобатли кемаси"<sup>1</sup> номли тўпламни чоп этди. Ҳажм жиҳатдан салобатли бу тўпламдан адибнинг ҳаёти

<sup>1</sup> Ковчег Чингиза Айтматова. М., 2004.С.688.

ва ижоди ҳақидаги илмий тадқиқотлар, адибнинг эстетик-фалсафий қарашларини, кўп қиррали адабий қобилиятини ёритувчи материаллар, шунингдек, XX аср адабиётида адибнинг роли ва ижодининг умуминсоний аҳамиятини белгиловчи адабий мақолалар ўрин олган.

Тўплам кўп сонли библиографик материаллар, ҳужжатлар, суратлар, турли тадқиқотларни ўзида жамлаган. Замонамизнинг кўзга кўринган, йирик адиби номи билан боғлиқ билимлар энциклопедиясини ифодаловчи мазкур тўпламнинг нуфузини ортиқча баҳоламаяпмиз. Унинг саҳифаларидан Луи Арагон, Дайсаку Икэда, Дмитрий Шостакович, Федерико Майор, Александр Кинг номлари ўрин олган. Китобнинг қиммати, албатта, унинг саҳифаларидан ўрин олган шахсан Ч.Айтматовнинг публицистик ва насрий мулоҳазалари билан ўлчанади.

Тўпламга "Асрга татиғулик кун" романининг таркибий қисми бўлган "Чингизхоннинг оқ булути" қиссаси, шунингдек, "Худога қайта юкланган вазифа..." новелласи ҳам киритилган. "Ўлдир - ўлдирма..." ҳикоясининг ҳам аҳамияти катта. Бу асарларда кўтарилган муаммолар - ҳақиқатдан ҳам борлиқнинг буюк саволлари бўлиб, инсон бу саволларга азалдан жавоб излайди.

Аслида, дин, эътиқод, ҳар нарсага қодир идрокни қайта баҳолаш - булар Ч.Айтматов публицистикасида янги мавзулар эмас. Айниқса, адиб "Қиёмат" асарида бу мавзуларга бевосита ёндашади. Йиллар ўтган сайин адибнинг метафизика оламига бўлган қизиқиши тобора ортиб борган, асарлари эса янги замоннинг янада кескин ва жиддий фикрловчи кишисини изтиробга қўйишда давом этган. Моҳиятан, кўп йиллар давомида Ч.Айтматов асарларининг ягона, бош мавзуси - тинчлик мавзуси эди, у "Ҳеч кимни ўлдирма!" деган диний ақидага қандайдир умумий ва фундаментал маъно юклаш учун бутун инсониятнинг асосий кучини бир жойга тўплашга уринди. Иккинчи жаҳон урушининг 60 йиллиги арафасида чоп этилган "Ўлдир - ўлдирма..." ҳикояси, маълум маънода, бу мавзуни ривожлантиришнинг энг юксак нуқтаси бўлди.

Ч.Айтматовнинг каминага сўзлаб берганларига кўра, 2006 йилда у Германиянинг етгита шаҳри бўйлаб саёҳат қилган, турли давраларда учрашувлар ўтказган, маърузалар ирод этган, ҳатто ўзининг халқпарварлиги билан адибни лол қолдирган ибодатхоналарга ҳам кирган. Ч.Айтматовни немис китобхонлари айниқса ҳайрон қолдирган. Унинг айтишича, "немислар мени шу қадар эътибор билан тинглардикки, худди барча ёзганларим уларга тегишлидек". Эҳтимол, бу каби муносабатлар замини ва уларда эътиборнинг уйғониши - немисларнинг XX аср ўрталарида, Иккинчи жаҳон урушидан чиқарган сабоқлари билан боғлиқдир?!

Инсон ўз наслини сақлаб қолиш учун узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган одамқушлик илатидан бутунлай воз кечиши талаб қилинади. "Чингизхоннинг оқ булути" қиссасининг қаҳрамони бўлмиш юзбоши Эрден хотинига қарата: "Биз ҳали туғилмаган боладан кечишни истамадик", -

дейди. Улар раҳнамоларининг ҳужум пайтида фарзанд кўрмаслик буйруғига амал қилмадилар. Урушлар, бу ҳужум ва наслни давом эттиришга монелик қилувчи тўсиқ ҳамдир. Ч.Айтматовнинг хотирлашича, у болалик пайтида оиласининг ягона бойлиги - сигирини ўғирлаганларни ўлдиришга ҳаракат қилган. Чўлда ёш Чингизга эшак минган бир қария учраб: "Ҳеч кимни ўлдирма... Бу дунё адолатлидир...", - дейди. Дунёнинг эса адолатсизлиги маълум бўлди. Бироқ, ожизлигидан ўксиниб йиғлаётган боланинг қалбида нимадир қолганки, у қариянинг сўзларини унутмади.

"Нима учун асарларингизда ҳайвонлар образи кўп учрайди?" - деб берган саволимга Чингиз Тўрақулович: "Бу энди менинг табиатим, оламни идрок этиш тарзим. Мен инсонни Яратганнинг бошқа жонзотларидан айри тасвирламайман. Бу услубим асарни бутлашга ва камини тўлдиришга ёрдам беради, унга мазмун бағишлайди. "Кассандра тамғаси"даги Кремль бойқушини ўзим ҳам жуда яхши кўраман. Эҳтимол, ўша қуш ҳозир ҳам Кремль минораларида яшаб, ким қайси вақтда келаётганини кузатиб ўтиргандир. Унинг асардаги иштироки воқеани анъанавий тавсифлаб беришдан кўра кучлироқ... Инсон - ақли бор зот, у яратиши ҳам мумкин ва вайрон қилиши ҳам, яхшилик келтириши ва зулм ўтказиши ҳам мумкин. Ҳайвонларнинг эса ҳаракати чекланган. Улар инсонга қарам бўлиб қолган. Инсон ўзига муте жонзотларга нисбатан ўзини қандай тутиши лозимлигини англаши учун ҳам мен уларни асарга киритаман", - деб айтган эди.

"Тоғлар қулаганда" романининг ҳам мавзуси долзарб: глобаллашув, шоу-бизнес, тоғ қоплонларини тижорат мақсадида овлаш, тунги клублар... "78 ёшда буларнинг ҳаммасини қаердан биласиз?" - деб сўраганимда, адиб шундай жавоб берганди: "Мен тирик жонман, даврнинг томир уришини, тўхтаб-тўхтаб нафас олишини имкон қадар ҳис қилишга ҳаракат қиламан, давр ҳақида қайғураман ва билганларимни ёзгим, кечинмаларимни ифодалагим келади. Глобаллашув даври бошланиши билан кўп нарса ўзгарди. Шу боис менинг романимдаги машҳур опера қўшиқчиси шоу-бизнеснинг қурбони бўлади. У ресторанларда юриб, опера театрида оладиган маошидан кўра юз баробар кўпроқ пул топади. Ва бу фақатгина операнинг муаммолари эмас, балки бутун маданият оламидаги бўҳронлардан дарак беради".

Ч.Айтматов "Мангу қайлиқ" романида яна файласуф сифатида намоён бўлди. Романнинг асосий қаҳрамонларидан бири - тоғ қоплонининг тақдири, асарнинг бошқа қаҳрамони - журналист Арсен Саманчин билан чамбарчас боғлиқ. Роман - муҳаббат, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш ҳақида. Зотан, улуг адиб: "агар мен нимадир ёза олсам, ҳамиша инсон дунёда ёлғиз эмаслиги, унинг ён-атрофида бошқа жонзотлар ҳам яшаши ва инсон улар учун, умуман Ерда кечаётган воқеалар учун масъуллиги ҳақида ёзаман", - дея эътироф этганди.

Чингиз Тўрақулович олам фуқароси бўлиб, унинг чуқур бадиий-фалсафий қарашлари, қаҳрамонларининг ҳаётга бўлган муҳаббати чексиз эди. У ўз ижодида жаҳон адабиётининг халқ ҳаёти билан боғлиқ

йўналишларини тадқиқ этди. Чингиз оға Шарқнинг чуқур фалсафаси ва Европа адабиётининг энг сара анъаналарини ўзи асарларида мужассамлаштирди. Шу маънода у - муҳташам Евроооии макони адабиётининг энг улкан намояндаси ҳамдир.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари илгари сураётган китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш гоёси кишидан чинакам маънавиятли ва маърифатли бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бугун китобга эҳтиёмимиз, китобхонликка эса эътиборимиз кучли. Энг муҳими, Президентимиз бу соҳада ҳам барчамизга амалда ўрнатилган ва намуна бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари ўзининг илк хорижий ташрифини Турманистонга уюштирган ва ўшанда Президент Гурбангули Бердимухамедовга улуғ туркман шоири Махтумқулининг шеърий сайланмасини тухфа этганди.

Бу маърифий анъана кейинги олий даражадаги ташрифлар доирасида ҳам давом этди. Давлатимиз раҳбари томонидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга - И.Савицкий номидаги давлат санъат музейининг дунё санъат ихлосмандлари эътиборини қозонган бебаҳо экспонатларига бағишланган "Саҳродаги Лувр" альбом-китоби совға қилинган бўлса, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга ўзининг қаламига мансуб "Давлат бошқаруви тўғрисида" номли китобининг ўзбекча нашри, шунингдек, Нурсултон Назарбоевга Қозоғистон Президентининг ўзбек тилида chop этилган "XXI аср бўсағасида" китоби тақдим этилди.

Ўз навбатида, Президентимиз 2017 йил сентябрь ойининг бошида Қирғизистон Республикасига амалга оширган тарихий давлат ташрифи чоғида Президент Алмазбек Атамбоевга ҳам китоб совға қилди. Бу - улуғ қирғиз адаби ва машҳур жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг "Танланган асарлар" нашридир<sup>1</sup>.

Китобга мамлакатимиз раҳбари **"Ўзбек халқининг улкан ва ардоқли дўсти"** номли кириш сўзи ёзган. Унда, хусусан, шундай самимий фикрлар бор: **"Ўзбекистонда бу улуғ ижодкорнинг китоблари кириб бормаган бирор хонадонни, унинг гўзал қисса ва романларини ўқимаган, улар асосида яратилган кинофильмларни томоша қилмаган бирон-бир кишини топиш қийин, десак, адашмаган бўламиз. У нафақат қирғиз халқи, айти пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва суюкли сиймо, десак, бу ҳам айти ма<sup>3</sup> е<sup>3</sup> а<sup>3</sup>а<sup>3</sup>е<sup>3</sup>д"**<sup>2</sup>.

Чиндан ҳам, биз улуғ қирғиз адабининг аксарият асарларини ўз она тилимизда анчадан буён ва қайта-қайта мутолаа қилиб келмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Зеро, шундай асарлар борки, уларни яна ва яна мутолаа қилгинг, адиб гавдалантирган қаҳрамонлар билан эски қадрдон дўстинг

<sup>1</sup> Айтматов, Чингиз. Танланган асарлар: қиссалар. - Т.: "Sharq", 2017. - 656 бет.

<sup>2</sup> Айтматов, Чингиз. Танланган асарлар: қиссалар. - Т.: "Sharq", 2017. - 1-бет.

билан учрашгандек қувончни ҳис этгинг, камтар ва софдил қўшнинг каби ўша оддий одамларнинг ўзингга таниш кўринган ҳам мароқли, ҳам изтиробли турмуши оламига шўнғигинг келади.

XX асрнинг энг машҳур ёзувчиларидан ҳисобланган буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг қисса ва романлари ана шундай китоблар сирасига киради. Шу ўринда фақат кейинги 3-4 йилнинг ичидагина мамлакатимиз нашриётларида адибнинг ўнлаб китоблари чоп этилгани диққатни тортади. Мисол учун, 2014 йили - "Қулаётган тоғлар", "Қиёмат", "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар", "Эрта қайтган турналар", 2015 йили - "Жамила", "Юзмаюз", "Оқ кема", 2016 йили - "Асрни қаритган кун", "Танланган асарлар" номли китоблари нашрдан чиқди.

Айниқса, 2015 йилда ёзувчининг олти жилдлик "Тўла асарлар тўплами" нашр этилгани ўзбек китобхонлари учун ажойиб тўхфа бўлди. Бу асарларни таржима қилишда Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев каби етакчи таржимонларнинг юксак маҳорати ва фидойиларча ижодий меҳнати таҳсинга лойиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ф.Шеллинг таъкидлаганидек, Ч.Айтматов "замон ва оламни қалбига сингдириш салоҳиятига эга бўлган" инсонлар сирасидандир. Айнан шунинг учун ҳам у кўпчиликдан ўзиб, гоёлар ифодачиси сифатида танилди ва фақат ўзибгина кетмасдан, балки ўз даврининг йўқотишлари, ютуқларини ҳам белгилаб бера олди. Ишончим комилки, йиллар ўтгани сари Чингиз Айтматов асарлари бутун жаҳон адабиётида янада кўпроқ аҳамият касб этиб боради, улуғ адибнинг номи, худди юлдузлар жойида қоим турганидек, янада янгирақ жилоланаверади. Унинг қутлуғ номи буюк адиб, файласуф ва инсонпарвар зот сифатида мангуликка дохиллигича қолади.





## *Temuriylar silsilasi*

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Мазкур асарда XV асрнинг иккинчи ярми, Шохрух ва Улуғбек Мирзолар вафотидан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда подшоҳлик қилган Темурийзодалар, уларнинг тожу тахт йўлидаги ўзаро курашлари, қисмати мавзу қилиб олинган. Тарихий манбалар асосида даврнинг ўта чигал манзараси, парокандалик авжи, қаттоллик сабабияти ёритилади. 1447 йилдан то 1507 йилга қадар кечган воқеа-ҳодисаларда Гавҳаршод Бегим, Улуғбек, Алоуддавла, Иброҳим, Абулқосим Бобур, Шох Маҳмуд, Абдуллатиф, Абдулло, Абу Саид, Ҳусайн Бойқаро, Султон Муҳаммад, Ёдгор Муҳаммад, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умаршайх, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бойсунғур, Султон Али Мирзолар иштироки, тутган ўрни тадқиқ ва тасвир доирасига киритилган. Нуфузли ва айни вақтда, маккор маликалар Хадича ва Зуҳра Бегимлар қиёфасига чизгилар битилган.

Темурий Мирзоларнинг муросадан йироқ муттасил ёвлашуви ташқи тажовуз ва босқинларга йўл очганлиги, натижада буюк Амир Темур асос солган улкан салтанатнинг емирилиши ва интиҳосига боис бўлганлиги теран талқин этилган "Амир Темур сулоласи" китобининг мантиқий давоми бўлиб, эл-у юртимиз кечмиши ихлосмандларига мўлжалланган.

## Taxt g'urbati

Шу нуқтада Улуғбек Мирзони, унинг ҳаракатларини тушуниб бўлмайди. Унинг ҳукмдорлигини тан олиб, бош эгиб келган Абулқосим Мирзо элчиларини подшоҳона иноят билан сийлаб, жўнатган Мовароуннаҳр султони ўз донишмандлигига зид қарорлар қабул қилади. Элчилар йўлга тушгани ҳаманоқ, ака-укалар қасдида Исфароин вилоятига қадар қўшинни жадал бошлаб боради. Бу жойда йигирма кун давомида эса, сабабсиз тўхтовга амр қилади. Ўрнига тушмаган, шикаста қарор эса, Абдуллатиф Мирзо билан Тарнобда ҳузурига келиб қўшилган Абдулло Мирзоларни Бистом вилоятига йўллашда, Абдулла Мирзонинг Астрободга етишиб, мозандаронликларни (яъни Алоуддавла ва Абулқосим Мирзоларни) куч ва қудрат намунасини кўрсатиб, мағлуб этсин, деган фармони олийда кўзга ташланади. Абдуллатиф ва Абдулло Мирзолар буйруққа биноан ҳаракатга тушадилар. Қўшиннинг таянчи Улуғбек Мирзо қўл остида бўлиб, иккала шаҳзода жанг-у жадални бошлаганда, ёрдамга етиб бориши келишилганди. Аҳдга кўра, Улуғбек Мирзо улар ортидан Астробод йўлидаги Пули Абришимгача боради, Яна ҳеч бир сабабсиз, Улуғбек Мирзо Астробод фатҳига юборган черикни, ўғли ва Абдулло Мирзони огоҳлантирмасдан, ортга қайтишга фармон беради.

Улуғбек Мирзонинг жилови орқага буриши сипоҳийларда ҳам норозилик келтириб чиқаради, катга ўлжа умидида бўлган кўплаб аскарлар парокандалик иллатларини бошлаб беради. Шу давр муаррихи айтганидек, "ҳақиқатан ҳам, Мирзо Улуғбекнинг орқага қайтиши унинг голиб лашкарида заифлик ва нуқсон келтириб чиқарди ва ожизлик ҳам путур етишига сабаб бўлди". Абдураззоқ, Самарқандий, XV аср тарихчиси бу бобда куйиниб ёзганида, ҳақ эди. "Агар Мирзо Улуғбек зафар таратувчи байроқларни то Бистом майсазоригача сурганида, шуҳратли шаҳзодалар Мирзо Алоуддавла ва Мирзо Абулқосим Бобурларни бутунлай мағлубиятга учратган бўларди, улар эса мажбуран Ироққа, Мирзо Султон Муҳаммаднинг байроғи сояси-ю, раияти ҳимоясига жўнаган бўлардилар ҳамда бундан кейин уларнинг қўлидан бирор иш келмаган бўларди", деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий.

Ғалаба нашъаси олдида турган Абдуллатиф Мирзо отасининг тўсатдан ортга жўнаганидан жуда ваҳимага тушиб, зудлик билан қўшинни қайтаради. Ўйлов ва тез суръатлар билан қайтиш унинг касалланишига сабаб бўлади. Бу орада, бир гуруҳ "муфсидлар" – асли ишни бузувчилар Улуғбек Мирзога: "Шаҳзода ўзини касалга солиб, амри фармонингиздан чиққан, кўнгида мустақиллик бор", деган иғвони қалаштирадилар. Бойсунқор Мирзо ўғиллари устига юриш, шу алфозда, натижасиз якунланади. Бу Улуғбек Мирзога обрў олиб келмайди. Аввало, ака-ука муҳолиф Мирзолар унинг ҳокимиятини тан олиб, хутба ва пул зарбида байъат қилганликларини

элчилар орқали аён қилганларида, элчиларга аҳдни қабул қилганлик ваъдасини бермаслик ва ўз лафзини синдириб, шаҳзодалар изидан туш-маслик вожиб кўринади. Бу воқеалар 1448 йилнинг кеч кузида содир бўлади. ўғлининг соғайишига эътибор берган Улуғбек Мирзо, унинг касаллиги ҳақида гапни чувалатган "муфсидларга", таассуфки, жазо тайин қилмаган. Абдуллатиф Мирзо соғайиб, оёққа туриб кетгач, Улуғбек Мирзо унга Хуросон мамлакати идорасини топширади.

Улуғбек Мирзодан Хуросон ва Эрон тупроғида омад юз ўтириб, давлат қайтишни бошлаган эди. Бу орада бахт қуши Абулқосим Бобур Мирзо боггоҳи теграсида айланиб учадиган бўлди. Доруссалтана Ҳирот унинг тасарруфига ўтиб, тахтда қарор топди. Шоҳрух Мирзо ҳаётлигида сарой палосига бир неча шаҳзодалар сиққан бўлса-да, энди, инон Абулқосим Мирзо ихтиёрига ўтгач, туғишган биродари Алоуддавла Мирзо унинг даврасига сизмай қолди. Бир қисм сипоҳийларга саркор қилиб қўйилган Алоуддавла Мирзо табиатан ичи қора бўлганлиги учун ўз мақомидан маҳзун аҳволда юрарди. Куни кечагина тахт ҳам, салтанат ҳам унга тегишли эди. Энди эса, ўзидан беш ёш кичкина укаси тахтда савлат тўкиб ўтирибди. Уканинг иззат-эҳтироми акага масхаралашдай туюлади. Дарди ичида машваратдан чиқиб, отга минади-да, қўшинларни кўздан кечирган бўлади. Хаёлида иложсизлигидан режалар тузади, фикрини ўғли Иброҳим Мирзога ҳам айтишга кўрқади. Охири, бир куни тўхтамга келди-да, Султон Иброҳим Мирзони Имод қалъасига юборадиган бўлди. Қалъада кўч-кўргони, урруқи ва бойлиги, жавҳар-у нақд олтинлари бор эди. Иброҳим Мирзога уларни қалъадан олиб чиқишни тайин қилиб, мақсадини айтиб ўтирмади.

Абулқосим Бобур Мирзо ҳам сарой таълимини кўп олган, ишонганига ишонмаслик руҳида тарбия кўрган эди. Шу важдан, акаси ортидан одам қўйган, унинг ҳар демиши, ҳар қилмиши назорат остида эди. Фитна кўзгашга устаси фаранг бўлиб кетган, икки тарафни уриштириб қўйиб, нонини туя қилиб ейишга тамал қўйиб қолганлар шу кунлари, муаррих шаҳодат этганидек, "Алоуддавла Мирзо саркашликни бошлаган, уруш қилиш фикрида ҳаракатга тушиб қолди, мустақиллик яловини кўтармоқчи", деган гапни етказадилар. Абулқосим Мирзога ҳам шу туртки керак эди, чақимчилик жавобини ҳаяллатмай, дарҳол Алоуддавла Мирзони ҳибсга олишга буйруқ берди. Бу ҳам етмагандек, неча ўз сипоҳийини Тун мавзеига, қалъага кетаётган Иброҳим Мирзони тутиб келишга отлангирди. Алоуддавла Мирзога содиқ бўлган Аҳмад Ясовул бу сафар ҳам садоқат кўрсатди, Абулқосим Мирзо сипоҳийлари билан қаттиқ савалашди. Иброҳим Мирзони қўлга туширган тўда уни отга ўнгариб, Ҳирот томон елиб кетди. Аҳмад Ясовул Алоуддавла Мирзо буйруғини мухофаза қила-қила, қўлига шамшир ботиб, қон оқаётган бўлса-да, бирорта ёғийни уларга яқинлаштирмади. Урруқда Иброҳим Мирзонинг синглиси Руқия Султон бека ҳам бор эди. Аҳмад Ясовул уларни шу пайтда Ироқда ҳукм сураётган, Маҳди улё Гавҳаршод Бегимни ҳам жонига жойлаб турган Султон Муҳаммад Мирзо паноҳига олиб кетди. Олам ишлари қизиқ-да. Икки йил муқаддам

Шоҳрух Мирзо исён кўтарган шу набираси Султон Муҳаммад Мирзони тинчитаман деб, ўзи абадий тинчиган, бақо оламига кетган эди. Гавҳаршод Бегим эса, тақдирнинг азмойишини қаранг, шу авбош набира пинжиги суқилиб, жон сақлаб турмоқда эди. Эда, бежиздан-бежизга, "кириб-чиқадиган эшигингни қаттиқ ёпма", деб айтилмас экан. Тарихнинг тадбирлари ҳам, сўқмоқлари, сир-саноати ҳам бисёр бўлар экан.

Имод қалъасига бориб, отаси тайинлаганидек, беркитиб, маҳкам сақлаб турилган хазинани олишга улгурган Султон Иброҳим Мирзони бор ганж-у нақдиналари билан ушлаб, Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига банди қилиб, келтирадилар. Шу ерда Абулқосим Мирзонинг кўзи тўқлигига қойил қоладиган муносабат қарор топади муаррих алоҳида уқдирганидек, "у Султон Иброҳим Мирзонинг (гарчи ўзи ҳибсга олинган бўлса-да) жавҳар, тилло ва кўп кумуш сандиқчаларини очмасдан, тортиб ҳам кўрмай Султон Иброҳим Мирзонинг ўзига бағишлади, у ҳамма нақд пуллар-у жавҳарларни ҳиммат тарозусида арпа донасича ҳам кўрмади".

Амакизода шаҳзодани ҳибсга маҳкум этиб, кўнгли бир оз тинчиган Абулқосим Бобур Мирзо, "отамнинг қўли" дебми, ичкиликка берилди бошлади. Мен бу таънани ўйлаб топмадим, муаррих сўзига қулоқ тутдим, у зот шундай ёзган: "Абулқосим Бобур Мирзо эрта-ю кеч тинимсиз ичкилик ичиш билан машғул бўлиб, у садоси-ю най навосидан ташқари дунё ишларини шамолдек ҳисоблагани туфайли, унинг хос кишилари бўлган бир гуруҳ амирлар фитна ва фасод бошлашиб, зулм-у бедодлик бунёд қилдилар".

От жиловни бўш қўйилса, у тўлғайди, қумақай ўтирган суворий, ногаҳон, эгардан учиб тушиши ҳеч гапмас. Амирларнинг бадмаош йўлга киритилганидан хавотирга тушган, инсоф ойинига бир умр риюя қилиб келган амир Ҳиндука улардан узоқроқ бўлиш учун рухсат олиб БОДРИС яйловига чиқиб кетади. У, мастликда бир кор-ҳол юз бериб, оқибати хунук иш содир бўлмасин, деган ниятда, ҳибсда ётган Иброҳим Мирзони ҳам ўзи билан бирга олиб кетади.

Тақдирнинг товланишини қаранг. Абулқосим Мирзо саройида аҳвол шу даражага бориб, таранглашиб турганда, Абдуллатиф Мирзодан кутилмаган бир хабар келиб қолди. Балхда салтанат қуриб, ҳарб-зарбда ўзини ўнглаб олган Абдуллатиф Мирзо отаси Улуғбек Мирзога ошкора сотқинлик йўлига кирган эди. Отадан юз ўгириб, Абулқосим Бобур Мирзога иттифоқчилик таклиф қилаётган Абдуллатиф Мирзо мактубида, "Улуғбек Мирзо катта лашкар тўплаб, Хуросонни босиб олишга қасд қилган, биз унинг йўлини тўсиб турибмиз, илоҳий иноят кўмаги билан унинг Жайхундан ўтишига йўл қўймаймиз. Сизга нисбатан эса, муҳаббат ва дўстлик, бирлик ва эътиқод мақомидаммиз", деб онтини аён қилганди.

\* \* \*

Абулқосим Бобур Мирзонинг сархуш чоғларида Бодрисга кетган амир Ҳиндуканинг Ҳиротдаги вазиятдан дили хотиржам эмасди. Ҳиндукада, мамлакатни ичгувчилар, ўз биродарларини ҳибсга олувчилар эмас, Улуғбек

Мирзодек билимдон, раиятга рўшнолик етказа оладиган, тож-у тахтнинг истигноларига парво қилмайдиган одил подшоҳ идора қилиши керак, деган фикр етилганди. Абдуллатиф Мирзодан отаси босиб келаётганлиги хабари олингач, Абулқосим Бобур Мирзо уни тезда Ҳиротга қайтишга чорлади. Бироқ амир Ҳиндуканинг унинг ёнига қайтиб бориш хоҳиши йўқ бўлгани боис, соҳибига "Абдуллатиф Мирзо Балхда турибди, бу чегарани холи қолдириш маслаҳатдан эмас", деб узрли, аммо рад жавобини йўллади.

Бу орада кела-келмиш ота-боболари Темурийлар хонадонига садоқатда бўлиб келган Сеистон вилояти ҳокими Шоҳ Ҳумоюн Ҳиротга нисбатан ихтилоф йўлига киргани маълум бўлиб, Абулқосим Бобур Мирзо унинг дафъи учун қўшин тортади. Амир Ҳиндука ўз режасини амалга ошириш учун қулай вазият туғилгани боис, ўз сафдоши амир Иброҳим Идику Темурни Мовароуннаҳрга, Улуғбек Мирзо ҳузурига жўнатади. Мақсад, афсуски, ушалмай қолади, Абдуллатифнинг изғиб юрган соқчилари Идику Темурни Андхуд сарҳадида тутиб олиб, Абдуллатиф Мирзо олдига келтирадилар. Гап нимадалигини суриштириб, англаган шаҳзода уни ҳибсга олдиради.

Амир Ҳиндуканинг элчиси Самарқандга эсон-омон борганида эди, Улуғбек Мирзо ўглининг хиёнат йўлига кирганидан воқиф бўлар, шунга арзирлик тадбир кўрган бўларди. Тақдир ҳозирлаган жарликлардан ўтиш ҳеч қачон бандасига, ҳатто, у шоҳ-у подшоҳ, олампаноҳ бўлса-да, насиб қилмайди. Икки ўртада жарлик тобора чуқурлашиб, тубсизликка айлана бормоқда эди. Амир Ҳиндука, энди пинҳон иш тутиш иложи қолмаганидан, Абулқосим Мирзога қарши дангал майдонга тушади. Астробод ҳудудида бўлиб ўтган жангда, у қанчалик жасорат кўрсатмасин, умри завол топади. Абулқосим Бобур Мирзо биродари Алоуддавлдан, гарчи, у ҳибсда ушлаб турилган бўлса-да, хотири жам бўлмаганидан, уни муҳтожлик кўйига солиш ниятида, хазиnasi сақланаётган Имод қалъасига босқин уюштиради. Имодга яширилган бойлик катта эди. Бир неча вақт аввал Султон Иброҳим Мирзо шу жавоҳиротдан бир қисмини олиб чиқиб, қўлга тушганди. Энди эса, қалъани ҳийла-ю фириб билан қўлга киритган Абулқосим Мирзо, муаррих гувоҳлик берганидек, "қалъада бўлган жаҳон-жаҳон хазиналарни қўлга киритди".

Имод қалъасининг таслими ва хазиnasi доврўғи Ҳиротда шундай кўтаринкиликларга сабаб бўлдики, Алоуддавла Мирзони ҳибсда сақлаб, унга нигоҳбонлик қилиб турган кўриқчилар ҳам кайф-у сафога берилиб кетдилар. Бу гофиликдан фойдаланган Алоуддавла Мирзо қамоқдан қутулиб, тарафдорлари кўмагида Нимрўз вилоятига қочиб кетади.

Акасининг ҳибсдан қочганлиги хабари Абулқосим Мирзонинг кайфини учириб юборди. Қаердан бўлсада, қочқин собиқ шоҳни, акаси Алоуддавла Мирзони топиб келишни ўз қудаси, энг ишончли кишиси деб билгани амир Шужоуддин Худойдодга қаттиқ топширди. Нимрўзда эндигина ўрнашиб, нафасини ростламоқчи бўлган Алоуддавла Мирзо изидан катта

сипоҳийлар бўлаги келаётганини эшитиб, зудлик билан Ироққа жўнашни, иниси Султон Муҳаммаддан паноҳ сўрашни мақбул билди. Султон Муҳаммад Мирзо эса, унинг келишига рўйхушлик билдирмади.

\* \* \*

Тож-у тахтнинг васвасаси, унинг таъмини озми-кўпми тотганларга ёхуд юққани ялаганларга сира ором бермас экан. Алоуддавлага қарши Абулқосим Бобур қилич яланғочласа, унинг ўзи пайт пойлаб юрган Султон Муҳаммад Мирзодан зарбалар емай қолмайди. Икки ўртада бир ҳовуч одамлари билан бор-у йўғидан ажралиб қолган Алоуддавла Мирзо Гармсер томонга кетишга, жон сақлашга ва куч йиғишга, интиқом ва бобоси тахтида, имкон топса, яна ўрнашишга эҳтиёжманд эди. Гармсерда у ўзини ҳам, ҳарб ишларини ҳам бир қадар ўнглаб олди, ўзи емаса емади, киймаса киймадики, орттиргани, сақлаб қола олгани сўнги тангаларини ҳам сипоҳлар ёлашга, ўз туғи остида бирлаштиришга сарфлади. Тез орада кўп сонли аскарлар жам бўлди ва Ҳиротга томон юрди. Бу пайтда Абулқосим Бобур Мирзо билан Султон Муҳаммад Мирзо низолари авжига чиққан, фақат қон тўкиш эмас, гап суқиш, яъни тарғибот ҳам орада газаклаган эди. Хусусан, Султон Муҳаммад Мирзонинг ўликми-тириклиги миш-мишларга чўлгангач, унинг лашкари тўзгиб кетади. Бу хабарлар Алоуддавла Мирзонинг Хиротга катта лашкар билан кириб келишига туртки беради. Султон Муҳаммад яна Ироқ томонга бош олиб кетишга мажбурият сезади. Хирот, шу тариқа, уч шаҳзода ўртасида тахт касаллигининг бедаво манбаига айланиб қолаётган, тўп сингари гоҳ у тарафга, гоҳ бу томонга сурилмоқда эди.

Алоуддавла Мирзо Ҳиротга жангсиз муяссар бўлганидан, вақтни ганимат билиб, доруссалтана пойтахтда хотиржам ўрнашиб олди. Тахтга чиқиб, салтанат жомини энди сипқора бошлаганида, бир неча кун ўтиб, шаҳарда Абулқосим Бобур Мирзо кучли сипоҳийни бошлаб келгани дараги ёйилди. Ҳали тўқнашув муқаррар бўлмасиданоқ, Алоуддавла Мирзо одамларига қўрқув зилзиласи ваҳима солиб, тўрт тарафга қочишни бошладилар. Алоуддавла Мирзо қолган тўдалар билан Балх ва Шибиргон тарафга қараб от сурди. Васваса девона хаёлларга эрк бермай қолмаскан. Йўлларни тай қилиб, ортига, таъқиб қилмаяптимиқанлар, деб бот-бот қайрилиб қараб, олазарак бўлиб келаётган Мирзонинг кўнгли, ором топса, яна куч йиғиб, дорулмулк Самарқандни бўйсундиришни қасд этиб, ўйловда елар эди.

Алоуддавла Мирзонинг Самарқанд истилоси гирдобига армон қадамини кўйишга чираниши бесабаб эмасди. Хуросонда уч ака-ука қиён-кесди қилиб, бир-бирини йўқ қилиш пайида от сурганларида Мовароуннаҳрда аҳвол бундан-да мушкулроқ, фожеийроқ кечганди. Ву юртда ҳам ота-бола ёмон ёвлашиб, ота ўлдирилган, манфур фарзанд эса, унинг тахтини қонга булгаб, олти ой ҳукм сурган эди. Улуғбек Мирзо ва падаркуш Абдуллатиф Мирзо ҳақида гап кетаётганлигини муҳтарам ўқувчи сезиб турибди. Падаркуш асфаласофилинга равона этилгач, Иброҳим Султон Мирзонинг ўғли Султон Абдулло Мирзо Самарқанд тахтига чиққан эди. Мовароуннаҳр

заминида, Соҳибқирон Амир Темур пойтахти Самарқандда кейинги олти-етти ойда рўй берган даҳшатлар улуснинг мадорини қочирган, юрт ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган эди. Султон Абдулло эндигина 17 ёшга тўлган, на иш кўрган, на давлат тутумини биладиган, сиёсат ва ҳарбзарбда хом бир шаҳзода эди. Омад юз буриб, шоҳдик қисвати насиб қилган эди-да. Алоуддавла Мирзо шуларни хаёдан ўтказар экан, Самарқандни ундан бир ҳамлада тортиб олишига кўзи етарди. У босқинни пишитиб юрган кунларида, иттифоқо, бир гуруҳ барлос ва арлот амирлари Самарқанддан Балхга, Султон Абдуллодан аразлаб, Алоуддавла Мирзони паноҳ тутиб, келиб қолдилар. Вақтида Самарқандга юборилган амир Иброҳим Идику Темурнинг ҳеч бир сабабсиз қатл этилганлиги уларда норозилик келтириб чиқарганди. Юз бурган амирлар Алоуддавла Мирзога Самарқандга ҳужум қилишнинг айна мавриди эканлигини айтиб, уни даъват қилишга киришдилар.

Султон Абдулло Мирзо, барлос ва арлот амирлари ижозатсиз кетиб қолишлари яхшиликка эмаслигини, ҳар ҳолда пайқаб етган, шу боисдан черигини шай қилиб кўйган эди. Чамамда, Самарқанд тахтига чиқиб, қилган яхши тадбирларидан бири шу ҳозирлик бўлган эди. Тез орада Жайхун бўйларидан катта қўшин дарёни кечиб ўтганлиги дараги эшитилди. Султон Абдулло Мирзо лашкари ҳам фурсат ганиматлигида Кеш – Шаҳрисабз томон отларга қамчи босди. Шаҳрисабз ялангида рўпара бўлган икки лашкар олишувга тайёр эди. Барибир, Алоуддавла Мирзонинг қонли муҳорабага юраги дов бермади. У, Жайхундан ўтди-да, Балхга келиб тушди. Омад ундан бу сафар ҳам юз ўгирган эди. Ўгирганда ҳам, меҳвар асосидан терс бурилгандек аҳвол намоён қилганди.

Ўлганни тепган қабилида иш тутиш додини кимга айтасан, киши. Балхга етиб, омадсизлигидан ранжиб, не қиларини билмай, маҳзун аҳволга тушган Алоуддавла Мирзо кўргиликлар яқинлашиб келаётганидан беҳабар эди. Малика бувиси ёнида йўқ, бундай мушкул дамларда Гавҳаршод Бегимнинг насиҳати ҳам, сандиқ-сандиқ олтин-кумушлари ҳам жуда асқатарди. Бувисининг ҳоли Ироқда не кечдйкан? Султон Муҳаммаднинг бир сира жонланиб қолиши, ҳайтовур, маликанинг ёрмоқлари эвазигадир?! Алоуддавла Мирзо бу насибадан маҳрум, у томонларга қадам боса олмайди. Абулқосим Мирзо йўлида кўндаланг бўлиб, бўғма илондай бўғиб оламан деб турибди. Кейинги ойлarda содир бўлган, бўлаётган ҳодисотлардан Алоуддавла Мирзо бошини чангаллаб қолган кўйи соатлаб ҳеч нарса билан иши бўлмасди.

Хотин-халажи Алоуддавла Мирзонинг соғлигидан ташвишда, табиблар эса, унинг хафақон касаллигидан хабари бор, дейишарди. Ҳирот тахтидан ажралиб қолганидан бери, кунлари ҳаловатда кечмади. Тўладан келган, қорни ҳам салқиб чиққан Мирзони дафъатан кўрган яқини ҳам таний олмасди – хийла ориқлаган, ўсиқ соқол-мўйловлари бетартиб, пешонасини ажин босганди.

Абулқосим Бобур Мирзо акасининг тийиқсиз феълени, тож-у тахт

деса, ҳеч балодан қайтмаслигини яхши билганидан, ўзига нисбатан бўладиган асосий хавфни унинг тарафидан кутарди. Самарқанд юриши самарасиз тугаб, Алоуддавла Мирзонинг Балхга қайтиб келиши укага сира тиним бермайдиган фикр-у ўйларга сабаб бўлди. Пешқадам бўлмаса, Балхга юриш бошламаса, кеч қолиши, аканинг яловларни ҳилпиратиб, босиб келиши тайин, деб мулоҳаза қилди у. Ҳатто, ҳавонинг совиб бораётганлиги ҳам уни ниятидан қайтара олмади. Балх устига мўр-малаҳдек лашкар тортилди. Юриш асносида айғоқчилар йўлаб, Алоуддавла Мирзонинг аҳволини ўрганди, аканинг паришонхотир эканлигини билиб, кутилмаганда босқин ясаб, черигини тум-тарақай қилди. Ўрдуда хотиржам ўтирган ҳарам ва хизматкорлар қўлга олинди.

Алоуддавла Мирзонинг омади ёр бўлиб, жонини қутқариб қолди, амаллаб тоғнинг ўнқир-чўнқирларидан ошиб, бир ковак жойга беркиниб олди. Мирзони ҳар қанча ахтармасинлар, топа олмадилар. Абулқосим Бобур Мирзо ишнинг чала битганидан кўнгли тўлмай, акасининг хотин-халажи ва хизматкорларини, мол-у ашёларини олиб, Балх шаҳрига кириб келди. Шаҳарда ўз мавқеини тиклаб, кишиларини вазифаларга тайин қилиб, Ҳиротга йўл олди.

Ҳарамидан, кўч-кўронидан айрилган, шоҳона либослари чокидан сўкилган, йиртилган Алоуддавла Мирзо тор сўқмоқлари бўйлаб, Ҳирот этагидаги Гозургоҳ тизмаларига бир амаллаб етиб келди. Унинг изидан тушган айроқчи Гозургоҳ дараларидан бирида Мирзони кўздан йўқотиб, охири иложини қилолмай, Абулқосим Бобур Мирзога арз қилиб, воқеани айтди. Яна излашга тушдилар ва охири, Алоуддавла Мирзони Искандарбекнинг висоқидан - уйдан топдилар. Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига олиб кирганларида, тинтув чоғида топилган букарак, тева кўзи, шохмансурий деб ном қўйилган лаъл ва жавоҳирларини намоишкорона териб қўйдилар. Алоуддавла Мирзо бошига мушкулотлар тушганда, улардан фойдаланаман, деган андишада шу мўъжаз бойликни яширин сақлаб юрарди. Акси ўлароқ, шу бир қисм гавҳар-у тилло ҳам унга насиб қилмади. Оёқ-қўлига кишан урилди-да, Ихтиёридин қалъасига қамаб қўйилди.

Ғолиб ука мағлуб акани шармисор қилиб, занжирбанд ҳолида ўзи билан бирга олиб юрарди. Зиёфатларда, машваратларда, жанг-у жадалларда Алоуддавла Мирзо жонли ва аянчли кўргазма эди. Бу билан тахт талабгори бўлган ёхуд бўлиш умидида юрган Темурий Мирзоларга сабоқ бериш кўзда тутилган эди. Султон Муҳаммад Мирзони, охир-оқибатда, ўлдириб, тинчиган Абулқосим Бобур Мирзо ундан буткул хотиржам бўлиб, занжирдаги боғлиқ, бўшатса, ёқасидан олиши муқаррар бўлган Алоуддавла Мирзо хавфини бартараф қилиш фикрига тушди. Султон Муҳаммад Мирзонинг орадан кўтарилганлиги шодиёнасида коса-коса майни симириб, кайфи ошиб қолган Абулқосим Бобур Мирзо, давра пойида занжирбанд чўккалатиб қўйилган акасига имо қилиб, "олиб чиқинг ва кўзларига мил тортинг, токи тахт йўлини қайта кўра билмасин", деб амр қилди.

(Давоми кейинги сонда)



# Bag'rikenglikning tarixiy ildizlari



Шаникли қадимшунос олим Анатолий Сагдуллаев 1951 йил Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Қайнар қишлоғида таваллуд топган. Ҳозирги ЎЗМВ тарих факультети археология бўлиминини тугатган (1973) 4 маъруз олийгоҳ тарих факультетида кичик илмий ходим, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан лавозимларида ишлаган.

А.Сагдуллаев номзодлик (1978) докторлик (1989) диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган. 250 яқин илмий, ўқув-ўқувчи ишларини нашр эттирган 2 нафар фан доктори 12 нафар фан номзоди тайёрлаган. 2017 декабрида Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига тасдиқланган.



## (Боши ўтган сонда)

Подшоликда турли халқлар вакилларида иборат ҳарбий колониялар бунёд этилиб, давлатнинг ҳунармандчилик устахоналарида ва оммавий бинокорлик ишларида салтанатнинг барча ўлкаларидан кўчириб келинган ҳунармандларнинг кучларидан фойдаланилган. Шунингдек, подшоликнинг марказий ва чекка вилоятлари- сатрапияларга алоҳида қабилалар ва элатлар кўчирилган<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар даврида Эрон, Элам, Иккидарё оралиги (Месопотамия) ва Миср шаҳарларида (Суза, Бобил, Мемфис ва бошқ.) турли халқлар вакиллари (финикияликлар, мисрликлар, юнонлар, арманлар, яҳудийлар, араблар, ҳиндлар ва ҳ.к.), жумладан, ёзма манбаларда тилга олинган ўртаосиёликлар (хоразмийлар, саклар, бақтрияликлар) биргаликда истиқомат қилганлар<sup>2</sup>.

Геродотнинг ёзишича, Доро I Шимолий Африкадаги Барка шаҳри аҳолисини Бақтрия ҳудудига кўчирган: "Шоҳ уларга Бақтрияда манзилгоҳ ажратган. У ерга улар Барка номини бериб, бизнинг давримизда ҳам ўша ерда умр кечирмоқда"<sup>3</sup>. Бақтрия заминига Кичик Осиёдаги Милет шаҳри атрофидан

<sup>1</sup>Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика Древнего Ирана. - М.: Наука, 1980. - С.281.

<sup>2</sup>Kent R.G. Old Persian: Grammar, Texts, Lexicon. - New Haven, 1953. - P.155-156; Дандамаев М.А. Индийцы в Иране и Вавилонии в ахеменидский период / Древняя Индия. Историко-культурные связи. - М., 1982. - С.120-122.

<sup>3</sup>Геродот. Кн.IV, 204.

юнонлар ҳам депортация қилинган. Улар Македониялик Александр давригача ўзларининг кўпгина урф-одатларига риоя қилиб, аста-секин она тилини унута бошлаган эдилар<sup>1</sup>.

Аҳамонийлар даврига оид Ўрта Осиёдаги оромий ёзувининг илк намуналари Хоразм воҳасидан топилган. Шунингдек, давлатнинг бошқа ўлкаларида хизмат қилган ўртаосиёликлар оромий тили ва ёзувини билганлари ҳақида ёзма маълумотлар мавжуд. Мил.авв.465 йилга оид Қуйи Нилнинг Элефантина оролидан папирусда битилган оромий ёзувлари топилган. Ушбу ҳужжатда Элефантина ҳарбий гарнизонида хизмат қилувчи хоразмлик Даргоман ва яҳудий Махсей ўртасидаги мулкий низо ҳақида сўз юритилиб, ҳужжат қуйидаги сўзлар билан бошланади: "Элефантина қалъасидаги форс Артабон қўшинидан хоразмлик Харшиннинг ўғли Даргоман, форс Варийзата қўшинидан Махсейга деди..."<sup>2</sup>. Шунингдек, мазкур манба, Элефантина оролида хусусий уй-жойлари ва ерга эгалик қилган турли халқлар вакиллари ўз оилалари билан яшаганлари тўғрисида дарак беради. Элефантина ҳужжатларида шу оролда яшовчи бобилликлар ҳамда каспийлар тилга олинган.

Элефантина аҳолиси ичида яҳудийлар Аҳамонийлар давридан аввал оролга келиб, Миср фиръавнларига хизмат қилганлар. Улар ўз дини ва урф-одатларини сақлаб, бироқ она тилини унутганлар. Шу боис, оромий тили ва ёзуvidан фойдаланганлар<sup>3</sup>. Мазкур ҳолат Бақтрияга кўчирилган милетлик юнонлар ва Элефантина яҳудийларнинг тарихий тақдири бир-бирига ўхшаш бўлганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Элефантина манбаларидан ташқари, Саккарада (Миср) топилган оромий ҳужжатларида Мемфис шаҳри кемасозлик устахоналарида ишлаган хоразмликлар тилга олинган. Шунингдек, улар тўртта Бобил ҳужжатларида ҳам қайд этиб ўтилган<sup>4</sup>.

Этник ва маданий жараёнлар мавзуси давомида юнонларнинг халқаро муносабатларидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам бироз сўз юритиш лозим. Аҳамонийлар даврида Эронда истиқомат қилган юнонлар оз эмасди. Форслар юнон ҳунармандлари, бинокорлар, табиблар, ҳайкалтарошлар, олимлар, лашкарлар ва жангчилар хизматидан кенг фойдаланганлар. Форс тилини билган кўпгина юнонлар таржимон вазифасини бажарганлар ва аксинча, форслар юнон тилини ўрганганлар. Тарихчи Курций Руфнинг далолат беришича, Аҳамонийлар сулоласининг охирги ҳукмдори Доро III юнон

<sup>1</sup> Квинт Курций Руф. История Александра Македонского / Пер.подред.В.С.Соколова. - М.: МГУ, 1963. - XI. 11.2

<sup>2</sup> Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика Древнего Ирана. - М.: Наука, 1980. - С.300-301; Абзас Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Адолат, 2001. 100-101- бетлар.

<sup>3</sup> Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика Древнего Ирана. - М.: Наука, 1980. - С.303.

<sup>4</sup> Балахванцев А.С. Отделение Хорезма от государства Ахеменидов // Хорезм в истории государственности Узбекистана. - Ташкент, 2013. - С.51.

тилини билган ва форс қўшинлари таркибида хизмат қилган юнон жангчилари билан таржимонсиз эркин сўзлашган<sup>1</sup>.

Кўриб чиқилган даврда жамиятнинг ҳаёти ва ижтимоий муносабатларини идеаллаштириш, яъни бўрттириб кўрсатиш мақсадидан йироқмиз. Мазкур даврда босқинчилик урушлари, зўравонлик, зулм ва адолатсизлик етарлича намоён бўлган. Аҳамонийларнинг Шарқда кўп мамлакатларни забт этиши натижасида улар озод ва мустақил ривожланишдан маҳрум бўлганлар. Бироқ, тарихнинг фақат салбий жиҳатларини таҳлил қилиш узоқ ўтмиш воқеаларига бирёқлама ёндашиш ва ҳар бир даврга хос инсоннинг бунёдкорликка интилиши туфайли тараққиётни инкор этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Турли тилларда ёритилган манбалар далолат беришича (бобил, қадимги форс, оромий, юнон) узоқ юртлардан келиб чиққан халқлар вакиллари Шарқ цивилизацияларининг қадимги марказларида маҳаллий аҳоли билан биргаликда яшаганлар. Уларнинг анъаналари, урф-одатлари, тили ва маросимлари ўзаро алоқаларга тўсқинлик қилмаган. Турли халқлар бир-бирининг дини ва дунёқарашларига ҳурмат билан қараганлар<sup>2</sup>. Янги ҳудудий ва маданий шароитдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга мослашиш учун ирқий ва диний тўсиқлар бўлмаган. Аралаш никоҳлар асосида ассимиляция жараёнлари ривожланган.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, қадимий динлар догматик хусусиятга эга эмас эди, шу боис, ўзга халқларнинг эътиқодларига нисбатан диний бағрикенглик намоён бўлиб, унинг асосий сабаби Қадимги Шарқдаги сиёсий ёки ахлоқий омиллар эмас, балки сохта эътиқод ва даҳрийликнинг шакллари ҳақидаги тушунчаларнинг маълум бўлмаганлиги, ирқий нафрат ва бир халқнинг бошқа халқларга нисбатан устун туриши тўғриси, яъни алоҳида халқнинг этник танланганлиги ва маданий афзаллиги тўғрисидаги тушунчалар ҳамда ғояларнинг бутунлай йўқлигидир<sup>3</sup>.

Бу борада ўзга халқларнинг динлари ва худоларига иззат-ҳурмат ҳатто урушлар пайтида ҳам намоён бўлган. Геродотнинг ёзишича, юнон-форс урушлари даврида, қадимги форс лашкарбошиси Мардоний Платея жангидан олдин, юнон худоларидан мадад сўраб, юнон коҳини Гегистрат ёрдамида, маҳаллий маросимлари талабларига риоя қилиб, юнон худоларга қурбонлик қилган<sup>4</sup>. Бундай ёндашув бегона юрт, Юнонистон ҳудудида Эрон худоларига кўра, юнон худолари форслар тақдирини ҳал қилади деган тасаввурдан келиб чиққан.

Геродотнинг бағрикенглигидан ҳам сабоқ олиш мумкин. Тарихчи ўзга халқларнинг маданияти, эътиқоди, урф-одатлари ҳақида ёзиб қолдирар экан, уларнинг маънавий қадриятларига заррача, нописанд, беҳурматлик билан

<sup>1</sup> Курций Руф. IV, 11, 5.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи... 78- бет.

<sup>3</sup> Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика Древнего Ирана. - М.: Наука, 1980. - С.342.

<sup>4</sup> Геродот. Кн. IX, 37.

қарамайди ёки Шарқ халқларига нисбатан юнон маданиятини устун қўймайди.

Маданий тараққиёт муаммосини кўрар эканмиз, бу борада Шарқнинг турли вилоятларида маҳаллий анъаналарга асосланган ўзига хос хусусиятлардан иборат моддий ва маънавий маданият ривожланганлигига гувоҳ бўламиз. Аҳамонийлар даврида Марғиёна, Бақтрия, Суғд, Хоразм маданияти Эрон маданиятидан тубдан фарқ қилган. Ёрта Осиё ўтроқ деҳқончилик вилоятларидаги ҳунармандчилик, меъморчилик, бинокорлик усуллари умумий анъаналарга таянган ҳолда тараққий топган. Шунингдек, мазкур вилоятлар аҳолисини умумий тил, умумий эътиқодлар ҳамда дин – зардуштийлик бирлаштирган. Минтақадан бу диннинг Эронга тарқалиши бизга маълум. Эрондан зардуштийлик ва унинг асосчиси Зардушт ҳақидаги маълумотлар Юнонистонга етиб борган. "Зороастр" исми дастлаб юнон муаллифлари асарларида пайдо бўлган ва кейинчалик ундан "зороастризм" тушунчаси келиб чиққан.

Ўрта Осиёда толерантлик қадимги илдизларини ўрганиш ёзма манбаларнинг камлиги билан чегараланади. Агар "Авесто" дабу масала диний фалсафа ва насиҳатлар билан боғлиқ бўлса, Геродот илк бор Ўрта Осиё тарихидаги бағрикенглик мавзусига оид тарихий воқелиқдан келиб чиққан ёзма маълумот келтиради. У қадимги форс шоҳи Кир II ва массагетларнинг маликаси Тўмарис сиёсий муносабатлари ҳақидаги ҳикояда ўз аксини топган. Маълумки, мил.авв. 530 йилда Кир II, Каспий денгизи ва Оролбўйи ўртасидаги Амударёнинг Ёзбой ўзани атрофи даштларида истиқомат қилган массагетларга қарши юриш қилади (Геродот асарида Амударё Аракс деб аталган).

Араксга етиб бориб, дарёдан кечиб ўтиш учун форс шоҳи кемалар устидан кўприк бунёд этишни буюради. Тўмарис мамлакат ичига кириб келаётган босқинчилар ҳукмдорини огоҳлантиради: "Мидияликлар шоҳи. Ўз ниятингдан воз кеч. Ахир, кўприкни барпо этиш яхшиликка олиб келадими йўқми, сен аввалдан билмайсан. Бу ишларни тўхтатиб, ўз мамлакатингда ҳукм сур, биз юртимизда ҳукм сурганимизга ҳавас қилма. Бироқ, сен маслаҳатимга амал қилмай, қандай бўлса ҳам иш кўриб, тинчликни асрамайсан. Мамлакатимизга тинчгина киришинг мумкин, негаки биз дарёдан уч кунлик йўл масофага чекинамиз. Агарда сен бизга ўз юртинга киришга ижозат берсанг, худди шундай амал қил"<sup>1</sup>.

Уруш, зўравонлик ва беғуноҳ одамларнинг қирилиб кетишининг олдини олиш мақсадида рақиб томонидан билдирилган бундай инсонпарвар, тинчликсевар таклифни Кир II рад этган. Геродотнинг ёзишича, Тўмарис бошлиқ массагетлар билан қаттиқ жангда форс шоҳи ҳалок бўлган. Тадқиқотчилар фикрига кўра, бу жанг Шарқда энг йирик "шафқатсиз жанг" сифатида тарихий хотирада чуқур из қолдирган ва жанг майдонидан эсон-омон қайтган форс лашкарлари томонидан тасвирланган. Эронда хизмат қилган юнонлар ва Кичик Осиё шаҳарларида яшовчи юнонлар орасида

<sup>1</sup> Геродот, I, 206.

сақланиб қолган бу ҳикоядан Геродот фойдаланган ва ўзининг машҳур "Тарих" асарида акс эттирган<sup>1</sup>.

Македониялик Александрнинг Форс подшолигига қарши юришлари натижасида (мил.авв.334-325 йиллар), Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган сайхон ерларда йирик давлатга асос солинади. Бу давлатнинг пойтахти қилиб Александр Бобил шаҳрини эълон қилади. Александр Шарқ халқларини Аҳамонийлар ҳукмронлигидан озод қилиб, уларнинг ўрнига юнон-македонлар ҳукмронлигини ўрнатади.

Александр ўз олдида амалга ошмайдиган мақсад қўйган. Бу ойкумена - аҳоли истиқомат қилган дунё чегараларига етиб бориш ва қадимги тарихчи Плутархнинг айтишича, жаҳон халқларини бир қонунга тобе қилиб ҳамда бир умумий давлатга тўплаб, инсонларни бир ягона этнос - халққа бирлаштириш эди. Бироқ Александр ўз мақсадларига эришмайди, чунки улар хаёлий орзулар эди. Унинг вафотидан сўнг (мил.авв.323 йил) давлат парчаланиб кетади.

Ўрта Осиёда юнон-македонлар истило қилган Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва Суғдиёна Салавкийлар давлати таркибига киради. Хоразм, Чоч ва Фарғона мустақил ривожланади. Мил.авв. III асрнинг ўрталаридан бошлаб, Парфия ва Юнон-Бақтрия алоҳида давлатлар сифатида тараққий топган.

Юнонлар Қадимги Шарқнинг кўпдан-кўп маданий ютуқларини ўзлаштирадilar ва ўзларининг маданий таъсирларини ҳам маҳаллий халқларнинг моддий ва маънавий маданиятига татбиқ этадилар. Ёрта Осиё жанубий вилоятларининг бу давр тарихи маҳаллий ва юнон маданий анъаналарининг қоришиб кетиши билан изоҳланади. Парфия, Марғиёна ва Бақтрияда юнон ёзуви ҳамда пул муомаласи ва ўлчов бирликларининг тизими, тасвирий санъат усуллари тарқалади. Шунингдек, Юнон-Бақтрия давлатида яшовчи юнонлар меъморчилик ва ҳунармандчилик соҳаларида маҳаллий анъаналардан фойдаланганлар, маҳаллий динлар антик мифология образлари билан бойитилган.

Маҳаллий аҳоли ва юнонлар ўзаро маданий таъсири асосида турли соҳаларга тегишли (ҳунармандчилик, меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъатнинг бошқа йўналишлари) билимлар ва кўникмалар ошиб борган, дунёқараш ва маънавият янги асосларда ривож топган.

Сиёсий жиҳатдан, Александр ва ундан кейин Шарқда вужудга келган янги эллинистик давлатларнинг ҳукмдорлари, Аҳамонийлар даврида пайдо бўлган маъмурий-ҳудудий бошқарув ва таянч ҳарбий гарнизонларни бунёд этиш, қўшинлар тузишда турли халқларнинг вакилларини жалб этиш анъаналарини давом эттирганлар.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, мил.авв. 324 йилда Александр этник қўшилиш ғоясини рўёбга чиқаради. Мазкур ғояга кўра, бир халқнинг бошқа халқ билан қоришиб кетиши натижасида оммавий ассимиляция жараёни

<sup>1</sup> Қурбонова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк Ўрта асрлар маънавий маданияти. Тошкент, 2015. 170-бет.

бошланиши лозим. Шу боис халқлар орасида мавжуд этник ва маданий фарқлар бир хилликка айланади<sup>1</sup>. Аслида, бундай гоё Суғдиёнада Александрнинг Роксанага уйланиши мисолида дастлаб намоён бўлган. Шунингдек, Шарқнинг турли вилоятларида ҳарбий таянч қалъаларга асос солиш оқибатида, мазкур гарнизонларда қолдирилган юнон-македон жангчиларининг маҳаллий аёлларга уйланиши ҳам назарда тутилган.

Юришлар якунланишидан сўнг, Суза шаҳарида оммавий никоҳлар амалга оширилади. Александр ва унинг яқин дўстларидан бири Гефестион Доро III нинг қизларига уйланади. Шарқ вилоятлари зодагонларининг қизларини кўплаб юнон-македон лашкарлари хотин қилиб оладилар. Мисол тариқасида, Спитаманнинг қизи Апамага саркарда Салавк уйланади. Бундай никоҳлар тенг ҳуқуқли бўлганлигидан, Салавкийлар давлатида Апама номидаги шаҳарларнинг бунёд этилиши далолат бериши мумкин.

Қадимдан Ёрта Осиёда диний толерантлик ривожланган. Бу жараён антик даврида ҳам намоён бўлиб, илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар) халқларнинг ўзаро муносабатларида муҳим ўрин эгаллаб турган.

Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар ривожидида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, шунингдек, маданий мулоқотга ҳам хизмат қилган. Буюк ипак йўли орқали турли динлар, фалсафий қарашлар, маънавий қадриятлар, ёзув ва тасвирий санъат намуналари тарқалган. Мазкур мавзу адабиётларда етарлича таҳлил этилган<sup>2</sup>.

Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўрта Осиё Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ ҳудудларига турли динларнинг тарқалишида (буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, христиан) катта ўрин тутган. Мазкур динлар маънавият ривожидида муҳим аҳамият касб этган. Қўшни ўлкаларга ёзув (суғд, парфия ёзуви) ва янги мусиқа асбобларининг кириб бориши Ўрта Осиё таъсирида рўй берди. Хитойда VII-VIII асрларда бухоролик, самарқандлик, чочлик мусиқачилар машҳур бўлган<sup>3</sup>.

Минтақанинг ўзида толерантликнинг ривожланиши маданиятнинг кўп хиллигида ва диний бағрикенглигида ўз аксини топган. Мисол тариқасида, Сурхондарё воҳасида турли шаклдаги ёзув намуналари аниқланган. Оромий ва юнон ёзувлари асосидаги бақтрия ёзуви, юнон ёзуви, ҳинд-кхароштхи ва брахма ёзувлари шулар жумласидандир<sup>4</sup>. Шунингдек, қўхна Термизда, Фаёзтепа ва Қоратепида Будда ибодатхоналари, Далварзинтепада Будда ибодатхонаси ва ҳайвонот олами илоҳаси Нана ибодатхонаси (кушонлар даври) ҳамда қадимги шаҳар теварагида зардуштийлар мақбараси - новус ўрганилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Шахермайр Ф. Александр Македонский. - М.: Наука, 1986. - С.291-293.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. - Ташкент: Шарқ, 2000.

<sup>3</sup> Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар.... 32 - бет.

<sup>4</sup> Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А. Памятники древней письменности. - Ташкент: Фан, 1985. - 38 с.

<sup>5</sup> Сагдуллаев А., Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. - Ташкент: Узбекистан, 1983. - С.77-83.

Бундай ҳолат минтақанинг турли вилоятларида намоён бўлган. Марғиёнанинг Марв шаҳрида антик даври ва илк ўрта асрларга оид археологик ва ёзма маълумотларга кўра, монийлик, яҳудийлик, христианликнинг оқими насронийлик ва буддавийлик динлари ривож топган. Улар билан бирга маҳаллий эътиқодлар она илоҳи ва оловга сиғиниш тарқалган<sup>1</sup>. Бундан кўришиб турибдики, Марвда маҳаллий аҳоли билан биргаликда яҳудийлар, буддавийлик ва христиан дини тарғиботчи – қоҳинлари ва бошқа халқларнинг вакиллари яшаганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Жанубий Оролбўйи Хоразм воҳасида ҳам эътиқодлар ва диний қарашлар турлича бўлган. Зардуштийлик ва ҳосилдорлик эътиқоди, оловга, аждодлар руҳига ҳамда ўлиб бораётган ва жонланаётган табиатга сиғиниш шулар жумласидандир. Олов ибодатхоналари мил.авв. V асрга оид Катта Ойбўйирқалъа ва Хумбузтепада, ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлиқ ибодатхоналар Қуйиқирилганқалъа ва Қалъалиқир 2 да (мил.авв.IV–II асрлар) топиб текширилган. Илоҳалар тасвири Элхарас ибодатхонасида аниқланган (мил.авв. V–IV асрлар чегараси). Тупроққалъа сарой-ибодатхонасида (милодий II–III аср) шоҳлар аждодлари руҳларига таъзим қилиш анъаналари сарой ҳайкаллари тасвирларида ўз аксини топган. Ҳукмдор – аждодлар мавзуси Оқшахонқалъа деворий рангтасвирларида ҳам мавжуд (мил.авв.II–I асрлар)<sup>2</sup>.

Хоразм, Суғд ва Бақтрия ҳудудларида, бақтрия ёзувларидан маълум "Вахшубаго" (Вахшу худоси), хусусан Амударё билан боғланган сув ва дарё эътиқоди тарқалган<sup>3</sup>, шунингдек, худо-чавандоз Сиёвуш ва "шоҳ-чўпон" (Кубодшоҳ) сиймолари билан боғланган эътиқодлар ҳам ривожланган. Наршахий Сиёвушнинг Бухорода "сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига" дафн этилиши ва бу жойнинг зиёратгоҳга айланиши ҳақида шундай ёзади: "Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишдан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди"<sup>4</sup>.

Ўрта Осиё қадимий аҳолисининг дунёқараш ва маънавияти ривожланиши даражаси турлича санъат намуналарида ифодаланган (ҳайкалтарошлик, деворий рангтасвирлар, оссуарийлар тасвирлари). Улар кўп ҳолларда минтақа халқлари маданиятининг умумумийлигидан далолат беради.

Қадимги давр ва илк ўрта асрлар Ёрта Осиё халқлари тарихида толерантликка оид талайгина мисоллар келтириш мумкин. Бу борада турли дин ва эътиқодлар тарафдорларининг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган. Улар шаҳарлар умумий ҳудудий гузарларида жойлашиб, турли касб-ҳунар соҳалари билан шугулланиш имкониятларига эга эди. Одамлар ўз диний байрамлари ва маросимларини эркин амалга оширишган.

<sup>1</sup> Филанович М.И. Религиозная толерантность городов на Великом шелковом пути // Бағрикенглик - жамият барқарорлигининг асоси. - Тошкент, 2003.

<sup>2</sup> Ягодин В.Н., БетсА. Хоразм номаълум ҳукмдорларнинг суратлари // Фан ва турмуш, 2008. - №3-4. - Б.113-115.

<sup>3</sup> Лившиц В.А. Надписи и документы // Калалы-Гыр 2. Культурный центр в древнем Хорезме IV-Пвв. до н.э. - М., 2004. - С.190.

<sup>4</sup> Нархаший. Бухоро тарихи / А.Расулов таржимаси. - Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. - Б.28.

Зардуштийларнинг оташгоҳлари, буддавийлик, христиан ва яҳудийлик ибодатхоналарининг ёнма-ён қурилиши ман этилмаган. Бошқа эътиқодлар ва ўз маъбудаларига сиғинган кишиларга нисбатан душманлик кайфияти ҳамда ирқий нафрат мавжуд бўлмаган.

Шу боис, илк ўрта асрларда Чоч, Фарғона водийсида ва Еттисув воҳаларида буддавийлик дини ва христианлик таълимоти тарқалади. Сугдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ ҳудудларига миграциялари туфайли, Хитойдаги Чанян, Лоян ва Кайфан шаҳарларида оташгоҳлар, яъни олов ибодатхоналари бунёд этилган<sup>1</sup>.

Қадимги давр ва илк ўрта асрларда турли эътиқод ва диний қарашлар доимо бир-бирига таъсир қилган ва ўзаро бойиган. Сугдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, чочликлар ва фарғоналиклар ўзга қабилалар ва элатларга маданий ютуқларни етказишда муҳим ўрин тутган. Халқаро маданий мулоқот дунёқарашнинг янги асосларда ривожланишига замин яратган. Маънавий маданият тараққиёти даражаси бетакрор санъат намуналарида ифодаланган. Санъат обидаларида эзгулик, яратувчанлик ва гўзалликка интилиш ўз аксини топган.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида «Ёшларга ўзбек халқининг маънавий бойликларига ҳурмат билан қарашни, халқимиз анъаналари ҳамда урф-одатларини, бебаҳо тарихий меросини сақлаш ва ривожлантириш туйғусини сингдириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди.

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э. Цивилизация, государства, культуры, - с.159.



# ISLOM DININING CHIG'ATOY ULUSI VA AMIR TEMUR DAVRIDAGI HOLATI

XIII асрнинг биринчи чорагида Чингизхон (1155-1227) Осиёнинг катта қисмини эгаллаб, улкан салтанатга асос солди. У бўйсундирган ғарбий ҳудудларнинг аҳолиси макрит, тангут, уйрот, қорахитой ва хоразмшоҳ давлатлари, қорахитой, найман қабилалари, шунингдек қарлуқ, уйғур, қирғиз каби туркий элатларнинг бир қисми буддавий ёки мажусий бўлса, аксарияти ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонлар эди. Чингизхон ўз юришларида уларнинг бир қисмини қириб ташлаган бўлса, бошқа бир қисми билан ўз қўшини сафини тўлдириб борди. Шу боис, Чингизхон армияси ва бошқарувида туркий ва исломий нуфуз етакчи ўрин тута бошлаганди.

Эгалланган улкан ҳудуддаги юртлар бошқарувини нафақат мўғул, балки турк ва исломий одатларига кўра амалга ошириш талаб этиларди. Қолаверса, Чингизхон учун ислом дини бегона бўлмаган, чунки унинг маслаҳатчилари ва саройи аёнлари орасида бу дин вакиллари етакчи ўрин тутарди. Чингизхон савдода, ташқи сиёсатида айнан ўша мусулмонлардан унумли фойдаланади. Агар Чингизхон 1215 йилда хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200-1220)нинг Баҳоуддин Розий, Аҳмад Хўжандий, Аҳмад Балчи кабилар эчиларини қабул қилган бўлса, 1218 йилда ўз номидан Маҳмуд Ялавоч, бухоролик Алихўжа ва ўтрорлик Юсуф Жаҳонгир каби мусулмон дипломатларни хоразмшоҳ ҳузурига юборди. Қолаверса, Ўтрорда таланган 450 нафар Чингизхон савдогарлар ҳам мусулмонлар бўлишган<sup>1</sup>. Айнан шу воқеа Чингизхоннинг хоразмшоҳга қарши юришига баҳона бўлди.

Шу билан бирга Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ҳам 1210 йилда Сирдарё яқинида қорахитойларни тор-мор келтириб, гайридинлар устидан ғалаба қозонгани боис ислом оламида катта обрў орттирган эди. Қолаверса, 1218 йилдаги мўғуллар билан бўлган дастлабки уч кунлик тўқнашувда ҳам Жалолиддин бошчилигидаги Хоразмшоҳ қўшинлари Жўжи бошчилигидаги мўғулларни чекинишга мажбур этганди. Аммо Хоразмшоҳ олдида ҳали Чингизхоннинг катта истилочилик юришларига бас келиш турарди. Хоразмшоҳнинг ислом дунёси ўз етакчилигини намойиш қилиш мақсадида 1217 йилнинг кузида Бағдодга қилган

<sup>1</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007. -228 - бет.

юриши самарасиз тугади. Бундан ташқари, улкан қудратга эгаси Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад бутпараст мўғуллардан ўз юртини ҳимоя қилаолмай Каспийдаги Ашур оролига яширинди ва у ерда вафот этди<sup>1</sup>. Мовароуннаҳрнинг бир пайтлар ислом оламида машҳур бўлган шаҳар ва қишлоқлари мажусийлар қўл остида вайронага айланди.

Чингизхон ўз ворислари: Жўжи, Чигатой, Ўқтой ва Тўлуга истило қилинган ҳудудларини бўлиб берди<sup>2</sup>. Уларнинг учтаси (Тўлудан ташқари) Хоразмшоҳга қарши юришда фаол иштирок этган эди. 1224 йилдаги тақсимотга кўра, ўз даврининг йирик давлатлари Тангутлар, Чжурчжэнлар ва Хоразмшоҳларга тегишли Қошғар, Ёркент, Хўтан, Еттисув, Мовароуннаҳр ва Шарқий Хоразм ҳудудлари, Эрон ва Турон оралиғидаги Балх, Бадахшон, Қобул, Ғазн ва Синд дарёси қадар ерлар иккинчи ўгли "ясоқ ва турада ўз акаларидан юқори турадиган" Чигатойга (1224–1242) топширилди<sup>3</sup>. 1227 йилда Чингизхон вафот этгач, ҳар бир ҳудуд Чингизхон ворислари номи билан умумлаштирилиб аталди. "Чигатой улуси" ҳам шулар жумласидан эди<sup>4</sup>.

Чингизхон васиятига кўра, "Чигатойхон ... Чингиз фармонида мувофиқ сулҳ иши, жангу жадал – ҳар бир иш бўйича Қорачор нўёндан ёрдам оларди". Шунингдек, Чингизхон васиятида: "...энди мен Ўқтойхонни ўз ўрнимга хонликка тайин қилдим ва салтанатим тахтини унга топширдим"<sup>5</sup>, деб ўз фарзандлари амр қилган ҳамда улардан аҳдга содиқлик ҳақидаги фармонга имзо чектирган эди. Бу тожу-тахт учун курашларни олдини олиш учун кўрилган муҳим сиёсий тадбир эди.

Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларнинг Чигатойга берилишининг муайян асослари бор эди. Мирзо Улугбекка кўра, "бунинг сабаби – эронийлар билан туронийлар орасида қадимдан душманлик мавжудлиги эди"<sup>6</sup>. Аммо бу пайтда сўнги Хоразмшоҳ Жалолиддин ҳам ҳали курашини давом эттираётган эди.

1228 йилдаги қурултойда Ўқтой "амакилари, оға-инилари, нўёнлар, катта-кичик амирлар келишувида жаҳондорлик тахтига ўтирди ва ... у қоон лақабини олди"<sup>7</sup>. "Тарихи Рашидий"да келтирилишича, Ўқтой салтанати маркази Қорақурумда мусулмонлар, хусусан мусулмон савдогарлар салмоғи катта бўлган. У отаси каби мусулмон бўлмаса-да,

<sup>1</sup> Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. - Тошкент: Akademnashr, 2013. 200-201-бетлар.

<sup>2</sup> Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Ҳ. Жалилов. - Тошкент: O'zbekiston, 2011. 37-41-бетлар.

<sup>3</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). - Тошкент: Чўлпон, 1994. 297- бет. Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. - 42 - бет.

<sup>4</sup> Juvaini 'Ala-ad-Din 'Ata-Malik. The history of the World Conqueror / Trans. From the of Mirza Muhammad Qazvini by J.A. Boyle: With a new introduction and bibliography by David O. Morgan. - Manchester: Manchester University Press. 1997. - P. 271.

<sup>5</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 197- 200 - бетлар.

<sup>6</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 200- бет.

<sup>7</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 205- бет.

ислом динига ижобий муносабатини сақлаб қолган. Хусусан, дастлаб у ҳаммага чорвани мўғул одати бўйича сўйишни амр этган бўлса-да, кейинчалик мусулмонларга бўлган ҳурмати боис, уларга чорвани ўз урфларга кўра сўйишга изн берган<sup>1</sup>. Умуман, Ўқтой отасидан сўнг беш йил ҳукмронлик қилиб, мусулмонларга нисбатан адолатли сиёсат юритган, дейиш мумкин.

Чигатой ўзига тегишли ҳудудларни Олмалик (ҳозирги Гулжа яқинида)дан бошқарди. Давлат ишларини ҳудуд аҳолиси туркийлар бўлгани боис, туркий тилда амалга оширди. Девон ҳужжатларининг бир қисми Мовароуннаҳрда бўлгани каби форсийда ҳам битилди. Шунингдек, давлатнинг етакчи дини ислом дини бўлиб қолаверди.

Марказ Олмаликда 1251 йилда Боту Қурултой чақириб, Тўлуниг катта ўғли Мункэни Улуғ қоон (1251-1259) этиб кўтарди. Мункэ марказий ҳокимиятни мустақамлаб, ўз саройига турли тилларни биладиган ҳар хил динга мансуб вакилларни чорлади. Хусусан, 1254 йил 13 июлда Улуғ қоон саройида бўлган француз роҳиби Рубрик саройда шаманлар, мусулмонлар, буддавийлар, насронийлар учратганини ёзган<sup>2</sup>. Мункэ ҳатто 1255 йилда уйғур ҳукмдори - идиқут Салон Текиннинг (1245-1255) Бешбалиқдаги мусулмонларни қатли ом қилишини олдини олиб, идиқутнинг ўзини қатл эттирди<sup>3</sup>. Бу билан ислом дини вакиллари олдида катта нуфузга эга бўлди.

Чигатой ҳам улус бошқарувида мусулмон амалдорлардан фойдаланди. Хусусан, унинг даврида Қоон номидан улусни Маҳмуд Яловоч (1225-1238) бошқарар эди. Хитой манбалари ва А.Хўжаевнинг тахминига кўра, "гарчи Маҳмуд Яловоч (Махама Ялавачи) Ёркентда туғилган бўлса ҳам, у кўп вақт давомида Хоразмда яшаган бўлиши мумкин". Шу боис унга Хоразмий нисбаси берилган. Ҳатто Маҳмуд Яловоч, 1218 йилга қадар Мўғулистонга келиб шахсан Чингизхон билан таниш бўлган. Чингизхон у каби Бухоро, Самарқанд, Ўтрор, Хоразм, Хўжанд каби Мовароуннаҳр шаҳарларидан келиб кетувчи мусулмон савдогарлардан ўзининг ташқи сиёсатида фойдаланган<sup>4</sup>.

Буддавийлик дини ихлосманди бўлган Чигатой катта имтиёзга эга Маҳмуд Яловочнинг ислом дини равнақи учун мадраса ва мактаблар қуриб, мамлакатни тиклашдаги сарф-ҳаражати маъқулламаган Чигатой Маҳмуд Яловочни ҳокимиятдан четлаштириш чораларни излаган<sup>5</sup>. Хусусан, муаррих Вассофга кўра, улусдаги Самарқанд, Нахшаб, Бухоро каби шаҳарларининг Ҳазор Буқо, Чинсаг Тойфу, Буқо Нушо каби дорухачилар ҳам Маҳмуд Яловоч билан ҳисоблашган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Аёзий, Мирзо Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. 42-43 бетлар.

<sup>2</sup> Турғун Алмас. Уйғур. Часть II. - Алма-Ата, 1992. - С. 302.

<sup>3</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 208-211 бетлар.

<sup>4</sup> Хўжаев А. Буюк шак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 226-227 бетлар.

<sup>5</sup> Хўжаев А. Буюк шак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 228-230 бетлар.

<sup>6</sup> Abdallah Fadhallah Wassaf. Ta'rih-i Wassaf (Taghiyat al-amsar wa-taziyat al-a'sar). Rpt. - Tehran, 1338 s (1959-60 of facsimile ed. Bombay, 1269 h / 1852-53).

Бевосита Улуғ қоонга бўйсунган Маҳмуд Ялавоч унинг барча топшириқларини сўзсиз бажарган<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Чигатой ўтроқ аҳолига нисбатан ноҳолис сиёсат юрғазиб, бошқарувда қийинчиликларга дуч келган. Чунки у ўз бошқарувини Мовароуннаҳрдаги исломий анъаналарга зид бўлган мўғул-хитой-уйғур анъаналарига асосланган "Ясоқ" бўйича амалга оширган. Мусулмонларнинг имтиёзлари чекланган. Аскарликка олинган мусулмонлар ислом юртларига қарши ҳаракатларга ташланган. Шаҳар ва қишлоқларни тиклашга, ҳунармандчилик ва савдо ривожига тўсиқлар қўйилиб, солиқлар оширилган. Буларнинг барчаси мусулмонларнинг норозилигини кучайтирган. 1238 йилда "ғайридин мажусийларга қарши кўтарилган" Маҳмуд Торобий қўзғолони айнан шу каби ноҳақликларга қарши исён эди<sup>2</sup>. Қўзғолон бостирилгач, мўғул қўшини Бухоро шаҳрини ғарот қилишни бошлайди. Аммо Қорачор нўённинг кўрсатмаси билан шаҳарни талаш тўхтатилган. Маҳмуд Ялавочнинг бу қўзғолонга муносабати Чигатойнинг Яловочни сусткашлиқда айблашига, натижада уни Юан империяси пойтахтига Хонбалиқ (Пекин)қа жўнатилиб, у ерга ҳоким этиб тайинланишига сабаб бўлди<sup>3</sup>. Маҳмуд Ялавоч ўрнига ўғли Масъуд (1238–1289) Мовароуннаҳрга ноиб бўлди.

1241 йилда улус ҳокимиятига келган Чигатойнинг невараси Қора Хулагунинг маъмурий ишларни ҳам Қорачор нўён амалга оширган бўлса, 1247 йилда ҳокимиятга келган Чигатойнинг ўғли Есу Мунка (1247–1252) даврида давлат ишлари амалда хотини Тўкаши ва Фарғона шайхулисломининг ўғли, вазир Баҳоуддин Марғиноний томонидан бошқарилди. Бу пайтда, яъни 1251 йилда ўтган Қорақурум қурултойи улусни иккига бўлиб юборди<sup>4</sup>. 1257 йилда Есу Мунка вафот этгач, то 1261 йилгача Қора Хулагу, сўнг унинг хотини Арғуна хотун, 1261–1265 йилларда Олку бошқарди. Балоғатга етган Муборакшоҳ эса бир йил (1265–1266) ҳокимиятда бўлди, халос. Марказ билан боғлиниш ишларини Масъуд Ялавоч (1238–1289) амалга оширди. Орадан бир йил ўтмай 1266 (663 (барс) ) йилида ҳокимиятга чигатойзодалардан бўлган Бароқхон (1266–1271) келди<sup>5</sup>.

Унинг даврида мўғуллар истилосидан катта талофат кўрган Мовароуннаҳрнинг мавқени тиклашга киришилди. Улусда бир мунча сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга ҳаракатлар бошланди. 1266 йилда улус пойтахти Самарқандга кўчирилди. Ҳатто Бароқхон 1267 (666 (илон)) йилида Масъуд Ялавочни Хулагулар ҳукмдори Элхон ҳузурига элчи қилиб юборди. Аммо Масъудбек Табризда ўзига нисбатан кўрсатилган

<sup>1</sup> Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. 42 - бет.

<sup>2</sup> Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. 199 - бет.

<sup>3</sup> Хўжаев А. Буюк шакл йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 230 - бет.

<sup>4</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 171-174бетлар.

<sup>5</sup> Мирзо Улдуғбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 303-307 бетлар.

*«Islom dinining Chig'atoy ulusi va Amir Temur davridagi holati»*

хурматсизликдан сўнг ортига қайтди<sup>1</sup>. Бароқхон маҳаллий аҳоли билан муносабатларни яхшилаш тарафдори ҳам эди. Ҳокимиятининг иккинчи йилида у Бухорода ислом динини қабул қилиб, Султон ўйёсиддин номини олди<sup>2</sup>. Аммо ички курашлар Бароқхонга Мовароуннахрнинг учдан бир қисмини ўз тасарруфида ушлаб қолиш имконини берди холос<sup>3</sup>.

Бароқхоннинг ўлиmidан сўнг Никпай (1271-1272), Тўға Темур (1272-1274) хон бўлишди. 1274 йилга келиб улус Дувохон (1274-1306) қўлига ўтди. У ислом динини қабул қилди. Иқтисодий ислоҳатлар ўтказди. Хусусан, Фарғона водийсининг маркази Андижон қайта таъмирланди. Чигатой улуси расмий мақомга эришишига асос солди. Аммо унинг ўлиmidан кейин вазият яна салбий томонга ўзгарди. Фақатгина 1309 йилда Дувохоннинг ўғли Кепакхон ҳокимиятга келгач,<sup>4</sup> улусидаги бошбошдоқликка барҳам берилди. Шунингдек, у узоқни ўйлаб ўз акаси Эсон Буқа 1 (1309-1318)ни тахтга чиқарди. 1318 йилда яна ҳокимиятга қайта келиб, Эрондаги халақуylар ва Олтин Ўрдадаги хонлар жорий этган каби пул ислоҳатлари ўтказиб, янги пул бирлиги - "кепакий"ни жорий этди. Мамлакатни Бухоро ва Самарқандда туманларга, Фарғона ва Шарқий Туркистондаги орчин (пойтахт атрофидаги туманлар)га бўлиб чиқди. Катта ер эгалари туман бекларига айланди. Шаҳар ва қишлоқларда бир қатор қурилиш ишлари амалга оширилиб, Насафдан икки фарсаҳ нарида Қарши қалъаси тикланди. Қолаверса, "...Чингизхон... замонидан буён хароба ва қамишзорга айланиб ётган Қуббат ул-ислом Балх қайта тикланди"<sup>5</sup>. Бундай ижобий ҳаракатлар маҳаллий аҳоли ва мўғуллар ўртасидаги муносабатларга ҳам таъсир кўрсатди. Оқибатда бир қатор мўғул қабила ва уруғлари туркий тилга ўтиб, ислом динини қабул қила бошлади. Бошқарувда турк-мўғул ва маҳаллий амалдорлар мавқеи деярли тенглашди. Масалан, бу даврда барлос қабиласи вакили Харачор (Қорачўр) нўён, жалойирлардан Мунка нўён, сунитлардан кичик Чигатой, сулдус қабиласидан Киших билан бир қаторда, давлат бошқарувида хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Масъудбек, ўтрорлик Ҳабаш Омид, фарғоналик Баҳоуддин Марғиноний каби маҳаллий амалдорлар ҳам иштирок этишди. Бу каби маҳаллий амалдорлар нафақат Чигатой улуси бошқарувида, балки Хитойдаги Юань сулоласи маъмуриятида ҳам фаол бўлишган. Маҳмуд Ялавоч ва унинг авлоди Алибек ва Йаъқуб, Олмалиқ шаҳридан Шамсиддин, Бухородан Саййид ажал ва унинг қўли Алоуддин, Қундуз шаҳридан Баҳоуддин кабилар шулар жумласидан эди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). - Б. 307-312.

<sup>2</sup> Аёзий, Мирзо Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. - Б. 53; Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. - Тошкент: Чўлпон, 1990. - Б. 94.

<sup>3</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Б. 174.

<sup>4</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). - Б. 313-315.

<sup>5</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). - Б. 315.

<sup>6</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Б. 176.

1326 йилда Тармашириннинг ҳокимиятга келиши ислом динининг тикланиши йўлида катта ўзгаришлар олиб келди. Унинг маҳаллий аҳолига ва айниқса ислом динига муносабати ижобий бўлиб, ўзи ҳам ислом динини қабул қилиб, Алоуддин номини олди. Аксарият мўғуллар унга эргашиб, ислом динига кира бошлади<sup>1</sup>. Тармаширин айрим ҳарбий юришларни ҳам амалга оширди. 1334 йили вафот этгач, Самарқанд қабристонларининг бирига дафн этилди<sup>2</sup>.

1343–1347 йилларда Мовароуннаҳр чигатойзодалардан бўлган Қазон (Қозон) султон қўл остида эди. У ўзига таҳдид солган нуфузли амирларнинг барчасини қатл эттирди<sup>3</sup>. Давлат ва диний арбобларнинг ҳаётига таҳдид кучайди. Улусда поракандалик рўй берди. Натжидада 1346 йилга келиб, улус Мовароуннаҳр ҳамда Етгисув ва Шарқий Туркистондан иборат Мўғулистон давлатига бўлиниб кетди<sup>4</sup>.

Мовароуннаҳрни бошқариш учун Мўғулистон хонлари ва Мовароуннаҳрнинг туркий амирлари ўртасидаги кураш авж олди. Ислам динига содиқ бўлган туркий амирларнинг ўз юртларига эгалик қилиш учун ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат зое кетмади. Мусулмон амирлар Амир Қазагон (1346–1358), Амир Ҳусайн (1366–1370) ва ниҳоят Амир Темур (1370–1405) Мовароуннаҳрни нафақат оёққа қўйди, балки Мўғулистон хонларидан мустақил, марказлашган давлатга айлантиришга эришишди. Бу борада ислом дини, ислом уломлари – пирлар, шариат пешволари, фақиҳлар, қозиларнинг хизмати беқиёс эди. Ҳатто Амир Қазагон ўғли Абдулланинг Хоразмга юришидан ҳеч озор кўрмаган бўлса-да, ўглининг бу ҳаракатини "мумулмонларга озор етказиш" сифатида қоралаган эди. Уни бу ишга ундаган амирларга қаттиқ танбеҳ бериб, "нега ҳеч бир асосиз мусулмонлар мамлакатини устига юриш қилдингиз?", дея таъна қилган эди<sup>5</sup>. Аммо Амир Ҳусайн Самарқандни истилодан озод қилган сарбадорларнинг раҳнамоларини қатл эттириб, катта хатога йўл қўйди. Амир Темур эса аксинча, динга ва диний арбобларга бўлган юксак ҳурмат кўрсатди.

Хусусан, Амир Темурнинг давлат бошқарувга келиши даври (1370–1405)да нафақат мамлакатдаги сиёсий вазият, балки маънавий муҳит ислом дини ва унинг вакиллари фойдасига ўзгарди. Айни пайтда, у қарши курашаётган Мўғулистон хонлари ҳам нафақат туркийлашган,

<sup>1</sup> Ибн Баттута. Саёҳатнома - "Тухфат ан-нуззор фи гароиб ал-амсор ва ажойиб асфор / Тарж. Н. Иброҳимов ва б. - Т: Sharq, 2012. - Б. 369-375; Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. - Б. 94.

<sup>2</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). - Б. 317.

<sup>3</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарихлари танланмаси) / форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи у. Каримий; масъул муҳаррир А. Ўринбоев. - Т.: O'zbekiston, 2011. - Б. 44; Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). - Б. 320; Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. - Б. 94.

<sup>4</sup> Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. - Б.201.

<sup>5</sup> Фасих Ахмад ал-Хавафи.Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели Д. Юсуповой. Отв. редактор А. Урунбаев. - Т.: Фан, 1980. - С. 79; Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарихлари танланмаси). - Б.92.

*«Islom dinining Chig'atoy ulusi va Amir Temur davridagi holati»*

балки ислом динига ҳам кира бошлаган эди. Хусусан, Эсан Буғонинг ўғли Туғлуқ Темур Мавлоно Аршадуддин қўлида ислом динини қабул қилди<sup>1</sup>. Айни пайтда мусулмон бўлган Туғлуғ Темур ортидан кўплаб мўғуллар ҳам ислом динига кира бошлади. Ислом аҳкомларини бажариш учун масжид бино қилиш учун Тўғлуғ Темур Олмалик мавзеида қуббали бино қуришни амр этди. Вафот этгач, уни ўша ерга дафн этишди. Мирзо Улугбекнинг ёзишича: "Ул Қубба Олтин номи ила машхурдир"<sup>2</sup>. Бу Мовароуннаҳрни эгаллаган ҳукмдор у мўғул хони бўладими ёки туркий амир бўладими албатта мусулмон бўлиш шарт деган қоида бўлганлигини англатади. Акс ҳолда на маҳаллий аҳолини ва на диний уламоларнинг ишончига кириш мумкин эмас эди.

1370 йилгача қадар ҳам Амир Темур диний уламолар билан яқин муносабат ўрнатган эди. У ўз пири Тойободий билан мактуб орқали боғланиб, ундан маслаҳатлар олиб турарган<sup>3</sup>. У Илёсхожа даври (1361-1365)да Дашти Қипчоқ амирлари банди қилган мовароуннаҳрлик саййид ва саййилзодалардан етмиш кишини озод қилишга эришган эди. Бу каби воқеалар Темурнинг нуфузини янада оширарди. Ҳатто уламолар амир Темурга ёрдам бериш масаласида фатво чиқариб беришди. Амир Темур вазият танг ҳолларда ўз отасининг пири Саййид амир Кулол (Шамсуддин Кулол) суҳбатида бўларди<sup>4</sup>. Бундай суҳбатлар уни нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан кейинги ҳаракатларга тайёрлар эди. Ҳатто Амир Темур Амир Ҳусайндан фарқли ўлароқ, 1366 йилда Самарқандни истилочилардан холос этган сарбадорларга, хусусан имом ва амир деб эълон қилинган Мавлонзодага алоҳида муносабатда бўлди<sup>5</sup>. Самарқанд билан боғланиб, сарбадорлар билан алоқа қилиб турди<sup>6</sup>. Ниҳоят у уламоларнинг: "Сизлар (Амир Ҳусайн ва Амир Темур) туфайли ҳар лаҳза мўғул лашкари ислом ўлкасида турли харобгарчиликлар қилмоқда. Дорулислом Мовароуннаҳрдаги барча тартибсизликлар сиз - икки амир ўртасидаги келишмовчиликлар сабабидан содир бўлмоқда"<sup>7</sup>, деган таънасига барҳам беришга қарор қилди.

1368 йилда тузилган сулҳга кўра амир Темур Кешга нисбатан ўзининг ҳокимлигини расмийлаштириб олди. Эндиги вазифаси Амир Ҳусайн билан муносабатини ойдинлаштириб олиш эди. Бу йўлда у Мовароуннаҳрнинг ўзига содиқ амир ва саркардалари, руҳоний ва уламолари, савдогар ва оддий халқи кўмагига суянди. Айни пайтда

<sup>1</sup> Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. 54-60-64 бетлар. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. 94- бет.

<sup>2</sup> Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 324-бет.

<sup>3</sup> Темур тузуклари / форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Б. Аҳмедов таҳрири остида. - Т.: Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 17-бет.

<sup>4</sup> Темур тузуклари / форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. 21-22 бет.

<sup>5</sup> Муҳаммаджонов А., Ражабов Қ. Амир Темур. - Тошкент: O'zbekiston, 2013. 20-26 бетлар.

<sup>6</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний (Муинийнинг тарих танланмаси). 72 бет.

<sup>7</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний (Муинийнинг тарихтанланмаси). 85 бет.

*«Islom dinining Chig'atoy ulusi va Amir Temur davridagi holati»*

Амир Ҳусайн даргоҳидан норози бўлиб қайтаётган маккалик шайх Саййид Барака билан учрашиш мақсадда Биё деган жойда унга пешвоз чиқди. Саййид Барака бу амирнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Унга олий ҳокимият рамзи - катта ноғара (табл), ялов (давлат байроғи) ва мамлакат ёрлигини тортиқ қилди. Амир Темур бу зоти муборакни ўзига пир деб билди. Шундан сўнг Саййид Барака Амир Темурга эзгу ниятлар тилади<sup>1</sup>.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги зиддият кучайиб, вазият Амир Темур фойдасига ҳал бўлди<sup>2</sup>. Амир Ҳусайн амир Кайхусрав Хатлоний томонидан укаси Кайкубод хуни эвазига қатл этилди. Айни вақтда Амир Темур Амир Ҳусайннинг беваси Сарой Мулк Хоним (Бибихоним)ни ўз никоҳига олиб, "қўрагон" ("хонкуёви") нисбасига эга бўлди. Бу нисба кейинчалик унинг ўғил ва набираларига ҳам жорий этилди<sup>3</sup>.

1370 йилнинг 11 апрелида Саййид Барака иштирокида бўлиб ўтган қурултойда Кеш вилояти амири Темур, Мовароуннаҳр мамлакати Амири сифатида расмий ҳокимиятга эга бўлди. Ўша давр тартиб қоидасига кўра, чингизийларнинг Чигатой наслдан бўлган Донишмандхон ўғли Суюрғотмиш ўғлон подшо қилиб кўтарилди<sup>4</sup>. Бу эса Мовароуннаҳрдаги ҳокимиятни легитимлаштириш учун муҳим тадбир эди. Қолаверса, Амир Темур: "Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Оллоҳ таолонинг муқаддас мулки - ер юзига эгалик қиладиган подшо ҳам битта бўлиши керак"<sup>5</sup>, деган қарорга келган эди. "Темур тузуклари"да "Дину шарият тузуки" мавжуд бўлиб, унда: "Мен салтанатим биносини ислом дини, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим",<sup>6</sup>деб таъкидланган.

Амир Темурнинг маъмурий бошқаруви ва давлат ишларида ислом дини раҳнамолари, саййидлар, юрт имомлари, уламолар, қозилар ва шайхларга, илм аҳлига катта эҳтиром кўрсатди<sup>7</sup>. Саййидлар орасидан лаёқатли бўлганини аҳли исломга бошлиқ - садр этиб тайинлади. Диний арбобларга суюрғол берди. Ўз ноибларига шаҳарларда масжид мадраса, хонақоҳлар қуришни буюрди ва у ерлардаги мадрасаларда шарият аҳкомлари, ислом илми, тафсир, ҳадис, фикҳдан таълим бериши учун олим ва мударрислар тайинлади. Садр ва қозиларнинг фаолияти назорат

<sup>1</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарих танланмаси). 107-бет; Муҳаммаджонов А., Ражабов Қ. Амир Темур. 28-бет.

<sup>2</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарих танланмаси). 100-бет.

<sup>3</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1 китоб. 71-бет; 2 китоб. 110 - бет (39-изох)

<sup>4</sup> Мирзо Улдувбек. Тўрт улус тарихи ("Тарих-и арбаъ улус"). 325-326 бетлар; Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарих танланмаси). 108-бет.

<sup>5</sup> Темур тузуклари / форсча матнда А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. - Т: O'zbekiston, 2015. 44-бет.

<sup>6</sup> Темур тузуклари (2015). 79-бет.

<sup>7</sup> Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарих танланмаси). 111-186 бетлар; Муҳаммаджонов А., Ражабов Қ. Амир Темур. 30-бет.

остига олди. Унинг бу фаолиятини журжонлик файласуф олим ва уламо Мир Саййид Шариф қўллаб-қувватлаб, Амир Темурни 800-йил (XV аср)нинг "ислом динини ёйувчиси сифатида" юксак қадрлади<sup>1</sup>. Бу эса ислом динининг нафақат жамият ижтимоий-маданий ҳаётидаги, балки сиёсий ҳаётдаги мавқеини оширди. Амир Темур ислом дини ҳомийси сифатида бошқа минтақалардаги мусулмонларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилди. Аини пайтда ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенглик қилди. Чунки унинг қўшини сафида христианлар, мажусийлар, хатто оташпарастлар ҳам бор эди. Энг асосийси суфийлик таълимотининг ривожини учун шарт-шароит яратиб берди<sup>2</sup>. Мўғуллар истилоси натижасида сулғлашиб қолган ҳанафий уламоларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки тиклана борди<sup>3</sup>. Бу давлатдаги сиёсий, ижтимоий ва маънавий барқарорликни тиклашга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Чигатой улуси даврида ўз мақеини йўқотган ва истилочилар томонидан нуфузини тушириб юборилган ислом дини Амир Темур даврида қайта тикланиб, давлат мафкураси даражасига кўтарилди.

#### Аннотация

Мақолада Чингизхон юришлари ва Чигатой улуси даври (1224-1370)да таназзулга учраган ислом динининг Амир Темур давр (1370-1405)га келиб қайта тикланиш босқичига кирганлиги, унинг давлат сиёсатидаги, жамият ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни манбалар асосида таҳлил этилган.

#### Резюме

В статье на основе материалов письменных источников прослежены некоторые моменты процесса восстановления роли исламской религии в период правления Амира Темура (1370-1405), находящийся в упадке в результате походов Чингизхана (1224-1370) и политики монгольских правителей Чагатайского удела, также раскрыта её место в государственной политике и социально-духовной жизни населения при правлении Амира Темура.

#### The Summary

On the basis of materials of written sources are enlightened some aspects of restoration of the role of Islam during the reign of Amir Timur (1370-1405), which was declined as a result of campaigns of Genghis Khan (1224-1370) and the policy of the Mongol rulers of the Chagataid.

<sup>1</sup> Темур тузуклари (2015). 79-81-бетлар.

<sup>2</sup> Хидирова Н. У. Место и роль Ходжа Мухаммада Парса в развитии тариката Ходжагон - Накшбандийа Ташкент, 2006.

<sup>3</sup> Муминов А.К. Ҳанафий уламоларининг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/ VIII-XII асрлар) - Тошкент, 2003.



## ALISHER NAVOIY VA TEMURIYLAR SALTANATINING MA'NAVIY MEZONLARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

Шарқнинг йирик классик намоёндаларидан бири буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий асарларида темурийлар салтанатининг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий тараққиётининг муштараклиги ғоясини шарқона поэтик тарзда ифода этган. У темурийлар авлодлари ўртасида зиддиятлар, ҳокимият учун кураш кескинлашган бир вақтда Ҳиротда яшаб, ижод қилди. Алишер Навоий буюк давлат арбоби, назарийчи ва амалиётчи сифатида жамият тараққиётининг ҳамма томонларини, айниқса давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У адолат тўғрисидаги қарашларида инсон руҳияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини таҳлил қилади, амалиётчи сифатида уларнинг олдини олиш учун бутун имкониятларини ишга солади.

Алишер Навоийнинг ижодий камолоти юксакликка кўтарилган даври темурийларнинг йирик вакили, маънавият соҳиби ҳамда етук шоир Султон Ҳусайн Бойқаро даврига тўғри келди. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатда нисбатан тинчлик, адолат ўрнатилди, халқнинг аҳволи бир мунча яхшиланди, иқтисодий ҳаёт ривожланди. Буюк маънавият соҳиби Алишер Навоий ўрта асрдаги Уйғониш даврининг бошқа улуг зотлари сингари бутун ҳаёти билан ҳақиқий инсон қандай бўлиши лозимлигини кўрсатди. У ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди, амалдорларнинг ўз вазифаларини суистеъмол қилишларини ва таъмагирликларини фош этди, ожиз муҳтож кишиларни ўз ҳимоясига олди.

Султон Ҳусайн Бойқаро 1472 йилнинг феврал ойида Алишер Навоийни ўз саройининг бош вазири қилиб тайинлаб, унга "Амири кабир" унвонини берди. Бу даврда у аввало бутун кучини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратди, босқинчилик урушларининг олдини олди.

1487 йилгача бош вазир бўлиб ишлаган Алишер Навоий маданият ва санъатнинг чинакам ҳомийси сифатида танилди. Унинг фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалаларни тўғри ҳал қилишга интилиш, жамиятдаги барча ижтимоий қатламларга, барча қавмларга бир хил муносабатда бўлиш, ҳамманинг манфаатларига баробар хизмат қиладиган жамоат бинолари қуришга эътибор берилди.

Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда қатор олий иморат ва иншоотлар қад кўтарди. Ушбу бунёдкорлик ишлари буюк Мир

Алишер Навоий номи билан бевосита боғлиқ. Манбаларда таъкидланишича, Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси билан Ҳирот, Астробод ва бошқа шаҳарларда уч юздан ортиқ жамоат бинолари; масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, сарой, истироҳат боғлари ҳамда турли хил суғориш иншоотлари, ҳовуз, кўприк, сув омборлари қурилган. XV аср муаррихи Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий ўз маблағига 40 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом, 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, мадраса ва шифохоналар каби хайрли иморат ва иншоотлар қурдирган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, Астробод шаҳрида қурилган "Мир саройи" ва "Жомеъ масжиди", шунингдек Марв яқинида бино қилинган "Хусравия" номли мадраса шулар жумласидандир. Инжил анҳори бўйида ниҳоятда кошинкор "Ихлосия" мадрасаси, унинг қаршисида кўркам "Халосия" хонақоҳи қад кўтаради. "Қуддусия" жомеъ масжидининг ғарбида "Шифоия" даволаш уйи, унинг қаршисида эса "Сафоия" ҳаммоми қурилади.[1,286] Бу даврда жамоат биноларини, исми ва жисмига монанд, маънодор ҳамда жарангдор номлари билан аташ орқали иморатларнинг мантиқий ифодасига ҳам катта аҳамият берилган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Унсия, Низомия, Хусравия ва Фаноия шулар жумласидандир. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг дўсти ва султон Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлосини, миннатдорчилигини билдирса; Халосия озодлик; Шифоия соғлиқ, шифо; сафоия поклик, ёруғлик маъносини англатган. Хусравия мадрасасининг номи эса бинонинг биринчи гиштини қўйган шаҳзода Муҳаммад Султон номини ҳамда унинг қурилган йилини англатган.[1,287-288]

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Шарқ мамлакатларидан иротга юзлаб олимлар, адиблар, рассомлар, ҳаттотлар ва бошқа ҳунар аҳллари оқиб келишади. Зеро, бу ерда илм-фанга, маънавият ва маданиятга ҳомийлик қилинар, Абдураҳмон Жомий, Навоий каби устозлар яшашарди. Натижада Ҳиротда табобат, тарих, тил, адабиёт, ҳандаса, тасвирий санъат, китоб санъати гуллаб яшнади. Бобур машҳур "Бобурнома" асарида Султон Ҳусайн Бойқаро замонига, ундаги бунёдкорлик ишларига, маданият равнақига юксак баҳо берган.[2,42-48] Кўҳна Шарқнинг машҳур алломалари - "Шарқ Рафаэли" Камолiddин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Султонали Машҳадий, Биноий, Восифий, Кошифий, Ҳилолий каби кўплаб алломалар, адиб ва шоирлар ана шу муҳитда тарбияланиб камолга етганлар. Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу соҳадаги жонбозлигини, ҳомийлигини Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби даҳолар қўллаб-қувватлаб турганлар.

Темурийлар даврида Низомий ва Амир Хусравлар форс тилида ижод қилган бўлсалар, энди туркий шеърят бутун минтақа ҳудудида ривожланди. Шерозда Ҳофиз Хоразмий шуҳрат қозонди. Марказий Осиёда туркий тилда ижод қилувчилар сони кундан-кунга ортиб борди. Туркий тилда газаллар, рубоийлар, қасида ва маснавий, дoston ва қиссалар ёзила бошланди. Темурийзодаларнинг кўпчилиги туркий тилга назм кўрсатдилар. Жумладан,

Султон Ҳусайн Бойқаро туркий тилнинг ривожига учун қатор чора-табирларни амалга оширган, ёзувда уни истеъмолга киритиш борасида махсус фармон берган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам форс ва туркий тилларда "Ҳусайний" тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг яқин дўсти, бутун сиёсий ва маданий фаолиятида энг яқин кўмақдоши Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ижодига юксак баҳо берган.

Алишер Навоий ижоди гуллаб, Ҳиротда маданият, илм-фан юксалиб борган шароитда Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида кучайиб бораётган таназзул, Султон ва ўғли Бадиуззамон ўртасидаги ихтилофлар, давлат бошқарув усуллариининг ўз умрини ўтаб бораётгани, айниқса, 1497 йилда Ҳусайн Бойқаронинг невараси, Алишер Навоийнинг тарбиясини олган ўсмир, 14 ёшли Мўмин Мирзонинг хоинона қатл этилиши салтанат келажаги учун ёмон фол даракчиси бўлди. Бу мудҳиш ҳодиса Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга солади. Бу ҳолат темурийлар даврида мамлакатда эришилган юксак маънавий камолот билан сиёсий ҳаёт соҳасидаги хурофий анъаналар борган сари чуқурлашиб, ҳалокатли тус олаётганига ишора бўлди. Шу асосда чиқарилган аччиқ хулосалар унинг сўнгги уч асари: "Лисон ут-тайр" (1498), "Муҳокамат ул-луғатайн" (1499) ҳамда "Маҳбуб ул-қулуб" (1500) мазмунига жиддий таъсир қилди. [3,105]

Алишер Навоий "Лисон ут-тайр"да инсониятнинг яхлитлиги ва буни англаб етиш ҳар бир инсоннинг маънавий камолот сари чексиз интилиши орқали юз бериши мумкин эканлиги, мукамал ижтимоий тизим шаклланиши ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги билан боғлиқ эканлигини таъкидлаган бўлса, "Маҳбуб ул-қулуб"да жамиятдаги турли тоифалар ўз салбий ва ижобий хислатлари билан тўлиқ таъриф этилиб, уларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлат тизимида қандай ўзига хос вазифа эгаси эканлиги тушунтирилган, асосий моддий бойлик яратувчи деҳқонлар ва маънавият аҳлини алоҳида меҳр билан тасвирлаган. [3,116-117]

Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонида ҳукмдорнинг вазифаларига, салтанат муаммоларини масъулият билан ҳал қилиш масалаларига тўхталар экан, унинг давлатни қонун асосида бошқариш, ҳар бир табақанинг обрў-эътиборини, қадр-қимматини муносиб баҳолаши, улардан бири иккинчиси устидан ҳукмронлик қилишга йўл қўймаслиги учун ҳукумат раиятга зулму ситамнинг олдини олиши, йўллар хавфсизлигини таъминлаб, қароқчилар гуруҳларига барҳам бериши, ўғрилар ва улус мулкига кўз олайтирадиганларнинг дамани қонун-қоида орқали тўсиши, ҳар доим миллат томонида бўлиб, уларни ҳимоя қилиши; золимлар илигини халқ ёқасидан узиб, уларнинг осойишталигини таъминлаши зарурлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий ўз асарларида давлат фаолиятидаги қонун устуворлиги гоёси, ҳукмдорнинг қонунга бўлган муносабати масаласини энг муҳим ва зарурий нарса сифатида олға суради. "Қонун диний ақида ва дуолардан

устун ва муҳимдир", "Султон ҳам агар гуноҳ қилар экан, жазога тортилиши муқаррардир" деган тамойиллар амалда қонун олдида шоҳу гадо тенглигини эслатганлиги билан изоҳланади. Профессор М.Имомназаров таъкидлаганидек, "Алишер Навоий бадиий-фалсафий ижодида миллат маънавияти ўзининг энг олий босқичига кўтарилди... Навоий маънавияти тимсолида эътиқод ва илм, ирода қудрати ва меҳр, фидоийлик ва донишмандлик ягона касб этиб, миллат маънавиятини камолотнинг олий босқичига олиб чиқди". [3,139]

Хуллас, буюк мутафаккир, юксак маънавият соҳиби ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг давлат бошқарувининг асослари ва маънавий мезонлари ҳақидаги ғоялари ва уларни ҳаётга тадбиқ қилиш бобидаги саъй-ҳаракатлари янги ижтимоий тизим-фуқаролик жамиятининг маънавий талабларига ишора этувчи илк куртаклардан бири бўлди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача). - Т.: Гафур Гулом номидаги матбаа-нашриёт ижодий уйи, 2004.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Муҳаррир А.Ўктам. - Т.: Юлдузча, 1980, 42-48- бетлар.
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари / Масъул муҳаррир: Н.Комилов. - Т.: "Шарқ", 1996





# SOHIBQIRON AMIR TEMUR TAVALLUD TOPGAN QISHLOQ

Буюк Амир Темурнинг табаррук номи билан ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларини боғлаб турувчи бир муқаддас кўприк – маскан мавжудки, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини дарж этган жаҳоннинг барча қалам соҳиблари шу кўприқдан ўтиб, ул буюк зот ҳаётига сафар қилганлар. Бу кўприк Яккабоғдаги Хўжа Илғор қишлоғи ва шу ерда абадий қўним топган Хўжа Илғор ота – Муҳаммад ибн Абулқосим ҳазратларининг муборак равзаларидир. Темурбек ана шу қишлоқда таваллуд топгани, равзаи муборак атрофида ўйнаб-ўсгани ҳақида тарих китобларида, маҳаллий халқ оғзаки ривоятларида баъзи маълумотлар сақланиб қолган.

Хўжа Илғор қишлоғи атрофида А.Сағдуллаев, З.Усмонова, Г.Я.Дресвянская, С.Б.Лунина, А.Раимқулов каби қадимшунослар археологик изланишлар олиб боришган. Мазкур қишлоқ тарихи бўйича Ғ.Ғофуров, И.Шоймардонов, Ҳ.Сатторий, Ж.Тўхлиев, А.Жуманазар, С.Улашевлар илмий тадқиқотлар яратишган.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов (1938–2016) "Темур тузуклари"га ёзган мухтасар сўз бошисида таъкидлаганидек: "Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тариқа шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, зафарли юришлари ҳақида, унинг нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга олис Европада – Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча юз йиллар аввал кўп-кўп илмий ва бадиий асарлар яратилгани яхши маълум".

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Амир Темур бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқинроқ ва яхшироқ таниша бошлаганимиздан сўнг ул зотнинг таваллуд топган манзили – киндик қони томган маскан ҳақида баҳс-мунозаралар бошлаб юборилди. Илм-фанда алақачон тасдиқланган, араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ тумани ҳудуди)да туғилган" деган сўзларига ишонқирамай, бировимиз Соҳибқирон Шаҳрисабзнинг Ниёзий (Аччиғи), бировимиз Чироқчининг Тарағай қишлоғида, яна бировимиз Муборак шаҳрининг қадимий ўрни Занжирсаройда таваллуд топган, деган фикрни ўртага ташладик. Албатта,

илмда баъзан шундай баҳслар бўлиб туради. Энг тўғри далил шуки, Соҳибқирон Қашқадарё заминида таваллуд топган, ўсган, яшаган, бизга ватандош, қондош, диндошдир.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи тарихий манбалар шу қадар кўп ва улар турфа хил, ранг-баранги, ўтган қарийб олти аср давомида яратилган бу асарларни, халқимиз тўқиган нақл ва ривоятларни йиғиш, улардаги фикр-мулоҳазаларни бир-бирига қиёслаб ўрганиш, сўнгра теран хулоса чиқариш анча муддат талаб қиладиган иш, албатта. Ҳозирга қадар бу борада бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди ва улар изчил давом эттирилмоқда.

Соҳибқироннинг таваллуд топиш саналари, сониялари, киндик қони томган маъволари ҳақида замондош тарихчилари ажойиб битиклар қолдирганлар. Шулардан бири араб муаррихи Ибн Арабшоҳ "Ажойиб-ал мақдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") асарида шундай ёзади: "Темур ибн Тарағай ибн Абағай бўлиб, унинг туғилган жойи Хўжа Илғор деб аталадиган қишлоқдир. Хўжа Илғор Кешга қарашли жойлардандир - Аллоҳ у ердан ҳар қандай ёмонликни даф этсин!

Кеш - Мовароуннаҳр шаҳарларидан (бири) бўлиб, Самарқанддан тахминан ўн уч фарсах (масофа)дадир. Ҳикоя қиладиларки, (Темур) туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш".

Араб тарихчилари Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372-1449) "Замонамизнинг машҳур ўғлонлари ҳақида гўр кишиларга хабар", Ибн Тағриберди (1411-1469) "Миср ва Қоҳира ҳокимлари тарихида порлоқ юлдузлар", "Ал-Вофийдан кейин оққан мусаффо булоқ" деган асарларида Ибн Арабшоҳнинг фикрини тасдиқлаб, Амир Темур таваллуд топган манзил "Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғи" эканлигини айтиб ўтадилар.

XIX асрнинг 60-йиллари бошида Бухорога келган можор сайёҳи ва олими Херман Вамбери "Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи" асарида шундай деб ёзади: "Бу шахс Оврўпода Тамерлан ёҳуд Темурланг номи ила машҳурдир. У 736 (1333) йил шаъбоннинг бешида, сешанба куни кечқурун Кешнинг ёлғиз кўкаламзор жойи бўлгани учун "Шаҳрисабз" аталган аталган маҳалласида дунёга келди. Кейин бутун шаҳар шу ном билан аталди".

Соҳибқироннинг энг аввалги тарихчилари Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Муъиниддин Натанзий, Ҳафизии Абрў, Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурнинг таваллуд топган саналарини қайд этишган бўлсалар-да, манзил ҳақида сукут қилганлар. Рус шарқшунос олими В.В.Бартольднинг ёзишича, муаррих Ибн Арабшоҳ асаридан бошқа ҳеч бир манбада Амир Темур туғилган жой номи кўрсатилмаган. У "ҳеч бир манба" деганда юқоридаги муаррихларни назарда тутуди, шекилли.

Қадимги Кеш яқинидаги Хўжа Илғор ота мавзеси қадим айёмларда ҳам,

Соҳибқирон замонида ҳам, кейинги ва бугунги кунда ҳам яйлов-ўтлоқлар, экинзорлар, боғ-роғларга бурканган жой бўлиб, туркий қавмларга ота макон бўлгани, бу хушхаво манзилда Темурбек таваллуд топганига шубҳа қилмаймиз.

Ўша ривоятда айтилган саҳобий Муҳаммад ибн Абулқосим бошчилигидаги "илғор қўшин"дан олинган "Илғор" сўзи аслида "Хўжа" сўзи билан қўшилиб, "Хўжа илғор" бўлиб кетганмикин? Бу мавзе Соҳибқироннинг оталари Тарағай Баҳодир томонидан Муҳаммад ибн Абулқосим масжиди ва мадрасасига "вақф", "суюрғол" (ниёз, бахшида) қилиб берилган ерлар эмасмикин? "Хўжа" ва "суюрғол" сўзлари бирикмасидан "Хўжа Илғор" келиб чиқмаганмикин? Халқ Муҳаммад ибн Абулқосим ҳазратларига ҳурмат юзасидан у кишини "Хўжа" номи билан, ҳазратнинг қабрлари муқим ётган "суюрғол" ерларнинг номи билан қўшиб "Хўжа Илғор" деб атаб кетган бўлсалар-чи?!

Бундай тахмин қилишимизга бир неча далиллар бор. Масалан, халқимиз Қусам ибн Аббос ҳазратларини Шоҳи Зинда, Абдулхолиқ Гиждувонийни - Хожаи Жаҳон, Аҳмад Яссавийни - Туркистон бува, Нуриддин Басирни - Чўпон ота, Тошхўжа ибн Ойхўжани - Зангиота, Қаран Увайс, Довуд Дамашқийларни - Султон ота (Хоразм ва Қашқадарёда) атаганлари каби Муҳаммад ибн Абулқосим ҳазратларини ҳам "Хўжа" деб кетгани, шубҳасиз.

Иккинчи далил шуки, Жете Тўғлуқ Темур лашкари билан Самарқандни босқин қилгани хабари Кеш ҳокими Ҳожи Барлосга етказилгач, у тўшақда бемор ётган амакиси Тарағай Баҳодирга маслаҳат сўраб, махсус одамдан хат жўнатади. Ўшанда Тарағай Баҳодир Кешдан бир неча чақирим узоқликда юз нафаргача навқари ва мол-давлати билан яшаётганига ҳам шубҳа йўқ. Хўш, бу манзил қаер эди? Бу ҳақда тарихий маълумотлар сукут қилади. Бизнингча, Тарағай Баҳодир ўшанда Хўжа Илғор ота мавзесидаги чодирда эмасмиди?! Ўша ерда ўғли Темурбек билан юрт тақдири ҳақида фикрлашмаганмиди?! Ҳа, Тарағай Баҳодир бемор ҳолда охириги васияти - вафот этса, жасадини Кешдаги пири Шамсиддин Кулол пойига дафн этишни, ҳозир эса Темурбек амакиси Ҳожи Барлос ҳузурига бориб, душманга қарши биргаллашиб жанг қилишни ўша манзилда тайинлаган эди, шекилли.

Учинчи далил шуки, тарихчи олим Азамат Зиё айтганидек, Муъиниддин Натанзий "Амир Темур туғилган қишлоғи Ниёзийга қараб жўнади" деган сўзларни худди шу ниёз, бахшида, суюрғол қилинган жой маъносидаги Ниёзий қишлоғи деб атаб, ёзган бўлишлари керак.

1928 йили академик В.В.Бартольд бир муддат Шаҳрисабзда, Хўжа Илғор қишлоғида бўлган эди. Қарияларнинг айтишларича, у Соҳибқирон туғилиши, болалиги ва ўсмирлиги билан боғлиқ жуда кўп ривоятларни маҳаллий аҳолидан ёзиб олган. Бу синчков олим суҳбатлашган кексаларнинг





авлодлари Хўжа Илгор атрофидаги қишлоқларда ҳозир ҳам ҳаёт кечирадилар.

Қашқадарё воҳасининг қадимги сиёсий ва географик идора қилиниши ҳозирги тушунчаларимиздан кескин фарқ қилади, албатта. Соҳибқирон замони, шайбонийлар, аштархонийлар, Бухоро амирлиги даврида Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ мавзелари ҳудудий жиҳатдан бир неча бор ўзгаришларга дуч келган. Аммо бу туманларнинг ҳудудлари ўтмишда Шаҳрисабз вилоятига қарашли бўлиб келгани ҳам аниқ. Шу боис ҳозирги яккабоғликлар Соҳибқирон замонидан бери ул зотнинг Хўжа Илгор мавзесида таваллуд топгани ҳақида ўз фарзандларига ҳикоялар қилиб, бунга қаттиқ ишониб келадилар.

1925 йилларда Хўжа Илгор Шаҳрисабз вилоятининг Мўминобод амлоки таркибида бўлиб аҳолиси Қизилдарёдан келадиган Қоражўй ариғи сувидан фойдаланишган. Қишлоқда бу пайтда 13 хонадонда 65 нафар киши яшаган. Қишлоқ аҳолиси хўжалик зарурати учун Жумабозорда савдо қилган.

Қашқа воҳаси ўзининг буюк фарзандлари билан фахрланишга ҳақлидир. "Айниқса, Соҳибқирон Amir Temur бобомиздек - у зот бирорта жангда мағлуб бўлмаган - енгилмас саркарда ва давлат арбоби жаҳон тарихида камдан-кам топилади", - деган эди муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Бу ерда Amir Temur номи билан нимаики боғлиқ бўлса, уларни ўрганиш, ҳатто нақл ва ривоятларни йиғиш, таҳлил қилиш, кўз қорачиғидай асраш лозим бўлади. Қашқа воҳасининг, жумладан, Яккабоғнинг ҳар бир қарич ери - тоғ-тошлари, дашт-яйловлари, дара, гор ва қирлари, қишлоқ ва гузарлари Соҳибқирон абадиятидан ҳикоя қилади. Яккабоғда буюк бобокалонимиз қадамжолари ниҳоятда кўп бўлиб, бу табаррук жойларни албатта ўрганиш ва ёш авлодга етказиш зарур, албатта.

Мустақилликка эришганимиздан кейин юртимизда яшаб ўтган кўплаб улуг сиймолар қатори Amir Temurнинг муборак номи ва бу буюк зот ҳақидаги асл тарихий ҳақиқат ҳам тикланди. Шу ўринда Соҳибқироннинг давлатчилик, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, дипломатия ва ташқи савдо, илму фан, санъат ва меъморликка оид қарашлари, адолатни жойига

қўйиш ва халқ манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

1996 йилдан буён мамлакатимизда Амир Темур таваллуди ҳар йили кенг нишонланиб, турли маърифий тадбирлар уюштириш анъанага айланди. Айниқса, 2018 йил 9-апрель – Соҳибқирон туғилган куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев тавсиясига кўра ва вилоят ҳокими Зафар Рўзиев ташаббуси билан Хўжа Илғор қишлоғида илк бор халқ сайли уюштирилди. Бу муборак кундаги тантаналар бутун мамлакатимиз аҳолиси нигоҳида бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

Шу куни тантаналар доирасида Хўжа Илғорда Халқаро Пресс клуб ишлади. Кураш, кўпқари, турли халқ ўйинлари, беллашувлар ва санъаткорлар чиқишлари ташкил этилди, "Яккабоғ – Соҳибқирон камол топган юрт" китобининг тақдими ўтказилди. Хорижий олимлар ва сайёҳлар билан ҳамкорликда "Амир Темур юрган йўллар бўйлаб" халқаро экспедиция уюштирилди ҳамда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Шу куни вилоятимиздаги ҳар бир хонадонда, маҳалада, корхона ва муассасада темурхонлик тадбирлари, "Тузук"ларни мутолаа қилиш ва бошқа турли маърифий тадбирлар уюштирилдики, бу тантаналарни ҳар йилда тизимли ўтказилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, Хўжа Илғор – Кешдан чиққан Амир Темур ҳукмронлиги даврида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлари Туронзаминнинг энг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айланиб, кун сайин ривожланиб борди. Зеро, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг "...буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: "Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!" деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур", – деган сўзлари айниқса эътиборга моликдир.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ж. – Т.: "Ўзбекистон", 34-бет
2. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2017, 10-бет.
3. И.А.Каримов. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. – Темур тузуклари. – Т.: "Ўзбекистон", 2011. 5-6 бетлар.
4. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. К.1. У.Уватов нашрга тайёрлаган. Т.: "Меҳнат", 1992, 68- бет.
5. Х.Вамбери. Бухоро ёҳуд Мовароуннахр тарихи. Т.: "Ёзувчи", 1990, 30-бет
6. А.Жуманазар, Ж.Тўхлиев. Яккабоғ – Соҳибқирон камол топган юрт. Т.: "Академнашр", 4-бет



Неъмат Арслон 1941 йил Шаҳрисабз тумани Мираки қўрғончаси яқинидаги Такия қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Адибнинг "Аёл сувратига чизгилар", "Олдинда яна тун бор" ҳикоялар тўпламлари, "Адам водийси", "Мавҳумот" романлари чоп этилган.



# Оу jodusi

Ой - мунгли сайёра.  
Муаллиф

Дераза рафида ойнинг нимранг шуъласи. Нимранг: на мовий, на сариқ, ва на оқ. Шундай ҳолатни нимранг деса тўғри бўлармикин? Бу оқшом унинг ёруғида жуда кўп ранглар бордай. Тўлишган ой нурига хос рангни тополмади Ойнисо. "Сутдай ойдин", - шивирлади унинг лаблари. Дарҳақиқат, ҳовли сутдай ойдин. Шу таърифга мойиллик бор қизнинг шуурида. Бошқа бирор таъриф ёки тавсиф мос эмас. Аслида бу момосидан қолган гап. Ой ойдин кечалар деразадан қараб "сутдай ойдин" деб қўярди ва оғир-оғир хўрсинарди кампир. Шундай дерди, хўрсинарди хаёлчан тарзда ва гўё иситмоқчи бўлгандек ой шуъласига тутиб турарди қуришган бармоқларини. Шунда кампирнинг исмсиз бармоғидаги мис узукнинг кўзида парчаланиб кетиб хирагина милтирарди самовий шуъла. Дераза рафини силаётгандай ёки унинг губорини артаётгандай оҳиста ҳаракатланарди унинг узукли бармоқлари. Энди кампир йўқ, ой шуъласи эса ҳамон ўша-ўша. Сокин, хаёлчан ва мунгли. Нимадандир ўксинаётгандай ва нималарнидир сўзлаб бермоқчидай ва яна қандайдир сирдан - инсон зотига маълум бўлмаган, унинг тасаввурига сиғмайдиган сирдан огоҳ этмоқчидай, Дераза тоқчасида, хонтахта четида ва хона деворидаги йўл-йўл чизиқлар ҳам худди аввалгидек. Ҳеч нарса ўзгармаган. Ойнисо учун бу жуда антиқа манзара. Унда қандайдир сир-синоат бор. Момосининг қултапўшогини

бошига кийиб оларди-да, бу саноатнинг нималигини англашга ҳаракат қиларди қиз. Оддий нақшлар эмас улар. Йўқ, улар оддий нақшлар эмас. Бу нақшлар дераза шишасининг вужуди. Ҳар қандай вужудда эса сир-саноат яширин.

## 2

Ой тўлиша бошлаган кечалар чироқни ўчириб қўйиб хона деворидан кўз узмай ёлғиз ўтирган қизни тасаввур қилинг энди. Бошида ўша, йўл-йўл кандирдан тикилган ва мисқолгарди деган матоҳдан астар қўйиб қавилган култапўшок. Унда Ойдиной момонинг оппоқ сочлари қолдирган ажабтовур, қўнғирсиқ ҳид бор. Қизнинг нигоҳида аллақандай хавотир, Ойнинг соҳир шуъласида эса кўз илғамас ҳаракат. Бу ҳаракатда энгиб бўлмас бир куч ва муқаррарлик ва айни пайтда сокинлик ва майинлик ва маҳзунлик, ва яна аллақандай мунг бор. Аслида ҳам Ой - мунгли сайёра. Бирон бир жонзотга, ҳеч бўлмаганда бир тушгина гулга ҳам эга эмас. Қани энди унинг кулранг тупроғида бир тушгина ток ўсса, ток новдасида бир бош қора кишмиш ёки нимранг тойиби бўлса ёки бир бутагина райҳон ҳид таратиб турса! Балки шунинг орзусида соҳир нурлари билан ерни пайпаслар, гиёҳларни, денгиз ва дарё сувларини ўзига тортар, Модомики шундай экан, ер юзидаги одамларни ҳам, бинолар ва дарахтларни ҳам, ҳаттоки қабристонни ва улар қаторида Субҳоннинг қабрини ҳам интиқ бир куч билан ўзига тортаётгани тайин.

Ҳовлида, супа тагида бир туп садарайҳон бор. Агар гул кўп бўлса, биридан бошқасига, ундан яна бошқасига сакрайди нигоҳинг. Нимадир йўқолади, нимадир сусаяди. Қайбирига меҳр қўйиш керак? Кўп гул бу - гулзор, гулзор эса бамисли оломон. Якка ўсган бир туп гул ёлғизлиги билан ва яна танҳолиги билан, Субҳонга ўхшаши билан қизнинг дилига яқин, оломондан эса узоқ.

Тунда ой нурига чўмиб ухлаётган қабристонга қараш, фақат бир мартагина бунга журъат этганди Ойнисо. Кейин кўп нарсалар ўзгариб кетди. Ва ниҳоят, Субҳон айтиб берган воқеа такрорланди. Дарахт гўласи устида ёнма-ён ўтиришди улар кунлардан бир кун. Ёз фасли. "Тирч-тирч" этиб сайрайди қорачигирткалар. Узун, қора дирижёрлик либосида улар. "Худди шундай ёз оқшоми эди, - дейди Субҳон. - Ой ойдин, сутдай. Етти, йўқ, тўрт-беш ёшларда эдим чамаси, (Субҳоннинг овозини эшитиши билан машгулотини таққа тўхтатади шу яқин ўртада мусиқа асбобини жўр қилаётган қорачигиртка. Инсон овозига қулоқ тутиб қолади, афтидан) ҳа, б,б-беш ёшларда. Хонанинг ўртасида ётардилар онам. Оқ кўйлақда. Мен кўрқмадим аввал. Онамни қучоқлаб йиғладим. Ёлим ҳақида унчалик тасаввурга эга эмасдим. Хона қоронғи. Ҳар доим бирор нарса устида хархаша қилганимда бошимни силайдиган қўллар беҳаракат. Нега бундай? Нега меҳрибон онам ҳамма нарсага бефарқ? Ҳеч нарсага тушунмай, шу ҳолатда ухлаб қолибман".

## 3

Энди Ойниса хонада ёлғиз. Оҳиста ҳаракатланаётган нур оқими гўё девор сиртидан ниманидир қидираётгандай. Девор сирти лимон рангида, ўртада дафтар катталигида қуроқ кашта. Кашта ўртасида Субҳоннинг сурати. Суратга томон оқади нур. Субҳон эса тобора яқинлашиб келаётган ой шуъласидан кўз узмай бундан уч йил аввал сўзлашни бошлаган қўрқинчли ҳикоясини ҳамон давом эттираётгандай. Онасининг ўлими, тунда беш ёшли боланинг жасад ёнида ёлғиз қолиши, ой оҳиста силжиб келиб оқ қўйлақда ётган жасадни ёритиши, Онанинг кўкрагидан бўйнига томон, ундан иягига, лабларига томон сирғалиб ўтаётган оқ илонга ўхшаш ингичка ва узун ой нури. Жасаднинг кўзлари ҳайратлангандай очиқ. "Ой сутдай ойдин кечалардан ҳозир ҳам қўрқаман. Ой нури кафанни эслатади". Сурат томон тобора яқинлашиб бораётган ой нурига қараб тураркан, Субҳоннинг гапларини эслади ва бутун вужуди билан титраб кетди Ойнисо. Ва ойга қаради, унинг суратга томон бетиним ҳаракатланаётган шуъласидан кўз узиб. Қизиқ бир нарсани - ҳали дунёда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсани кашф этди шунда. Ой юзидаги доғ - осмон малаги Исрофил! Ё парвардигор, нега бир ожиз бандангнинг хаёлига бундай нарсаларни соласан?! Бир оёғини олдинга қўйиб, иккинчи оёғига таянганча бироз ортга чалқайган қўйи турарди малоика Исрофил. Оғзида қиёмат куни чалинадиган карнай. Исрофил сур тортадиган карнайнинг беҳад катталигини ва бу карнай ҳамма нарсани, ҳатто ер куррасини ҳам ютиб юбориши мумкинлигини эшитганди Ойнисо момосидан. "Исрофил сур тортса қиёмат бўлади". Шундай дер эди момо. Аммо ойнинг бетидagi доғнинг фаришта Исрофилга ўхшашини ҳеч ким айтмаган. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу кашфиёт.

Бора-бора жиддий машғулотга айланди Ойнисонинг ой билан мулоқоти. Балки бу ёлғизликнинг оддий эрмагидан бошқа нарса эмас, дерсиз? Унда нима сабабдан ой нури чизган тасвирларга лупа орқали қарайди қизгина ва дафтарга нималарни ёзиб қўяди? Қўлига паргар ва чизгич олиб само ёритгичидан тўкилаётган ёрқин ва хира нур йўлакчалар оралигини ўлчайди, Рақамлар билан белгиланган дафтар варақларида улар. Бетартиб бир тарзда сочиб ташланган ҳарфлар, турли кўринишдаги белгилар бор.

Кейинчалик - орадан бир неча йил ўтиб, Ойнисо бедарак йўқолгандан кейин унинг эгасиз қолган уйига кўчиб ўтдим. Ва Ойшунос қизнинг тадқиқотларини жиддий тадқиқ этишга киришдим. Ва айтиш мумкинки, сочиб ташланган ҳарфларда ҳамда шаклларда узвийлик борлигини аниқладим. Қадимги дунёнинг улугъ рассоми Леонардо да Винчи ҳеч ким ўқий олмасин деб хатни тескарисига ёзар ва зарурат туғилганда уни ойнага тутиб ўқирди. Ойна барча ўнг нарсаларни чаппасига, ва аксинча тескари нарсаларни ўнгариб кўрсатади. Ана шундай қайсар ва сирли "жонзот" ойна деганлари. Хуллас, шу воқеа ёдимга тушиб дераза

жомларидан иккитасини ўрнидан кўчириб олдим, бор ҳунаримни ишга солиб шиша жом сиртига кумуш эритмаси суртдим ва аввал кулранг бўёқ билан, сўнгра қизил бўёқ билан бўядим. Шишанинг шаффоф вужуди ўзлигидан кечиб тиниқлашди ва ойнага айланди. Ойналарни бир-бирига қаратиб қўйдим. Шунда чексизлик ҳосил бўлди. Дафтарнинг биринчи варағини ўзимга тескари турган ойна сиртига ёпиштирдим, натижада ҳарфлар, белгилар ва шакллари чизгилар чексиз даражада такрорий тасвир зуҳур этди. Аммо бу тажриба кутилган натижани бермади. Дафтар варағидаги барча белгилар ойна сиртида тескари бўлиб кўринарди, холос. Худди шу усулда ой тасвирини ойнага тушириб чексиз даражада ой ҳосил қилишдан ҳам қониқмадим. Алламаҳалгача кўзимга уйқу илинмади. Ухламоқчи ҳам эмасман. Ёйларим чувалашган, уларнинг ҳаммаси бир томонга қараб оқим ҳосил қилган. Бу оқимда ҳаттоки ўзим ҳам сузиб бораётгандайман. Оқим Ойнисога ва унинг ой нури билан ўтказган тажрибаларига бориб урилади. Ва мен болалигимда юз берган бир воқеани эслайман ҳар сафар. Ташқарида, ҳовлининг ўртасида ётардик биз, яъни онам иккаламиз. Супасиз, деворсиз бир чети қишлоқ марказидаги подахонага туташиб кетган ҳовли. Ёз оқшоми, ҳовли сутдай ойдин. Нақ пешонамнинг устида парпираб турган ой гўё шу харобгина қишлоқни ва шу қишлоқнинг харобгина ҳовлисида ётган қўрқоқ бир вужудни, яъни мени қўрқитиш учун кўкка кўтарилгандай. Юрагим тўла ваҳм. Ваҳм вужудимни шу қадар исканжасига олганки, бошимни буришга ва ёнимда ухлаб ётган онамга қарашга ва умуман, қилт этиб қимирлашга қўрқаман. Гўё бутун дунёни қўрқув ўз исканжасига олган. Онамга яқинроқ сурилишни ўйлайман, қўлим билан онамнинг қўлларини ушласам озгина бўлса ҳам юрагимни тўлдирган ваҳмдан қутулардим балки. Афсуски, бундай қилолмайман, бирор туким қилт этса қўрқув мени кўриб қоладигандай. Ана шундай ҳолатда ётарканман, подахонанинг нариги четида, Ўтаган аканинг уйи ортида катта қора тўрт бурчакка кўзим тушди. Шу қора тўртбурчакнинг ўртасида - балки унинг бир четроғидадир - ўша қоронғилиқдан ҳам қорароқ бир нарса ҳаракатланарди. Антика бир тарзда - худди рақс тушаётгандай - ҳаракатланарди ўша қора нарса.

## 4

Ўшанда гарчи беш-олти ёшларда бўлсамда, бу рақснинг беўхшовлигини ва шу беўхшовлиги билан ғайришуурийлигини англадим. Гоҳ ёйилар, гоҳида йиғилиб бир жойда қуюқ қора бўёқ ҳосил қилар ва гоҳида юқорига томон ўсиб бораётган каби ғайритабiiй шаклга кирарди ўша қора нарса. Ой тўлишган ва борлиқ сутдай ойдин бўлса ҳам ёрита олмасди ўша қоронғилиқни. Том бўғоти остидан, девор соясидан паноҳ топганди ўша қора раққоса. Рақс тушаётган қора туманлик - балки қора қурум десам тўғри келар - назаримда мендан кўзини узмаган ҳолда ҳаракат қилар, даҳшатдан бир бўлак кесакка, дарахтнинг кесиб ташланган ғўлачасига айланиб қолган менинг вужудимни ҳам рақсга

чорларди, афтидан. Имларди мени, ўшанда бу ўлим рақси эканлигини англамаганман. Аммо мубҳам бир ваҳима шарпаси оғир қанотлари билан ерга киргизиб юбормоқчидек, ёки ётган жойимда маҳв этмоқчидек куч билан босиб турарди мени. Инсон танаси – жон учун қамоқхона. Коинотнинг узоқ бир ҳудудидаги сайёрада яшайдиган жонлар ҳам гуноҳ қиладилар. Шунда гуноҳининг нечоғлиқ оғирлигига қараб бир неча дақиқадан бир неча йил муддатга зиндон жазосига маҳкум этилади жон. Ва муддат тугаши билан вобаста қилинган занжирларни узиб инсон танасини тарк этади ва учиб кетади ўз сайёраси томон. Занжирларни узиб ташларкан, рақс кўринишида намоён бўлади бу жараён. Ана шу жараён эди мен кўриб турган ҳолат.

Ҳаммаси маълум бўлди эрталаб. Одамлар тўпланишди саҳарданоқ. Тушириб олишди том бўғоти остида осилганча оҳиста тебраниб турган жасадини. Ён етти ёшли бу қиз нима сабабдан осди ўзини? Турли фикрлар айтишарди одамлар, аммо мен ҳали уларнинг фикрини тушуниш даражасида эмасдим, ёш эдим. Тунда бўлган мудҳиш воқеани кўрганлигимни ҳам айтолмадим. Одамлардан, жасаддан ва бошқа ҳамма нарсадан қўрқиб турардим. Ойнисанинг дафтаридаги ёзувлар, шакллар ва белгилар кўпроқ ўзига тортарди мени шу воқеани эсласам. Дафтардаги тилсим сирини очишга уринишларим ҳеч қандай самара бермаётган бўлсада, бу машғулоти ташлаб кетишга ўзимда куч тополмадим. Ва унинг хонасида ўтириб ойни кузатар, унинг ҳар бир фазасида рўй берадиган шаклий ўзгаришларни қоғозга туширардим.

## 5

Август ойининг сўнги ўн кунлиги. Ой аста-секин тўлишиб бормоқда. Кундузи ҳам кўрдим уни. Нурсиз, бир томони қурт егандай ёки уқувсизлик билан ушатиб олинган нондай. Тикилиб қарагандим шаффофланиб, гўё ортидан кўкимтир тусда кўрингандай бўлди осмон. Ой тўғрисида тадқиқотлар кўп фанда. Бир томони юз даражадан иссиқ, иккинчи бети бир юз ўн даража совуқ. Сирти кулсимон модда билан қопланган, сув ва ҳаво йўқ. Аниқроғи, мутлақо ҳаёт асари кўринмайди. Ерда юз кило тош босадиган одам ойда, анигини билмайман, етмиш ва балки олтмиш кило чиқса керак. Бу сайёра айтишларича, ердан кўринганидай нурафшон эмас, балки қорамтир бир сиртга эга, нурни эса қуёшдан олади, Ана шундай тадқиқотлар бор.

Америкаликларнинг ойга боргани ва унинг устида ўз оёқлари билан юргани ҳақида ҳам анчагина гаплар бўлгани эсимда, аммо кейинчалик мутлақо ҳаёт асари йўқ бу сайёрадан ерлик тадқиқотчиларнинг кўнгли совигандай. Энди бизни Марс сайёраси қизиқтирмоқда. Қизил сайёра деб ном олган бу осмон ёритгичига унчалик қизиқиш билдирмасди Ойнисо. Қани унинг ўзи? Қани унинг деразам рапини ёритиб турган қизил нури? деди бир оқшом иккаламиз ёлғиз ўтирганимизда. Биз ташқарига чиқиб осмонга қарадик ва Қизил сайёрани қидирдик. Бизда

на телескоп, на бошқа бирон кузатув асбоби бор. Ҳатто оддий дурбин ҳам йўқ. Ҳеч нарсага аниқлик кирита олмадик. Ой ҳали батамом тўлишган бўлмаса-да, паршираб нур сочар ва осмонни кузатишга монелик қиларди. Ёшанда билмасдим бу қизнинг ой нуридан қўрқишини ва айна пайтда унга қизиқишини. Ёша оқшом унинг Ойшунослигига доир баъзи бир белгилар намоён бўлди. Улардан айримларини мен кейинчалик кузатув дафтаримга ёзиб қўйдим. Биз супа четида ёнма-ён ўтирардик. Осмон ёритгичлари тўғрисида билганларимни унга сўзлаб берарканман, анчадан бери унинг сукут сақлаб тургани ва менинг гапларимни умуман эшитмаётганини пайқаб қолдим. Ойга қараганча қотиб турарди у. Ихтиёри ўзида эмас, хаёли ҳам. Бироз энгашиб унинг кўзларига қарадим. Кейин рўпарасига ўтиб ерда чўнқайдим. Унинг ҳолати ўзгармади. Мени унутганди афтидан. Кўкси тез-тез кўтарилиб тушаётганига қараб нафас олиши тезлашгани ва юраги ҳам қафасдаги кабутардай патираётганини англадим. Ва яна кўзларига тикилдим. Унинг нигоҳида қотиб қолганди ой шуъласи. Кўзлари атрофида оппоқ Ҳалқа. Кейин ҳаракатга келди Ҳалқа ва унинг пастки чети томчи шаклини олди-да, қизнинг кўзларидан оқиб туша бошлади. Қўрқинчли эди бу ҳолат. Ногоҳ болалигимдаги ўша воқеа, том бўғотига ўзини осган қиз билан боғлиқ манзаралар, соялар ўйини ва ўлим рақси кўз ўнгимга келди-ю, қизнинг елкасидан тутиб: "Ойнисо! Ойнисо!" деганча силкилай бошладим. Албатта дарҳол ўзига келди қиз ва оғир хўрсинди. Биз хайрлашдик, аммо уни ташлаб кетгим келмасди. Мана шу супада ётишимни билдирдим. Қаршилиқ кўрсатмади ва супа устига жой солиб берди. Табиийки, уйқу келмайди бундай паллада. Осмонга тикилганча ётавердим. Ҳа, дарвоқе, кейин билсам, ўша ҳолатда у ой сиртидаги доғни яна такрор малоика Исрофилга ўхшатган ва ўзининг бу кашфиётидан қўрқиб кетган экан. Аммо айтмади буни менга орадан кўп йиллар ўтса ҳам. Қаттиқ сир тутди нима сабабдандир. Балки унинг кашфиёти муқаддас динимизга бориб тақалганини ўйлаб сир сақлашга қарор қилгандир. Унинг тадқиқотлар дафтари бўлмаганда билмаган бўлардим мен ҳам бу сирни.

Ойдиной бедарак йўқолгандан кейин унинг тадқиқотларини ўрганишга киришиб эришган илк муваффақиятим – шу. Аммо осонликча эришмадим бунга. Шартли белгилар воситасида ёзган эди қизгина бу сўзни. Ой ва кун саналаригина ўз ҳолича эди фақат. Худди ўша кунни топдим дафтардан. Мана, 13 август. Йили кўрсатилмаган. Бир йил кутдим. Ва ниҳоят, 13 август кечаси дераза рапига қулайроқ ўрнашиб ўтирганча ишга жиддий киришдим. Олдимда: паргар, жазбар, дафтар ва соат. Лупа ҳам бор албатта. Ой осмонда муаллақ, батамом тўлишган, ярқираб, балқиб, тиниқ тортиб турибди. Деразадан тушиб турган чизиқлар ва улар орасидаги ҳошиялар, ҳошиялардаги оқлиқдан кўкимтир рангларга томон уйғунлашиб ўтаётган нур дасталари, Дасталар орасидаги қисқа

чизиқлар ва нуқталар, Дераза вужудидан тушаётган нурли чизиқлар тагига дафтар варагини тўғрилаб қўйиб секинлик билан шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа томон ҳаракатлантира бошладим. Ва ногоҳ нур ҳошияси қатида "И" ҳарфи ҳосил бўлганини аниқ кўрдим! Деразанинг ғарб томондаги учинчи кўзида тарих донаси катталигида нуқта борлигини аввал ҳам кўп марта кўрган ва шу нуқта орқали ҳовлига қараб қизиқ-қизиқ ўйинлар қилгандим. Баайни мўъжизанинг ўзи бу нуқтача. Дарахт танасида ҳаракатланиб турадиган улкан кавак ҳосил қила олади. Девор сиртида қават-қават чизиқлардан иборат доира чизади. Ерга тўғрилаб қарасам ер худди аталадай суюлиб менинг бош ҳаракатимга мос айланаверади ўша доиралар. Худди қуюқ аталани қошиқ билан аралаштираётгандай. Шу нуқтача менга иккинчи ҳарфни берди. Дафтарга нуқтанинг ярим ҳолатини туширгандим "С" ҳарфи ҳосил бўлди. Энди менга Ойнисонинг узоқ йиллар давомида олиб борган кузатувлари ва кашфиётлари ўз сирини очмоқда! Ва мен қизнинг ички дунёсига томон кириб бормоқдаман. "Исрофил" деган шу сўзни ёзиб қўйиш учун шунчалик машаққат чекиш зарурими дея ажабланишингиз табиий. Аввало, шунга айтишим керакки, шу биргина сўз эмас, бир дунё сўз ва жумлалар, яхлит тузилган гаплар, бутун бошли манба ва матлалар бор унинг дафтарларида. Инсон ҳиссиётларининг ранги, шакли ва оҳанглари туширилган сирли белгилар ҳар қандай одамни жозиб куч билан ўзига тортиши табиий. Уларни ўрганишни мен шу сўздан бошладим холос. Чунки, ўтган йили худди шу кечада - яъни 13 август тунида - супа четида ўтириб тўлин ойни кузатишимиз ва қизнинг ғайритабиий ҳолатга тушиб қолиши, тўғриси айтсам мени бефарқ қолдиролмасди. Унга бўлган муҳаббатим бутун умримни ва ҳаётимни шу қизнинг бахти учун қурбон қилишга даъват этарди. Демакки, унинг ички дунёсини билиш ва шу йўл билан уни англаш мен учун ҳаётим зарур. Ойдинойнинг бедарак йўқолиши-чи!? Эрталаб туриб қарасам Ойдиной уйда йўқ. Ва ҳозиргача бедарак. Қидирув органлари кўп ҳаракатлар қилишди, эълонлар берилди, қизнинг сурати ва бор ташқи қиёфаси ёзилган қоғозлар тарқатилди. Натижа йўқ. Мен эса ҳамма гап унинг ташқи белгиларида эмас, балки ички дунёсида деган фикрдаман. Ҳаттоки Ойнисо ўз ички дунёси ичига кириб яшириниб олган деган фикр ҳам миямга урилиб мени безовта қилади, гоҳи гоҳида. Мана, бир йилдирки, ўзи ёзган белгилар шакллар, чизгилар қатидан излайман уни. Ёша 13 август оқшомидаги ҳолат тилсим калитини қўлимга тутқазган эди. Тўғри, гоҳида узун тунлар уриниб бирор натижага эриша олмаганимда, кузатувларим натижа бермаганда Ойнисонинг дафтарларини бир неча кун давомида қўлга олмаганман ва ҳатто бу кераксиз машғулот деган хулосага келган пайтларим ҳам бўлган. Шундай пайтлар Миср эҳромлари, Тутмос, Тутанхамон, Нефиртити саркофағларидаги ёзувларни ўрганишга бутун умрини ва бор бойлигини сарфлаган олимлар нинг машаққатли меҳнати тасаввуримга келган ва

янада куч ва ғайрат билан ишга шўнғиганман.

## 6

Етти йил ўтди орадан. Энди менга кўп нарса маълум. Энг муҳими, Ойдинойнинг қаердалигини биламан! Токи унинг дарагини топгунимга қадар, аввал унинг мақсадини топдим, яъни нималарга интилганини аниқладим:

***Маҳшар гуни гўрам дарам ул сарви қомати,***

***Шул гуниям гўрунмаса гел гўр қиёмати,***

Дафтар муқовасидаги икки мисра шеърни бир неча бор ўқиган бўлсам-да, қилаётган тадқиқотларимга дахлдор эмас деб ўйлагандим. Бир кун оқшом каравотда чалқанча ётиб шу икки мисрани бот-бот такрорлардим. Ой шом еган, яъни у осмонга кеч кўтарилади. "Ой шом еган" дейишади бизнинг Мираки томонларда ойнанинг бу фазасини. Салгина ғалатироқ, аммо ифода аниқ. Ой шомни емайди бундай қараганда, аммо бирор жиҳатини ҳисобга олгандирки, халқ шундай деган. Хуллас, ой ҳали кўтарилганича йўқ. Хона қоронги. Мен одатда шам ёки чироқ ёқмай ётишни хуш кўраман. Қоронгида яхши фикрлайман. Мана унинг яна бир натижаси. "Маҳшар гуни," дедиму нафасим ичимга тушиб кетди. Маҳшар куни нима бўлади? Ҳар бир муслим биладики, маҳшар, яъни қиёмат куни барча ўликлар тирилади. Шунда оға-инилар, ота-она-ю бола-чақалар, севишганлару бу дунёда учрашганлар ва хуллас ҳамма бир-бирини кўришга сазовор бўлади. Модомики шундай экан, Ойнисо ҳам Субҳонни кўради! О, бу қизнинг зукколигини қаранг! Қаранг унинг кичкина косани катта коса тагига яширишини! Нега мен бу мисраларни неча бор такрорлашим ва ҳатто хиргойи қилиб юришимга қарамай, "гўрам дарам" деган сўзлар моҳиятини англамадим. Қиёмат куни уни кўраман деб аниқ айтяпти-ку қизгина. Қувонч ва ўкинчлар аралашиб кетди дилимда. "Ул сарви қомати" деган сўзлар тизими айнан Субҳонга қаратилган. Сириҳдай сипта, қад-қомати ғоят хушбичим эди Субҳоннинг. Кўкраклари кенг. Умровли, шунга қарамай рангпар эди унинг юзи, хаёлчан эди кўзлари. Кулишга, ҳеч бўлмаганда жилмайишга мажбурларди ўзини гоҳида. Туғма шал эди бир қўли, Ва у ҳамиша ғамгин воқеаларни сўзлашга мойиллик билдирарди. Олди-қочди гаплар билан қизнинг кайфиятини кўтаришни ўйламасди афтидан. Ва афтидан, у анчагина кучли психолог эдики, қизнинг қандай суҳбатларга мойиллигини ва бундай суҳбатлар унга нима учун кераклигини тушунарди.

## 7

Дарвоқе, чалғиб кетибман бироз. 13 август тунида юз берган ҳолат ҳам шу икки мисрада мужассам экан аслида. Малоика Исрофил суратини ой сиртида кўрган Ойнисо, ва балки ўша оқшом тезроқ сур тортишини ва қиёмат қойим бўлишини сўраган ундан. Қизнинг кўзларида ой нурига қоришган илтижо, кўксининг тўлқинланиши, юрак уришидаги кескин ўзгариш ва ёнида мен ўтирганимни ҳам унутиб қўйганлиги фақат

елкаларидан тутиб силкилаганим ва отини айтиб овоз берганимдан кейингина ўзига келиши, Субҳонни кўришга бўлган илинж, иштиёқ, тийиқсиз куч, Малоика Исрофил сур тортса, қиёмат юз берса ва ҳамма тирилса ва Субҳонни кўрса!.. Бирозгина малол чўқди менинг ярадор дилимга. Мен ҳам севардим бу қизни ахир! Ёнгинасида ўтирган эдим мен. Бирдан бошимни қаттиқ силкиб ўзимга келдим. Ойнисога нисбатан ҳатто хаёлимда ҳам барча туйғулар ойдин ва риёдан холи бўлиши керак. Шу ҳақда андаккина шама қилгандим бир куни унга.

Иккаламиз хиёбон бўйлаб борардик ўша антиқа лаҳзаларда. Бу қиз билан ёнма-ён юришдан бироз фахрланардим. Хиёбоннинг ҳар иккала томонида оқ танли баҳайбат чинорлар. Ҳаммаёқ оппоқ. Учрашиб қолганимизда соат ўн бирга яқинлашиб қолган эди. Мана энди ўн икки ярим. Қор ёғмоқда ҳамон. Чинорлардан сўрайман хаёлан: "Шундай қизни кўрганмисиз ҳеч". Улар жим. Фақат оёқ остида майингина гижирлайди қор. Унинг киприкларига қўнади қор парчалари, Туйғуларнинг оқлиги тўғрисида бошланган шамадан бошқа фикрлар устунлик қилди ва сўрадим.

- Ўзи мавжуд бўлмаган нарсани севиши мумкинми инсон?

- Мумкин. Бордан йўқ бўлмайди ҳеч нарса. Агар сен Субҳоннинг бедарак йўқолганига шама қилаётган бўлсанг, шуни айтаманки, у бор эди.

- Нотўғри тушундинг, Ойнисо, кўзингни юм, оч, хаёллардан қоч, ва мавжуд борлиққа қайт. Инсон ниманингдир хаёли билан яшай олмайди. Биз тирик одамлармиз, гапдан тўхтадим. Бироз нотўғри ва мантиққа зид гапирётганимни англаб тилимни тишлаб қолдим. Ёнимда бошқа бирор қиз бўлганда мумкин эди шундай давом эттиришим, аммо Ойнисо, суҳбатлашиш қийинроқ у билан. Умуман, қиз боланинг ва умуман аёл зотининг ўта ақллиси ва бунинг устига ўта хаёлчани биз эркакларга унчалик ҳам маъқул кўринмайди. Шундай бўлишига қарамасдан Ойнисонинг хаёли билан яшардим мен. Қандайдир мубҳам ва кўзга кўринмас куч таъсирига тушиб қолгандим афтидан. Назаримда ўзга сайёрадан, борингки, ойдан тушган эди бу қиз. Шу гаплардан кейин ишонч билан айтаманки, тадқиқотлар туфайли эришган энг катта натижам уни топганим бўлди. Ойнисо ўз ички дунёсининг ичида! Унинг ички дунёси эса узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари ичида! Тадқиқотлар эса мана шу хонада, дераза рапида ва дафтар ичида.

## 8

Ана шундай фикр билан ўзимни овутиб юрган кунларнинг бирида дераза токчасида бир туп ёронгул пайдо бўлди. Алвондай қизил. Эшик-дераза берк эди, шу туфайли алғов-далғов бўлди кўнглим. Уйнинг калити чўнтагимдалигини ва мен шу калит билан қулфни очиб кирганлигимни аниқ билсам-да, дам қулфга, дам калитга қарар ва ҳатто чўнтагимни ҳам пайпаслаб қўярдим. Гулга қарайман, дераза токчасида, сопол

гултувак ичида яшнаб турибди. Барглари худди қалдирғочкулчаникига ўхшаш. Четлари яшил, ўртасида қўнғиртоб парраксимон ҳошия. Унга яқинроқ боришга журъатим етмай, хона ўртасида туриб қолдим.

- Чиройлими?..

Чўчиб ўзимни эшикка урдим. Ва остона ҳатлаётим ортимга қарашга улгурдим. Хона бурчагида мутлақо бегона бир аёл! Нигоҳларимиз тўқнашди.

- Қўрқма, Султон Остон, сенга зиён етказмайман.

- Кимсиз? - сўрадим овозим титраб унинг оппоқ сочларига қарарканман.

- Дўстингман.

- Исмингиз ким? Сизни танимаяпман.

- Ойшуносман.

- Ойшунос?!

Лабининг бир четгинаси билан жилмайди аёл ва гўё сочларининг оқлигига ишора қилгандек қўллари билан чеккасидаги толаларни силаб қўйди. Ёз ҳаракатимдан ўзим хижолат чекиб ичкарига кирдим.

- Олиб келдим ниҳоят шу гулни.

Нима сабабдан "ниҳоят" деётганига ақлим етмади. Ҳамма жойда борку ахир ёронгуллар. Ойдан олиб тушмагандир уни. Менга қолса, ёронгулларга нисбатан цикламинлар жозибадор ва камёб, Савол назари билан қараб турарди аёл шу боис ёндош фикрлардан чекиниб хотиржам тортдим ва сўрадим:

- Ойшуно, бу исмингизми ёки касбингизми?

- Исмин ҳам, касбин ҳам, - унинг овозидаги айрим товушлар танишдай туюлиб яна сўрадим:

- Сиз Ойнисо деган қизни танимасмидингиз мабодо?

Ниманидир эшлашга уринаётгандай бироз жим қолди аёл. Тикилиб турди кўзларимга бир муддат. Агар бу аёл Ойнисонинг ўзи бўлса, унинг ёши ҳозир йигирма тўққизда бўлиши керак. Шундай бўлгач сочлари, Аёл яна бармоқларини чеккасига қўйди. Кафти билан сочларининг оқини бекитмоқчидек туюлди менга. Ва шу ҳолатини ўзгартирмаган кўйи боши билан дераза томонга ишора қилди.

- Шу гулни олиб келдим,

- Миннатдорман. Жуда чиройли экан.

- Менга шу гулнинг сурати керак. Фақат қоғозга чизма, мана бунга чиз. Аёлнинг қўлида дераза шишасига ўхшаш алақандай нарса турарди. Сира кўрмагандим бундай антиқа матони.

- Қачонга керак? - сўрадим кўзимни унинг қўлидаги нарсдан узмай.

- Фурсатингга қара, мен уч кундан кейин қайтаман.

- Дарвоқе, мен уйда бўлмасамчи ўша куни? Бу саволни беришдан мақсадим унинг уйга қандай кирганини аниқлаш эди.

- Менда уйнинг калити бор, деди аёл хотиржам тарзда.

- Ойнисо берганмиди сизга? Ҳамон унинг шахсини аниқлашга уринаётганимни тушунди аёл.

- Ўша қиз сени севарди, - деди бироз маҳзун тортиб. Ва яна гулга ишора қилди. Аммо ҳеч нарса демасдан хона деворларига кўз югуртириб чиқди-да, токчада турган култапўшокни қўлига олди.

- Баъзан сиз буни кийиб ўтирардингиз, - дедим таваккал қилиб.

Оғир хўрсинди аёл. Култапушокнинг сиртини силади бармоқлари билан. Юзига яқин олиб борди. Менимча, ҳидлаб кўрмоқчи бўлди. Балки ҳидлагандир ҳам, Кейин у шарпасиз қадамлар билан эшик томон юрди. Қўлида култапўшок. Журъатим етмади бирор нарса дейишга. Эшик ёпилди.

## 9

Агар эътибор қилган бўлсангиз, мамлакатнинг энг номдор ресторанлари ва бообрў корхоналарининг фойелари ва залларини безаб турибди мен чизган портретлар ва натюрмортлар. Ёронгулни чизишга ҳам ишонч ва иштиёқ билан киришдим. Ван Гог услубида танладим рангларни. Фикр ва туйғуларимни эркин қўйдим, эркин қўйдим қўл ва оёқларимни. Қўлимга мўйқаламни оларканман, инсон ва коинотнинг, микро ва макро оламнинг бир бутунлиги тўғрисида улуг Винсент сингисига ёзган хатини эсладим. Ва айни пайтда бу улуг рассомнинг "Дунёга келаркансан, сен биргасан осмон билан, қуёш билан, ой билан ва учаётган булутлар билан" дея хиргойи қилганча ўзининг машҳур асари "Ток навдаси"ни чизаётган ҳолатига киришга ҳаракат қилдим. Ёзига хос бундай имитация жуда зарур эди менинг айни дамдаги руҳиятимга. Неча йилдирки, сурат чизишни ташлаб қўйган бўлсам-да, (тадқиқотлар туфайли) ёронгул кўнгилдагидек чиқди. Қийин бўлди албатта нималиги номаълум холста сурат чизиш. Аслида уни холст деб ҳам бўлмасди, мен шартли равишда шундай номлаяпман. Матоҳ сирти худди кўкимтир кукун сепилгандай бироз дағал аммо зеҳн солиб қарасангиз шу дағаллик остида бошқа бир қават борлигини ва бу қават нурга, аниқроғи ой шуъласига ўхшашини пайқайсиз. Худди сувдай килкиб турганга ўхшайди бу нур деганим. Унинг остида яна бир қават бўлиб, бу қават осмон рангини эслатади. Хуллас, "Ёронгул" тайёр. Мўйқаламни латта билан артиб шиша идишдаги суюқликка солиб қўяётиб остонада Ойшунос турганини кўрдим. Бу пайтда қорамтир қанотларини секинлик билан ёймоқда эди куз оқшоми ва деразамда уфқ шафағининг ёқтиси титраб турарди ҳали. Титроқ шафақ ёронгул япроқларини сиртдан ёритар ва назаримда гулбарглар чўгдек яшнамоқда ва кўзга кўринмас нур эпкини таъсирида титраб ҳам турарди бирозгина. Чироқни ёқишга шошилдим. "Ёқманг". Энди аёл мени сизлар ва аввалгидан майинроқ муомала қиларди.

- Ёқманг, бу лаҳза узоққа чўзилмайди, мен ёронгулнинг шу ҳолатини кўриб қолмоқчиман.

- Хоҳишингиз,
- Кейин уни эгасига топширамыз.

Унинг сирли гаплари бироз меъдамга теккани сабабли эътироз билдирмадим ва гулнинг эгаси кимлигини ҳам сўрамадим. Унинг имоси билан дераза тагига тўшаб қўйилган кўрпачага ёнма-ён ўтирдик. Худди бундан етти йил муқаддам 13 август оқшоми тўлин ойга қараб ўтирганимиздай. Кейин у катта лаганда намакопли сув келтиришимни сўради. Лаганни дераза токчасига жойлаштирди-да, суратни сув устига қўйди. "Жоду қилишга ҳозирлик кўраётган сеҳргарнинг ҳаракатлари," Шундай фикр ўтди хаёлимдан. Кейин биз ташқарига чиқиб эшикни қулфладик ва тунги чироқлари парпираб турган шаҳар томон йўл олдик. Унинг истаги билан бўлди буларнинг ҳаммаси. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига етганимизда емакхонага таклиф этдим уни. Бу таклифга ҳеч қандай муносабат билдирмади. Индамай кетаверди. Мен ҳам эргашдим ортидан. Ҳадемай ой нурига чўлганиб ётган кенг адир намоён бўлди рўпарамизда.

- Шу ерда хайрлашамиз,

Оғир, жуда оғир бир мунг ва ҳорғинлик бор эди унинг овозида. Узоқ уфқдан узмасди нигоҳини.

- Сурат-чи? - дедим ранжиган қиёфада.
- Сурат эгасига топширилди.

Хайрлашув олдида менга қарар ва яна бирор сўз айтар деб ўйлаган эдим. Йўқ нигоҳини уфқдан узмаган кўйи ерга тўшалиб ётган ой нури устига оҳиса қадам қўйди. Биз юриб келган йўллар ҳам ой нурлари билан чароғон эди аслида, аммо бу ерда унинг ҳаракатлари қандайдир бошқачароқ тус олди. Худди автобус зинасидан чиқаётгандай, ёки платформадан метро поездига ўтаётгандай кескин бир интилиш билан адир четига қадам қўйди. Нимагадир қоқиниб кетди деган хаёлга бориб, уни йиқилишдан сақлаб қолмоқчи бўлгандек беихтиёр қўлларимни чўзидим. Ҳавода муаллақ осилиб қолди менинг қўлларим. Шунда ажабтовур бир ҳолат рўй берди менинг кўз ўнгимда. Аёлнинг эгнидаги оқ шоҳи кўйлаги оппоқ сочлари устига беҳисоб нур толалари ёғилаётганини, бошқа бир бўлак ингичка ва нозик нурлар оқими эса унинг атрофидан айланиб ва гоҳида юқоридан пастга ва пастдан юқорига томон ҳаракатланиб тобора қалинлашиб ва қуюқлашиб бораётганини, нурларнинг бу антиқа ҳаракатидан қандайдир сутранг матоҳ тўқилаётганини кўриб турардим. Кўзга кўринмас моҳир тўқувчи ишга солмоқда эди бор санъатини. Гўёки Арахнанинг ўзи тўқимоқда эди бу матоҳни. Ниҳоят, энги, этаги ва ёқаси йўқ бир либос ичида қолди Ойшунос. Кўзларимга ишонмас ва наҳотки шу кўриб турганларим ҳақиқат бўлса дея сирли манзара кашф этган бепоён адирдан ва Ойшунос атрофида тобора қуюқлашиб, уни ўраб-чирмаб олганча, борган сари узоқлашиб кетаётган нурлар оқимидан кўз узолмай турардим. Ой

нурларига қўшилиб, унинг соҳир қаватларига сингиб тобора узоқлашиб борарди бу шаффоф издиҳом.

Гира-шира тонг ота бошлаганди уйга қайтганимда. Кучли бир ҳорғинлик бутун вужудимни тўшакка томон тортаётган бўлса-да, дераза оддига бориб ерга чўккаладим ва сув килкиб турган лаганга қарадим. Эвоҳ, ҳалиги холст ҳам, мен чизган сурат ҳам йўқ эди унинг ичида! Фақат бироз қуюқлашибди сув. Унинг сиртида эса турли рангдаги бўёқларнинг билинар-билинмас излари,

Ерга мук тушганча Ойнисонинг дафтарларини титкилай кетдим. Мана, муқовасига макрокосм белгиси чизилган дафтар. Мана, дафтарнинг энг сўнги саҳифаси, ва мана ўша мен излаган ёзув:

"Ой - мунгли сайёра. Туни билан ерни ёритади ой, силаб-сийпалайди уни нурлари билан, ниманидир излайди ва нималарнидир сўрайди. Ўзига тортади ҳамма нарсани: дарахтларни, гулларни, одамларни, денгизу дарёларни ва ҳаттоки қабрларни ҳам, Қани энди шу мунгли сайёрага бир тушгина ёронгул совға қилсам!.."



*Дераза рафида ойнинг нимранг шуъласи. Нимранг: на мовий, на сариқ, ва на оқ. Шундай ҳолатни нимранг деса тўғри бўлармикин? Бу оқшом унинг ёруғида жуда кўп ранглар бордай. Тўлишган ой нурига хос рангни тополмади Ойнисо. "Сутдай ойдин", - шивирлади унинг лаблари.*



*Минҳожиддин Мирзо 1965 йил Андижон шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. "Нилуфар", "Висол хабари" номли шеғрий тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси биринчи ўринбосари.*



### *Hamid Olimjon g'azaliga muhammas*

Не толе бу келиб дунё, ишқ тилаб хаста ҳол бўлсам,  
Юзинг гулин кўргач дилим туголмай гул, лол бўлсам,  
Сен эй, феруза осмоним, йўлингда бир ҳилол бўлсам,  
На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,  
Лабинг япроғидин томганки гўё қатра бол бўлсам.

Ўтар бўлди мени Мажнун ҳолига солиб бу кунлар,  
Муҳаббат кўшиқда борми, бахтга ёр бағри бутунлар,  
Сен эй гул сен талаб этсанг бу жонимга оғир хунлар,  
Бугоғинга кўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,  
Ўшиб ғунчангни очмоқлиққа тонг чоғи шамол бўлсам.

Менингдек дилхаста сендин шифо истаб тилар соғлиқ,  
Самандек кўкка сапчирман, кетолмам лек дилим боғлиқ,  
Бу гулшандин йироқлашсам кўнгилда гул тугар оғриқ,  
Бўйинггни тарқатиб оламни қилсам масту мустағриқ,  
Ўзимни санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Қуёш пойида ул ой ҳам васл истаб чўкодир тиз,  
Инонсиз бир бол аридек қошингда бўйлагум физ-физ,  
Бу дил изминга бўйсунмиш кетиб бор ихтиёр, эй қиз,  
Сенинг бир-ла қолиб масту лол оламда мен ёлғиз,  
Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бўлсам.

Етолмасдан қуйиб ўлмай, Қайс каби қатра болингга,  
Учирма, қўй, қўнган кўнглим булбулин юрак торингга,  
Шукур дейман сенингдек Лайлидил соҳибам борингга,  
Кезиб сахрою водийлар етишсам бир висолингга,  
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам.

**Shivirlama, shabboda**

Шивирлама, хаёлим бўлиб,  
Лабларимга томизма бода.  
Жоним ҳозир кетар тўкилиб,  
Шивирлама менга, шаббода.

Нафасингни ўхшатдим жуда  
Менга азиз бўлган нафасга.  
Қўй, жонимни учирворасан,  
Зўрға солдим ўзи қафасга,

Шивирлама менга, шаббода,  
Қўзғатма дил япроқларини.  
Қўтаролмас энди вужудим,  
Бу юракнинг титроқларини.

Сочларимни силама, кетгил,  
Чидолмайман меҳрингга ортиқ.  
Қўйгил мени, буткул унутгил,  
Энди қалбим ўзгага тортиқ.

Шивирлама менга, шаббода,  
Сўнгни чўғни қўзғаб нетасан.  
Қўйгил энди, ўз ҳолимга қўй,  
Дардим айтсам, ёниб кетасан,

Шивирлама менга, шаббода.

**Ҳижола, гулим**

Дунёга боқдим, ишондим энди,  
Армонсиз яшамас унда одамзот.  
Севгисиз ҳаётдан мен тондим энди,  
Тушимга киради севгилим бот-бот.

Мани зор йиғлатиб йиғлар ўзи ҳам,  
Кўз очиб кўрганим у кўзларда нам.

**Bahor bu abadiy haqiqat erur**

*Чўлпонни эслаб*

Ҳақиқат йўллари эмасдир осон,  
Ҳақ қарор топаркан кураш бор жойда  
Маъюслик чеҳранга ярашмас инсон,  
Уйларинг курашсиз эрса бефойда.

Эсладим бир зотни, ҳақпараст ўктам,  
Замоннинг залворин четга отди у.  
Тобелик оғусин тотган дилни ҳам,  
Уйғотиб офтобдай эрта ботди у.

Ҳақиқат йўлида йиқилди ҳориб,  
Кўзлари сўнаркан жилмайиб кулди.  
Кун келиб минглаб дил чора ахтариб,  
Уйғонди, демакки ўрнидан турди.

Аммо, у туролмас мангу тупроқнинг,  
Мунис ҳамдамига айланиб қолди.  
Чироғи бўлди у яқин-йироқнинг,  
Дунёда ҳақпараст нигоҳи қолди.

Ҳақиқат, ҳақиқат - баҳор асли бу  
У ўша баҳор деб ахир яшарди.  
Баҳорнинг борлигин исботлаб воҳ у,  
Эрта юз кўрсатган гулга ўхшарди.

Илк чечак эди у аёзга рақиб,  
Бу зотлар дунёга яшиллик берур.  
Аёзлар қилмасин минг бора таъқиб,  
Баҳор бу - абадий ҳақиқат эрур.

Гулларга боқдим, дард ичра қолдим,  
Япроқлар юзида мунчоқдек шабнам.

Сен нечун йиғлайсан, сен нечун,эй,гул,  
Нечун кўз ёш сендай гулгун зиёда.  
Бир дилни ахтариб ўтмоқда умрим,  
Маним йиғлаганим камми дунёда?!



# O'ZBEK XALQINING DOVYURAK FARZANDI

"Эл-юрт озодлигини ўз ҳаётидан ҳам устун қўйган  
Жалолиддин Мангуберди... каби мардлик ва жасорат  
тимсоли бўлган боболаримиз бутун халқимизнинг  
ифтихорига айланган".

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қадим юртимиз ўзининг минглаб мард ўғлонлари ва алп ўғлонлари билан инсониятни лол қолдирган диёрдир. Ана шундай ботир саркардалардан бири, буюк Турон юртининг элпарвар ва жасур ҳимоячиси Жалолиддин Мангуберди Хоразм давлати ҳукмдори Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли бўлиб, тахминан 1198 йилда таваллуд топган. Жалолиддин хоразмлик туркманлардан бўлган Ойчечак бегимдан туғилган бўлиб, унинг жасорати ва мардлиги мўғул босқинчиларига қарши курашда ёрқин кўзга ташланди.

Жалолиддин Мангуберди чавандозликка иштиёқи баланд, ақли расо, соғлом ва чаққон йигит бўлиб вояга етди. Отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ уни кўриб хурсанд бўлар ва унга жуда катта умид кўзи билан қарар эди. Ўз даврида Хоразмшоҳлар тарихини ёзиб қолдирган тарихчиларнинг шоҳидлик беришича, у қорачадан келган, равон сўзловчи, ўзи туркий бўлса-да, форс тилида бемалол сўзлай оладиган, шер мисол довюрак инсон бўлган.

Падали бузруквори уни ҳурмат қилар ва онаси Турконхотуннинг катта қаршилигига қарамасдан, Жалолиддинни тахт вориси деб эълон қилган, катта-катта базмларда, давлат йиғинларига унга "Янги Буюк Искандар" дея мурожаат қилар эди.

Жалолиддин Хўжанд ҳокими Темур Малик билан қиёматли дўст ва қадрдон эди. У билан неча бор жангларда иштирок этиб, жуда катта ғалабаларни қўлга киритган эдики, бу ҳолат унга бутун аркони давлат, шунингдек, халқ олдида юксак обрў-эътибор олиб келган эди. Унинг бу обрўи бувиси Турконхотунга ёқмас, у нима қилиб бўлса ҳам, ўз уруғидан туғилган Ўзликшоҳнинг ҳукмдор бўлишига эришиш пайида эди.

Беш ёшни тўлдириб, олти ёшга қадам қўйган тўнғич ўғил - Жалолиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан валиаҳд этиб тайинланади. Аммо Турконхотун набирасини бу ҳуқуқдан маҳрум этишга киришади. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида онасининг ҳукми уникадан бирмунча устун эди. Шундан фойдаланган Турконхотун ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳни ўз



фармонини бекор қилишга ундади ва тахминан 1210 йилда Жалолиддин тахт ворислигидан маҳрум этилди. Орадан етти йил ўтгач, яъни 1217 йил бошида Турконхотуннинг қистови ва таъсири билан Хоразмшоҳ Ўзликшоҳни Хоразм давлатининг тахт вориси этиб тайинлашга фармон берди.

1220 йилнинг ўрталаридаёқ Мовароуннахрнинг марказий ва шарқий ҳудудларига мўғуллар ҳужуми уюштирилди ва ваҳшиёна босиб олинди. Хоразмшоҳ мўғулларнинг Калиф ва Анхуд деган жойларда берган қақшатқич зарбасига учрайди.

Жалолиддин неча бор отасига чекинмаслик таклифини берган бўлса-да, Муҳаммад Хоразмшоҳ саросимага тушиб, Хоразмни ташлаб, Каспий денгизидаги Ашур Орда оролида яширинади. Зотилжам касалига чалинган шоҳ 1220 йил 25 декабрда ўлими олдидан Ўзликшоҳ ва Оқшоҳлар иштирокида ўз хатосини тузатиб, Жалолиддин Мангубердининг аввалги ҳуқуқини тиклайди. Кўп ўтмай, Муҳаммад Хоразмшоҳ шу оролда вафот этади ва дафн этилади. 1221 йил январида Жалолиддин укалари Ўзликшоҳ ва яқинлари, кам сонли қўшини билан Ашур Ордан чиқиб, Урганча қайтади. Дарҳол йигин ўтказиб, отасининг ўлими хабарини етказади. Аммо Турконхотун тарафдорлари Жалолиддин билан келиша олмайдилар. Шундан сўнг у Темур Малик, Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий ва уч юз нафар навқари, шунингдек, онаси, хотин-болалари билан шаҳарни ташлаб чиқиб кетади. Мўғуллар ҳужумидан укалари Урганчни ташлаб қочадилар. Мўғуллар шаҳарни етти ой қамал қилиб, ниҳоят эгаллайдилар ва аёвсиз ғорат қиладилар.

Жалолиддин Мангуберди отасининг икки катта хатога йўл қўйганлигини англади. Биринчидан отаси 400 минг нафар кишилик қўшинни Сирдарё бўйларида йиғиб, яхлит ҳужум уюштиришни таклиф этган Шаҳобиддин Абусаид ибн Имроннинг фикрига қўшилмай, аксинча қўшинни бўлақларга бўлиб, шаҳарлар ҳимоясига тарқатган эди. Жумладан, Самарқанд ҳимоясига 20 минга нафар яқин қўшин ажратилган эди. Кўп ўтмай, Султон иккинчи хатога йўл қўяди. Унинг амри билан мамлакатдаги 17 ёшдан 47 ёшгача бўлган эркаклар жангга тайёрланиши керак эди. Фармонда ҳар бир кўнгиллининг ўз от-улови ёки туяси, қилич ёки найзаси, камон, ўқ ёйи, асбоб-анжом, чодир, бегиз, ип-игна, шилим ва яраларни боғлаш учун бўзи бўлиши, олти ойга мўлжалланган майиз, туршак, қовунқоқи, жийда мағизи, тутмайиз, қурут каби қуруқ мевалардан иборат егуликлар олиши айtilган эди.

Фармон бўйича ҳар бир қишлоқ оқсоқоли йигитларни улов, эгар-жабдуқ, ҳатто егулик билан таъминлаши, мамлакатнинг иккинчи пойтахти – Самарқанд сари жўнатиши керак эди. Улар шундай қилишди ҳам. Лекин душман ҳужумидан ваҳимага тушган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ фармонининг натижасини кутиб ўтирмай, хазинадаги бойликларини олиб,

50 минг нафар кишилик лашкари билан қочади. Жонидан, бола-чақасидан, мол-мулкидан кечиб жангга отланган минглаб кўнгиллилар қаерга боришларини, кимга қўшилишларини билмай, йўлларда сарсон-саргардон бўлиб қоладилар. Кўплари эса жамланган егуликлари тугагач, орқаларига қайтадилар. Бу хатоларни англаб етган Жалолиддин Мангуберди барчани ўз қўл остига тўплай олди ва кўп минг кишилик лашкарга эга бўлди. Бу билан жуда катта куч-қудратга эга бўлган Чингизхонга қарши тура олди ва босқинчиларга қақшатқич зарбалар берди.

У мўғулларни ваҳимага солар, қаттиқ қаршилик кўрсатар, бу ҳол бутун бошли душманни, жумладан, Чингизхонни ҳайратга солар эди. Жалолиддин Нисо яқинида кам сонли йигитлари билан 700 нафар кишилик мўғул қўшинини бутунлай тор-мор этади. Душманнинг бир неча аскарлари зўрға омон қолиб, Чингизхонга мағлубият хабарини етказади. Ана шу жангда, тарихчилар эътироф этганидек, мусулмон қиличи илк бор мўғуллар қонига бўялади. Шу ғалабадан сўнг Жалолиддин қўшинлари кун сайин кўпайиб, 30 минг кишига етади ва Ғазнага қараб юриш қилади. Ғазналиклар ҳам қўшилиб, сон жиҳатдан ошади. Қўшин орасидаги айрим низоларни бартараф қила олган Жалолиддин қўшинлари қисқа муддат ичида 100 минг кишига етади. Ҳужумга тайёрланаётган Жалолиддин қўшинлари 1221 йил ўрталарида Валиён қалъасини қамал қилаётган мўғулларга қарши ҳужумга ўтадилар. Уч кунлик жангда мингдан ортиқ мўғул қўшинлари ҳалок бўлади. Омон қолганлари, Панж дарёсидан зўрға ўтиб, Чингизхонга мағлубият хабарини етказадилар. Кўп ўтмай, душманнинг 45-50 минг нафар кишилик қўшини етиб келади ва Панжшер водийсида қаттиқ жанг бўлади. Бунда ҳам мўғуллар тор-мор қилинади. Бу ғалаба Жалолиддин лашкарини янада мустаҳкамлайди. Шундан сўнггина Чингизхоннинг ўзи уни йўқотишга киришади.

Ғалабалар сўнгида қўлга киритилган бойлик учун Жалолиддин лашкари орасида нифоқ пайдо бўлади. Баъзи бир лашкарбошилар ўз қўшинларини олиб, Жалолиддиндан айриладилар. Буни кутиб турган айёр Чингизхон уларга Ғазна яқинида зарба беради. Ажралган қўшинлар шу тариқа тор-мор этилади.

Чингизхон қўшинлари Мангуберди изидан тушиб, унга такрор-такрор ҳужум қилади. Жалолиддин ҳеч иккиланмай, тўсатдан мўғулларга ҳужум қилар ва уларни мағлуб этар эди. Ниҳоят Чингизхон янги ёрдам кучларини олгач, уни яна таъқиб этади, Синд дарёси соҳилида жуда катта жангга киради. Уч кунлик жанг давомида, яъни 1221 йил 24 ноябрда Жалолиддин қўшинлари Чингизхон отлиқ қўшинларига аёвсиз зарба беради. Аммо Чингизхоннинг пистирмадаги 10 минг нафар кишилик қўшини ҳужумга ўтади ва натижада Жалолиддин лашкари енгилди.

Арзимас бойлик учун Жалолиддин лашкарбошилари ўртасида келиб чиққан тортишувлар Чингизхон ғалабасини нақд қилиб қўяётган эди. Жумладан, лашкарбошилардан бири Тожиддин Муҳаммад ўзига яқин кишилар билан Чингизхон томонга қочиб ўтади ва Жалолиддин

Мангубердининг сўл қанот лашкарбошиси Амин Маликни йўқ қилиш билан унга кучли зарба бериш мумкинлигини хоинларча маълум қилади.

Чунки Амин Малик жасурлиги, душманга зарба беришдаги маҳорати, талвасага тушиб қолган жангчиларни руҳлантириб, ўз кетидан эргаштира олиш қобилияти билан саркардалар орасида ажралиб турар эди. Сўл қанотга қуюндай ёриб кирган мўғуллар Амин Маликнинг бошини танасидан жудо қилишади ва саркардаларидан айрилиб, талвасага тушиб қолган жангчиларни ҳеч бир қаршиликсиз мағлуб этишади.

Чингизхон навкарларига зудлик билан фармон беради: "Аҳвол қанчалик танг ва мушкул бўлишидан қатъий назар Султон Жалолиддин тирик ҳолда, зиён-заҳматсиз қўлга олинсин!" Султон Жалолиддин учун таваккал



қилишдан ўзга чора қолмайди. У саркардаларини уч бўлакка бўлиб, Темур Малик бошлиқ қўшинларни чапга - Синд дарёси орқали Ҳиротга, Оловуддин Муҳаммад Ибн Мавдуд бошлиқ қўшинларни ўннга -

Ҳиндистон томонга юборади. Ўзи эса озгина қўшин билан олдга - Синд дарёси бўйлаб Газна сари кетишни мўлжаллайди.

Таъқиб этиб келаётган Чингизхон навкарлари ўртасидаги масофа дақиқа сайин қисқариб борарди. Султон Жалолиддин отининг бошини шартга чапга буради ав тўдадан ажралиб, дарё қирғоғига туташ дара томон ўқдай учади. Чингизхон кўзларига ишонмайди: дарё билан дара ўртасидаги баландликни шошиб чамаларкан, юз қулочча келадиган бундай масофадан сакрашга журъат этган Султон Жалолиддин Мангубердининг иродасини тасаввурига сиғдиролмайди. Ортидан ҳайрат ва ҳавас билан термулиб, беихтиёр қўйидаги сўзларни айтади: "Тангри ҳар кимсага ҳам шундай ўғлон ато этсин! Қани энди менинг ўғилларим ҳам шундай бўлишса..."

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича Чингизхон даврида машҳур кишилар ҳақида каталог тузилган. Ана шу рўйхатда Ўрта Осиёдан Жалолиддин ҳақида унинг қадами етган Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Ҳинд ва Афғонистонда, Эронда, Шимолий Кавказу Гуржистонда кўплаб ривоятлар тўқилганки, бу унинг жуда катта жасорат эгаси бўлганлигидан далолат беради.

Зотан, халқимизнинг буюк фарзанди Жалолиддин Хоразмшоҳ нафақат ўз она-юрти, балки Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Афғонистон, Кичик Осиё ва Кавказ халқлари учун ҳам мисли кўрилмаган хизматлар қилган.

Тарихчиларнинг эътирофи этишича, Жалолиддин Мангуберди ҳаётлигида мўғул босқинчилари бу ҳудудларни босиб олиш у ёқда турсин, балки бу ерларга ҳужум қилиш ҳақида ҳам ўйлашдан чўчишган.

Жумладан, 1226 йил 9 мартда Жалолиддин Талисни ишғол қилиб, 1226 йил охиригача Озарбайжон ва бошқа жойларни ҳам қўлга киритган. 1227 йил бошида бу ҳудудларга ҳужум уюштирган мўғул босқинчиларига қарши қақшатқич зарбалар беради ва уларни тор-мор этади. Шундан кейин Жалолиддин Хоразмшоҳ мусулмон давлатларнинг мўғулларга қарши бирлашмасини тузишга кўп ҳаракат қилади, аммо унинг бу саъй-ҳаракатлари зое кетади. Чунки қўшни мусулмон давлатлар подшоҳлари Жалолиддинни тўғри тушунмайдилар, аксинча унга қарши жанг қиладилар.

1230 йил август ойининг бошида Жалолиддин Хоразмшоҳ қўшини билан иттифоқчилар лашкарлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлади. Бунда Жалолиддин армияси мағлуб бўлади. Натижада у қолган қўшинини Озарбайжон ҳудудига олиб ўтишга мажбур бўлади.

Хуллас, Жалолиддин Мангуберди 1231 йил ўрталаригача Эрон, Озарбайжон, Шарқий Арманистон, Ширвон ва Грузияда ҳукмронлик қилади ва ўзининг кучли давлатини тузишга эришади. 1231 йил 17 августда чодирда ухлаб ётган Жалолиддинга аламзада курд йигити найза санчиб, уни оғир ярадор қилади. Жалолиддин Мангуберди 1231 йил 20 августда 32 ёшида ҳаёт билан видолашади.

Ўзбекистон ҳукумати Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши курашида кўрсатган мислсиз жасорати, Ватанга ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини қадрлаш ва унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида "Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида" қарор қабул қилди (1998). Қарорга кўра, унинг юрти Хоразмда буюк қаҳрамонга маҳобатли ҳайкал ўрнатилиди, йирик кўча, майдон, корхоналар ва бошқаларга унинг табаррук номи қўйилди. Жалолиддин Мангуберди ҳақида видеофильм, дoston, пьеса ва бошқалар яратилди. "Жалолиддин Мангуберди ордени" таъсис этилди, (2000) йил 30 август).

Хуллас давиорак саркарда, буюк ватандошимиз, ўзбек халқнинг жасур ўғлони Жалолиддин Мангубердининг сиймоси мардлик ва жасорат тимсолига айланди.

### **Адабиётлар**

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти Тошкент, 2006 .

Жалолиддин Мангуберди (ўзбек, инглиз, рус тилида) Тошкент, 1999.

Жалолиддин Мангуберди. Ватан, юрт ҳимоячиси Тошкент, 1999.

Буниёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) Тошкент, 1998.

Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди улуг саркарда ҳаётига айрим қайдлар Тошкент, 1999.

Бўриев О.Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди даври саркардаси фаолияти манбалар Тошкент, 1999.

Тонарий О. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври Тошкент, 1999.



# YUKSAK

## DINIY E'TIQOD SOHIBI

Ҳазрат Соҳибқирон ўзининг 35 йиллик ижтимоий-сиёсий фаолияти даврида ислом динига, шариат аҳкомларига таяниб иш олиб борди. Диний ва ижтимоий тафаккурнинг давлат ишлари ва ижтимоий ҳаётида жуда муҳим ўрин тутишини яхши билган Буюк Бобокалонимиз бутун онгли умри давомида буларга тўла амал қилди.

Чунки, Соҳибқирон ёшлигидан ислом динига меҳр қўйиб ўсди, мадраса таълими, тоат-ибодат, Қуръони каримни ёд олиши-унинг қалбида Аллоҳ таолога, унинг динига, пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)га чексиз садоқатли бўлиш ҳисларини янада мустаҳкамлади. Амир Темур, дарҳақиқат беш вақт намозини қанда қилмаган, тақводор мусулмон бўлган.

Манбаларда буюк саркарданинг кўчма масжиди бўлганлиги ёзилган. Амир Темур ҳарбий юришлар даврида ҳам ана шу кўчма масжидда беш вақт намозни ўз вақтида ўқиб борган. Бу ҳам Соҳибқироннинг ислом ақидаларига садоқатини ифодаловчи далилдир.

"Исломга таалуқли ишларни мен ҳар доим дунёвий ишлардан устун қўйдим." - ёзади Амир Темур "Таржимаи ҳоли"да. - Аввал Тангри тоатини адо этиб бўлгандан кейингина кундалик ишларга қўл урдим." "Динга ҳар доим бирдек қарадим. Тангрининг амрини ва Пайғамбар ҳадисларида айтганларини тўла адо этишига интилдим. Барча қилмишларимда шариат йўсинларига буткул амал қилдим ва нопок ишлардан бутун вужудим билан ўзимни тийдим. Пайғамбарни ва унинг маслақдошларини энг яхши дўстларим деб билдим. Мен ислом байроғини баралла кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим".

Амир Темур ўз жангчиларини ҳам ислом ғоялари руҳида тарбиялади, Улардан Қуръон талабларига қатъий риоя қилишни талаб қилди.

Амир Темур даврида, Мовароуннаҳрга ислом дини кириб келганидан беш-олти аср ўтган бўлса ҳам, баъзи жойларда, бут-санамларга сизгинувчи брахманлар, яъни бутпарастлик динидагилар бўлган экан. "Мен, - дейди Соҳибқирон, - маҳаллий аҳоли орасидаги тимсолларга сажда қилувчи бутпарастларни учратсам, уларнинг бутхоналарини таг-туғи билан вайрон қилиб, Расулуллоҳнинг дину исломини тарқатдим."

Тўкал Баҳодир туркий - мўғул амалдорларидан бўлса ҳам бутларга сизгинган. Унинг қатта бутхонаси бўлган. Темур бутхонани буздириб, Тўкал Баҳодирни ислом динига киритади ва кейинчалик ўзининг содиқ амирларидан бирига айлантиради.

Соҳибқирон 1398-1399 йилларда Ҳиндистонда олиб борган

мухорибаларида йўлида учраган барча бут-санамларга сифиниладиган ибодатхоналарни бузиб ташлашга фармон беради.

Маълумки, Амир Темур Шамсиддин Кулол, Саййид Барака, Зайниддин Тойбодий каби шайхларни ўз диний устози, пири деб ҳисоблаган. Уларнинг ҳаммаси нақшбандия тариқатининг вакиллари эдилар.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, Амир Темур ёшлик давридаёқ Нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бири, бу тариқатни такомилга етказган Шайх Баҳоуддин Нақшбандни билган, унинг бу таълимот асосларидан хабардор бўлган. Бу тариқат инсоннинг Аллоҳ ризолигига мукамал ахлоқ, поклик йўли билан эришиш мумкинлигини тарғиб қилади. Бинобарин, нақшбандия тариқати бу йўлга кирганларни қалбда Аллоҳни жо қилиб, меҳнат қилишга, фойдали, хайрли ишлар билан шуғулланишга даъват этган.

Амир Темурнинг пиру муршидлари бу тариқатнинг Соҳибқироннинг қалбида ва амалий фаолиятида мустақкам ўрин олишга ижобий таъсир ўтказгани табиийдир.

Ҳазрат Соҳибқирон "Таржимаи ҳол" ва "Тузуқлар"ида ислом дини, Қуръони карим, ҳадиси Шарифга, диний арбобларга муносабатини тўлиқ баён этган. Буюк бобокалонимиз ўн икки нарсани ўзига шиор қилиб олиб, шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этган, салтанатини бошқарган ва салтанат тахтига зебу зийнат берган. "Биринчиси, – деб ёзади "Тузуқлар"да, – давлат ва салтанатимга боғлаган биринчи тузугим – Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим". Соҳибқирон сайидлар, уламою машоих, оқилу донолар, мухаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйилганлигини таъкидлайди.

Амир Темур, давлат агар дину ойин асосида қурилмаса, тузукка боғланмаса, бундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳазрат Соҳибқирон ўз салтанатини дини ислом, тўра-тузук асосида мустақкамлаган. "Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта-кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад) нинг тўғри йўларини тарғиб қилдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим."

Ҳазрат Соҳибқирон ислом динини равнақ топтириш учун сайидлар орасидан аҳли исломга садр этиб тайинлашни жорий этди. Мутаваллий, муфтий, мухтасиб тайинлашни ҳам садрга топширди.

Шунингдек сайидлар, уламо, шайхлар ва диний арбобларга суюрғол белгилаш унинг вазифасига таалуқли бўлди. Соҳибқирон лашкарлари учун махсус қозий, раият учун алоҳида қозий тайинлашни ҳам жорий қилди. Шунингдек Амир Темур даврида унинг тасарруфидаги ҳар мамлакатда мусулмонларни гуноҳ ишларидан қайтариб, савоб ишларга даъват қилувчи

Шайхул ислом лавозими ҳам бор эди.

Буюк бобокалонимиз ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни буюради. Мусулмонларга диний масалаларда таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: Қуръон тафсири, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олим ва мударрислар тайин қилади. Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётгани ҳақида ўзига хабар-ахборот бериб туришни буюради.

Шу тариқа буюк Темур ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларга ёйди. Шу боис ислом олимлари Амир Темурни дини исломни жаҳон халқларига тарқатувчи, унга ривож берувчи улуғ киши, яъни Қутбиддин деган ном беришади. Ислом дини тарихида бундай унвонга Соҳибқирон билан бирга фақат саккиз киши сазовор бўлган.

Амир Темур "Тузуқлар"нинг "Мамлакатларни забт этиш тузуғи"да шундай дейди: "Қайси бир мамлакатда шариат заифлашган бўлса, Аллоҳ улуғ қилган нарсаларни хор тутсалар ва худонинг хос бандаларини ранжитсалар, чинакам жаҳонгир султон, ҳазрати Муҳаммад, саллоллоҳу алайҳи вассалам, дин ва шариатига ривож бериш учун ўша мамлакатга кирсин. Худонинг расули унга мададу иноят кўрсатгай". Соҳибқирон бунга Ҳиндистонга юришини мисол қилиб кўрсатади. Амир Темур бу мамлакатни фатҳ этиб, Маҳмуд, Маллухон ва Сорангни ҳукмдорликдан маҳрум этади. Бутхоналарни бузиб, дину шариатни тарқатади. Ироқ ва Форс вилоятларини малъун динсизлардан тозалади. Шом вилоятига кириб, бузуқ эътиқодли кишиларни жазолади. Халққа кўп жабр-зулм ўтказган Хуросон вилоятини карт султонларидан ажратиб олди, Хуросон пойтахти Ҳиротга кириб, Султон Гиёссиддинни бутун мамлақату хазина-дафиналаридан маҳрум қилди.

Соҳибқирон Ҳиндистон юришидан қайтганч, кўп ўтмай, унга Ироқ ҳокимларидан арзнома тушиб, унда Гуржистон кофирлари ҳаддидан ошиб, чегарани бузгани ҳақида хабар берилган эди. "Мен ҳамиша,- дейди Соҳибқирон "Тузуқлари" да, - подшолар учун кофирларга қарши газоват уруши қилишдан, мамлакатларни забт этишдан ва жаҳонгирликдан яхшироқ иш йўқ, деган фикрда эдим. Гуржистон кофирларининг тугён кўтаргани ҳақидаги хабар келиши биланоқ кенгаш ўтказиб, "ўша диёрдаги бошқа бузуқ одамларнинг ҳам бош кўтаришига йўл очилмасин"деб зудлик билан уларни дафъ қилишга тутиндим."

Умуман, Амир Темур Гуржистонга қарши беш марта юришган қилган. 1404 йил декабрида, ниҳоят мамлакат подшоҳи Георгий VII Соҳибқирон билан сулҳ тузган.

Амир соҳибқирон ҳар жанг олдидан намоз ўқиб, Парвардигорига унга зафар беришини сўраб илтижо қилади.

Маълумки, 1402 йил 20 июлда Амир Темур билан Туркия султони Йилдирим Боязид ўртасида жанг бўлиб, у урушлар тарихида энг катта жанглардан бири деб баҳоланган. Шарофуддин Али Яздий "Зафарнома" асарида буюк саркарда Амир Темурнинг ана шу улуғ жангга ўзини руҳий

жиҳатдан қандай тайёрлаганини шундай тасвирлайди: "Соҳибқирон кеча бўлғонида хилватхонага кириб, Ҳазрат Жабборга ниёз ва тазарруъ била юзини туфроққа қўйиб, нусрат тилаб деди: "Бор худоё, бу муддатдаким, менга фатҳ ва нусрат рўзи бўлди, барча сенинг карамингдан эрди. Йўқса эрса, мандин не келгай? Умидим борким, чун доим лутфу карамингни мандин кам қилмагайсен. Ҳоло ҳам ўшул умидим сендин бор." Ушбу ниёз била кеча тонг отқунча тазарруъ ва зори қилди."

Шарафуддин Али Яздий Соҳибқироннинг Боязид қўшинлари билан жанг арафасидаги ҳатти-ҳаракатини ўз асарида шундай баён этади: "Икки соридин чериклар саф тортиб турдилар. Соҳибқирон ул маҳалда отидин тушуб, ниёз юзини Парвардигор сори қилиб икки ракъат намоз фатҳ ва нусрат учун ўқуди. Ва ҳар доимким, мундоқ уруш воқеъо бўлса эрди, ҳазрат Соҳибқирон ул намозни ўқир эрди. Бу жиҳатдин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анга нусрат ва фатҳ каромат қилур. Бу ерда ҳам икки ракъат намозини ўқуб, сидду ихлос била отланиб, майдон сори келиб гулда турди." Аллоҳ таоло Соҳибқиронга зафар берган бу жанг турк кўшинларининг мағлубияти ва Йилдирим Боязиднинг асир олиниси билан якунланди.

Ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасида сақланаётган халифа Усмоннинг "Қуръони", унинг Темурийлар Давлат музейидаги нусхасинининг юртимизга келиши тарихи ҳам Амир Темур номи билан боғлиқ дейишади. Буюк саркарда Боязид қўшинларини мағлуб этиб, Румни қўлга киритгач, мамлакат пойтахти Бурсага Муҳаммад Султонни жўнатади. Бурсада сақланаётган бойликлар тасарруф қилиниб, Амир соҳибқирон ихтиёрига топширилади. "Бурсада қўлга олинган хазиналар орасида, – деб ёзади ёзувчи ва журналист Ҳаким Сатгорий "Ҳазрат Соҳибқирон" асарида, – муқаддас диний ёдгорлик – муқоваси оҳу терисидан ишланган, халифа Умарнинг ўзи мутолаа қилган Қуръони карим нусхаси борлигини академик Р.Раҳмоналиев қайд қилиб ўтади. Ҳақиқатдан, ҳозир муборак юртимизда Қуръоннинг нодир нусхаси мавжуд ва унинг диёримизга келиб қолиши ҳақида турли фаразлар билдирилган.

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин Қуръонни ёзиб олиб китоб ҳолига келтиришга киришилди. Бу юмуш халифа Абубакр Сиддиқ (632–34) даврида бошланиб, халифа Усмон (644–56) ҳуқимдорлиги даврида поёнига етказилди. Ушанда муқаддас китобдан 6 нусха тайёрланган экан. Ҳозир уларнинг иккитаси Мадина ва Маккада, иккитаси Миср ва Туркиядадир. Бир нусхаси Мадина масжидига ўт кетганида куйган экан. Олгинчи нусхаси эса Тошкентда. Мамлуклардан чиққан Миср султони Бейбарс (1277 йилда вафот этган) Дашти Қипчоқ хони Беркахонга (1209–66) дўстлик, қариндошлик рамзи сифатида тақдим этган экан".

"Самария" асарининг муаллифи Абу Тохирхожа (асар 1844–1848 йиллар оралигида ёзилган) ҳам ушбу китобида халифа Усмон "Қуръони" ҳақида маълумот берган: "Самарқандда халифа Усмоннинг Қуръони бор... ушбу Қуръонни Амир Темур келтуруб ўз даҳмасида қўйган эди. Вилоятнинг

бузукчилик чоғида ул ердан олинб Хожа Носируддин Аҳрор мадрасасида (Мадрасайи сафедда) қўйилди."

Халифа Усмон "Қуръонининг" кейинги тақдири қандай бўлди? 1868 йилда Самарқанд Россия томонидан истило қилинган, генерал-губернатор Кауфманнинг бўйруғи билан кўпгина нодир китоблар қаторида бу муқаддас китоб ҳам Петербургга жўнатилди. Ҳокимият шўролар қўлига ўтган, халифа Усмон "Қуръони" Уфа шаҳрида узоқ вақт сақланди. Юртимиз мусулмонларининг қатъий талаби боис шўро ҳукумати уни яна Ўзбекистонга қайтаришга мажбур бўлди.

Юксак иймон эътиқодли комил инсон, ислом дини ривожини йўлида хизмат қилган Амир Темур ҳазратлари динимизнинг беш рунларидан бири-ҳажга борганми? Атоқли тарихчи профессор Убайдулла Уватов бу масала Миср тарихчиси Жамолуддин Абу-л-Маҳсин Юсуф ибн Тағриберди (1411-1469) нинг ўн олти жилдлик "Ан-Нужум аз-Зоҳира фи мулки Миср ва-л-Қоҳира" ("Миср ва Қоҳира салтанати ҳақида порлоқ юлдузлар") асарининг иккинчи жилдида баён этилганлигини таъкидлайди. Мисрлик муаррихнинг ёзишича, чамаси 1404 йили Амир Темур ҳазратлари ҳаж ибодатини адо этишга боришини ихтиёр этган. Ҳазратнинг Маккаи Мукаррамага бориши ҳақида хабар келиши билан, муқаддас шаҳар амири уни кутиб олишга тайёргарлик кўрган. Аммо, номаълум сабабларга кўра Амир Темур бу ниятини амалга ошира олмаган.

Аммо Самарқандлик тарихчи олимлар Аҳтам Ўролов ва Муродхон Ҳожихонов бошқача фикрда. Уларнинг "Темурийлар маънавияти ва маданияти" китобидан қўйидаги иқтибосни келтирамиз: "Хўш, Амир Темурнинг иймони исломий эътиқод билан суғорилган экан, у Кичик Осиёдаги "етти йиллик" юришлари натижасида имкониятдан фойдаланиб пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом буюрган муқаддас фарз - Каъба зиёратини бажо келтирдими?". Биз бу ҳақда бирон-бир ишончли маълумот учратмадик. Аммо ишончимиз комилки, ҳазрат Соҳибқирон ўша даврларда ҳаж фарзини адо этган бўлишлари керак. Чунки дини исломда "Қутбиддин" деган ном олган бундай улуг зотнинг ҳаж фарзини бажо этишлиги табиий бир ҳолдир. Тарихий манбаларда Амир Темурдек буюк мусулмон султонларининг ҳаж сафарини адо этганликлари камдан-кам ёзилган. Фикримизга, солномачилар оддий мусулмон фуқаросининг бажариши зарур бўлган бундай фарзни буюк шоҳларга нисбатлаб қайд этишни ўзларига эп кўрмаганлар.

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Гофуровнинг таъкидлашича, "Темурнинг ишларида сирли нуқталар беҳад кўп. Шом ва Румни эгаллаб, лекин Байтулмуқаддас ва Мисрга бормагани менга шундай сирлардан бири бўлиб туюлади...

Бу каби саволларга жавоб топиш эндиликда жуда қийин. Тўғри жавоб топиш учун даҳонинг фикр йўлларини билмак ва уларнинг барча чигал мавзеларидан бирма-бир ўтмак керак".



# AMIR TEMUR KITOVNI SEVAR EDI

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг тарбиясига, айниқса, уларнинг комил инсон сифатида шаклланишларига ҳар томонлама жиддий эътибор берилмоқда. Келажагимизнинг эгалари бўлмиш ёшларнинг бой тарихимизни ўрганишлари, улуғ аждодларимизнинг чин инсонийлик хислатларидан баҳрманд бўлишлари эртага ужда қўл келиши мумкин. Шунини ҳисобга олиб, биз журналимизда янги саҳифа очдик. Ёзувчи Тўлқин Ҳайит эса содда тилда, ёшингизда мос равишда қуйидаги илк мақолани ёзиб берди. Ўйлаймизки, ушбу мақола синфдан ташқари ўқиш учун сизга яхши совға бўлади, деб йўлаймиз.

**"Билаги зўр бир йиқар, билими зўр - мингни"  
Амир Темур**

**Чиндан ҳам шундай, азиз ёш дўстларим!**

Соҳибқирон Амир Темур китобни инсониятга берилган буюк неъматлардан бири, деб билар ва илм аҳлини, китоб ўқиган одамни жуда эъзозлар эди, олимлар билан эса тахтдан тушиб, узоқ ва кўп суҳбат қураб эди.

Демак бугун Сиз билан Амир Темур ва унинг китобга бўлган меҳри ҳақида қисқа бўса-да, бир оз суҳбатлашамиз, сабаби, бу журнал орқали Сизлар билан Соҳибқирон Амир Темур бобонгиз ҳаёт йўли тўғрисида жуда кўп гаплашганмиз, инчунун, такрордан кўра, бугун айнан китоб ҳақида суҳбат қурсак, сизга ҳам, бизга ҳам фойда бўлади, деб ўйлайман.

Аввало шуни билингки, Темурбек чўлда ёки тоғу тош ичида эмас, илм гуркираб ривожланган юртда, маърифатли эл орасида ўлғайган.

Элимизнинг улуғлиги ҳақида бир мисол:

XI асрда юртимизга келган араб алломаси Абулқосим ибн Ҳавқал бундай деб ёзган:

"Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги даражаси жуда юксакдир, улар ўзларини худди бир ҳовли-боғда яшаётгондай тутурлар. Қай бири бошқаси хонадонига ташриф буюрса, ўзини худди ўз уйига киргандай ҳис этур. Бағоят меҳмондўстдурлар, тунда келадургон меҳмондан асло хижолат чекмайдурлар. Меҳмонни

танимасалар-да, ҳеч бир тўлов-мукофот тиламай, меҳмоннавозлик айлаюрлар...".

Ана шундай буюк халқ орасидан етишиб чиққан Темурбек ёшлиқдан чавандозлик, қиличбозлик, сувда сузиш, кураш тушиш машқлари билан танасини чиниқтирган бўлса, илм билан ўзини зийнатлади ва у ҳеч қачон уч маротаба қўл ювмасдан туриб, китобни ушламас эди. **«Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир», деган эди у.**

Кўп китоб ўқигани ва устозларининг илмидан баҳраманд бўлгани учун ҳам у доно бола сифатида ўлғайди. Етти ёшида қариндошини қойил қилгани ҳақида эшитгансиз. Бу воқеа қандай содир бўлган ва у тўғрида қайси тарихчи ёзиб қолдирган?! Бир эшитиб кўринг-а!

Дейдиларки, Соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига борди. Ул киши бадавлат, нуфузли зот бўлиб, фаровонлик билан кун кечирарди. Унинг 70 нафар турк ва ҳинд хизматкорлари бор эдиким, бой-бадавлитлигини шундан ҳам билса бўларди.

Бой қариндош Темурбекнинг отасига шикоят қилди:

-Худо менга молу давлат берди, лекин уни сақлашга жуда ожизман. Қулларимиз сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим эса салоҳиятсиздирлар. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса, деб қўрқаман.

Муҳаммад Тарағай ўйланиб қолди, етти ёшли Темурбек эса:

-Падари бузруквор, ижозат беринг, мен ҳам бу борада фикримни айтсам! - дея қўл қовуштирди ва отасидан рухсат олгач, қариндошига қараб: - Ҳурматли амаки, фарзандларингизга молларингиздан бўлиб беринг ва уларни ўз молу мулкига қаттиқ боғлаб қўйингким, ўз-ўзлари билан овора бўлсинлар. Ҳинд қулларни турк қулларга бўйсиндиринг. Сўнгра ҳар уч қулни уларнинг орасидаги ақллироқ қулга бириктириб қўйинг. Кейин уларнинг ҳар бирини еттидан қулнинг амири қилинг. Етмиш қулга бош бўлган ана шу етти қулни бир-бирларига таъзим ва ҳурматда бўлишларини таъминланг. Уларни зинҳор кўздан қочирманг, токи бир-бирлари билан узоқ гийбат қилиб қолишмасин!" - деди худди катта одамлардек.

Бой қариндош муҳаммад Тарағайга ҳайрат билан боқди ва:

-Бу фарзандинг жаҳонга подшо бўлади, чунки етти ёшида шундай фикрладими, ундан кўп нарса кутиш мумкин, - деди ва шу заҳоти қалам, қоғоз олиб келиб, Темурбекдан хат ёздириб олдики, давлат қуши бошига қўнгач, унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олмасин, уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар, қавми тархон қилинсин".

**Давлатшоҳ Самарқандий деган тарихчи олим ўзининг "Тазкират уш-шуаро" асарида: "Ул қавм то шу замонгача Туркистон диёрида тархондирлар", деб ёзган,** яъни аниқроқ айтадиган бўлсак, орадан йиллар ўтиб, 1370 йилда Амир Темур бобонгиз Турон давлати тахтига ўтиргач, ўша қариндоши авлодларига чиндан ҳам "тархонлик унвони"ни, яъни имтиёзли унвонни берган. Бизнинг бир сўзли шундай Соҳибқирон бобомиз

бор экан, биринчи галда у энг катта эътиборга, иккинчи галда, у зотнинг бу хислатидан ўрнак олсак, ўзимизга фойда эмасми?!

**Ёш дўстларим**, тарихни ўрганиш деган ана шу, яъни биз тарихий воқеаларнинг энг яхшиларидан сабоқ оламиз, ёмонларидан нафратланамиз ва салбий хислатлардан узоқ бўламиз. Лекин тарих кўчадаги миш-мишларга асосланмайди, аксинча, аниқ манбаларга суянади. Келинг, Сиз билан биз ҳам ана шунга амал қилган ҳолда яна бир тарихчининг сўзларига қулоқ тутайлик.

**Покистонлик тарихчи олим Аҳмад Ҳасан Домийнинг «Timur Legasu» («Темур мероси») китобида шундай ёзган.:**

*«Амир Темур замонида ҳатто урушлар давом этаётган даврларда ҳам адабиёт тўсқинликларга учрамаган Адабиётга бўлган ўта иштиёқ ва содиқлик. Ёзувчи ва шоирлар ижодига ҳомийлик қилиш одат тусига кирган эди».*

Шу боис ҳам, ўша замонларда адабиёт гуркираб ривожланган эди.

Китобда Амир Темурнинг ҳомийлигида кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг ижод этгани қайд этилиб, мисол тариқасида улардан ўн нафарининг исми-шарифи санаб ўтилган: булардан шерозлик Шамсидин Муҳаммад Нафис, хўжандлик Камолиддин ибн Масъуд ва Убайд Законий, Имомиддин Фақиҳ, Жамолиддин Муҳаммад Салмон ибн Олоуддин Муҳаммад, Фахриддин Маҳмуд ибн Амир Яминиддин Турғатлардир.

*Қуйидаги воқеа ҳам жуда машҳур ва у жаҳон темуршунос адиблари ва олимларининг жуда кўп асарларида нақш этилган. Биз ҳам уни сизларга ҳавола этмоқдамиз: билмаганлар ўқиб офарин, десинлар, билганлар яна такрор кўз югуртирсинлар, илмнинг такрори ҳамиша фойдадир.*

Темурбекнинг 14 ёшида Кеш шаҳридаги Абдулла Қутб мадрасасида таҳсил ола бошлагани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ана шу ерда у бошқа машҳур асарлар каби **озарбайжонлик шоир Маҳмуд Шабустарийнинг "Гулшани роз" ("Сирлар гулшани")** китобини ҳам ёд олган эди.

Орадан йиллар ўтиб, Турон султони Амир Темур Озарбойжондан ўтаётганда, Шабустар деган қишлоқ диққатини тортади. Унинг буйруғига кўра, қишлоқ ҳақида суриштириб кўрганларида, бу ҳақиқатан ҳам шоир Маҳмуд Шабустарийнинг шу ерда яшаганлиги аниқланади ва шоирининг қabri ҳам шу ерда эканлиги маълум бўлади.

Амир Темур гарчи вақти тигиз бўлса-да, шоир хотираси ҳурмати учун унинг қаровсиз қабрини бориб кўради ва Қуръон тиловат қилади ҳамда махсус фармон бериб, у ерда мўъжаз мақбара қурдириб, атроф ерларни вақт тариқасида беради. Қишлоқда истиқомат қилаётган 3891 нафар кишига 5 мисқолдан олтин улашади. Бир мисқол олтиннинг 5 граммга тўғри келишини ҳисоблаб чиқсак, бу умумий ҳисобда 19455 грамм, яъни қарийб 20 кило олтин демақдир. Тарихда биргина китоб учун битта шоирга шунча мурувват кўрсатган бундай олижаноб ҳукмдорни бошқа учратмайсиз.

*ЭНДИ ЁШ ДЎСТАРИМ, шундай улуг зотнинг фарзандлари, неварачеваралари қандай бўлишган? Бу тўғрида ҳам биргина мисол:*



Саид Имом Хубоизий фозил ва хуштаъб киши эди. У мана буларни ҳикоя қилади:

Мирзо Улуғбекнинг мажлисларидан бирида Фирдавсийнинг "Шоҳнома" ўқилди. Мовароуннаҳрлик бир одам "Шоҳнома"ни мирзо, унинг яқинлари ва маҳрамларига ёқмайдиган бир оҳангда ўқиди. Мирзо менга мурожаат қилиб: "Ушбу сўз аслида қаердан келиб чиққан?" деб сўрадилар. "Хуросондан чиққан", деб жавоб бердим. Бояги мовароуннаҳрликлар: "Ҳа, хуросонликлар ўз мажлисларида шундай талаффуз қиладилар", деди.

Мен сўзимда давом этиб: "Хуросонда бирон шеърни ёки бошқа нарсани ўқиганларида бузиб ўқийдилар, масалан, "Зафар аскан" (Зафар маскани) сўзини "зафарбоз" (зафар ўйини) деб ўқийдилар", дедим.

Мирзо жавобимдан мамнун бўлдилар ва каминага хос чопонларидан инъом қилиб: "Минбаъд менинг ҳузуримда "Шоҳнома" бунақа бузиб ўқилмасин!" - дедилар".

Хуш, Соҳибқирон Амир Темур ҳамда у зотнинг авлодлари шундай улуғ инсонлар ўтган экан, чет эллик тенгдошларингиз улар ҳақида қандай фикрдалар?

Бу ўринда Россияда нашр этилаётган "Наука и жизнь" журнали Самара вилояти Кўши қишлоғи истиқомат қилаётган 9-синф ўқувчиси С.Арнольдovнинг "Бир муҳраба сир" мақоласи учун йиллик мукофот

соҳиби сифатида тақдирлаганини ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин. Ўйлаймизки, Сизлар ҳам улуг боболаримиз ҳақида ана шундай ўтли мақолалар ёзиб, биз катталарни қойил қиласиз.

Ана энди, илм-фан ҳомийси, китоб шайдоси бўлган Амир Темур бобонгиз даврида юртимиз қай даражада гуллаб-яшнаган?

Бу ҳақда Соҳибқирон бобонгиз яхши кўрган тарихчи Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" китобидан ўқиймиз:

*"Асрлар мобайнида ҳали бирор талабгорнинг ақду никоҳига кирмаган икки буй етган гўзалдек бўлмиш Эрону Турон мамлакатларини (Амир Соҳибирон) адолатли сиёсат юритиш орқали шундай бошқармоқдаки, у ерларнинг сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача ( Ҳиндистон ярим ороли шимоли-ғарбида жойлашган бандаргоҳ), Боб-ул-абвобдан ("Дарвозалар дарвозаси", яъни Кавказ тизмасининг шарқий қисмида Дари ал-дарасида жойлашган қалъа) то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамиға ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидир".*

Сизга вазифа:

**Бу мақоладан қандай таассурот олдингиз?**

**Алишер Навоий бобонгизнинг қуйидаги сўзларини қандай изоҳлайсиз?**

**"Темур Кўрагон - агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқибдурларким, анингдек, бир байт ўқигони минг яхши байт айтқонича бор".**





## SHARAFUDDIN ALI YAZDIYNING YOZMA MEROSIDAN

Амир Темур ҳукмронлиги даври илм фаннинг турли соҳалари – маданият ва санъатнинг гуллаб-яшнаши билан изоҳланади. Соҳибқирон асос солган кучли марказлашган салтанат нафақат иқтисодий жиҳатдан равнақ топди, балки, маданий-маънавий юксалди. Темурийларнинг илм-фан, санъат ва маданиятга бўлган ихлосмандлиги, илм-фан, санъат аҳлига хомийлик қилиб саройларида тўплаши ўзаро урушлар бўлиб туришига қарамай мамлакатда бу соҳанинг янада ривож топишига замин яратди.

Иброҳим Султон (1394,14 август – 1435), Мирзо Шоҳруҳнинг иккинчи ўғли. Мирзо Шоҳруҳ салтанатга келгач, дастлаб Балх ва Тўхористонни (1409–1415) идора этишни Қобул ва Бадахшон чегарасигача унга топширган, сўнгра Эрондаги Форс вилоятининг ҳоқими (1414–1435) этиб тайинлаган. Иброҳим Султон юксак маънавият соҳиби бўлиб, илм-фанга, санъатга ҳомийлик қилган, ободончиликни ривожлантирган. Соҳибқирон салтанати тарихига оид энг мукамал асар Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари Иброҳим Султоннинг топшириги ва бевосита таҳририда ёзилган. У шоир, адиб ва моҳир хаттот сифатида ҳам танилганди; ўша пайтда араб ёзуви имлосида мавжуд асосий олтига хат услубининг барчасини эгаллаганди. У ўзининг хаттотлик маҳоратини Қуръони каримдан нусхалар, турли китоблар, астрономик жадваллар (зижлар) кабиларни кўчиришда намойиш этганини Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"да таъкидлаб ўтади. Иброҳим Султон хати билан битилган масжид ва мадрасалар пештоқларидаги ва бошқа ёдгорликларидаги ёзувлардан бир қисми бизнинг замонимизгача етиб келган.

Шарафуддин Али Яздий ҳам ана шу даврда яшаб ижод қилди. Эроннинг Язд шаҳрига қарашли Тафт мавзеида XV асрнинг охириги чорагида таввалуд топган бўлиб, у темурийлар саройида яшаб ижод этган йирик муаррихи ва олими эди.

У Шерозда, Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Иброҳим султон саройида хизматда бўлиб, фаннинг турли соҳаларида ижод қилиб адабиёт, тил қоидалари, шеърият назарияси, илми нужум, фалсафа, тасаввуф ва мусиқанинг назарий масалаларига бағишланган кўплар асарлар ёзди. Унинг "Шараф" тахаллуси билан ёзган шеърий девони ҳам бўлгани маълум.

1435 йилда Иброҳим султоннинг вафоти у асос солган Шероздаги маънавий ҳаётни издан чиқарди. Натижада, бошқа олимлар сингари Али Яздий ҳам илмий ижод учун ҳомий излаб, Шерозни тарк этишга мажбур бўлган. Кўп ўтмай, Шоҳруҳ Мирзонинг набираси Муҳаммад султон таклифини қабул қилиб, унинг хизматида киради ва бу ерда ҳам ижод

билан машғул бўлади. 1447 Шоҳруҳ мирзо вафот этгач, Шарафуддин Али Яздий она шаҳри Тафтга қайтиб, умрининг охиригача бир хонақоҳда шайхлик қилиб умргузаронлик қилган ва 1454 йилда вафот этган.

Али Яздийдан қолган илмий-адабий мерос адабиёт ва тилшунослик, шеърят назарияси, астрономия, фалсафа, тарих, мусиқа каби бир қатор фан йўналишларини ўзида жамлаган. Бутунги кунгача тадқиқотчилар томонидан олимнинг қуйидаги асарлари қайд қилинган.

1. "Ҳулал-и мутарраз дар муаммо ва луғат" (Муаммолар ва топишмоқлар борасида безакли жома). Асосан адабиётнинг муаммо ва топишмоқ жанрига бағишланган асар.

2. "Мунтахиб-и Ҳулал". Ушбу асар гарчи, бошқа ном билан аталган бўлса-да, юқорида тилга олинган рисоланинг қисқартирилган баёнидан иборат.

3. "Мавотин ё манозир дар муаммо" (Муаммо фанида турар жой ва манзаралар). Ушбу асар ҳам муаммо санъати мавзусига бағишланган.

4. "Кунҳ уз-зод дар илм-и вақф-и аъдод" (Ададлар мувофиқлиги илмида ҳақиқат чўққиси). Ҳисоб илмига бағишланган асар.

5. "Ал-китоб фи илм-и устурлоб" (Устурлоб илми бўйича китоб). Илми нужум яъни, астрономияга бағишланган асар бўлиб унда асосан устурлоб асбобидан фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида.

6. "Девон-и Шараф Яздий" (Шараф Яздийнинг шеърлар девони). Асарда Шарафиддин Али Яздийнинг шеърлари девон тартибида жамланган.

7. "Ҳақойиқ ат-таҳлил" ("Ҳақиқатлар таҳлили", яъни "Ла илаҳа илла-ллоҳ"нинг шарҳи). Мазкур рисола тилга олинган калиманинг мазмунини шарҳлашга қаратилган.

8. "Шарҳ-и "Қасида-и бурда" ("Қасида-и бурда" шарҳи). Рисола Муҳаммад ибн Саид ал-Бусурийнинг "Қасидаи ал-Бурда" номли машҳур қасида асарига ёзилган шарҳдан иборат бўлиб, мазмунан ислом ақидалари ва диний ҳикоятлар акс этган.

9. "Шарҳ-и "Асамо-и Аллоҳ" ("Аллоҳ исмлари"нинг шарҳи). Олимнинг ўзидан олдинги ва замондош уламолар сингари Аллоҳнинг гўзал исмлари сифатларига бағишланган асари.

10. "Тухфат ул-фақир ва ҳадят ул-хақир" (Фақирнинг туҳфасию хақирнинг ҳадяси).

11. "Муншаот" (Хатлар тўплами). Замондошлари мактублари намуналаридан тузилган мажмуа.

12. Махсус номи бўлмаган, аммо Амир Темур тарихи шеърый баён этилган асар.

13. "Зафарнома" - Амир Темур тарихи.

Кўриниб турибдики, Шарафуддин Али Яздийнинг катта истеъдод соҳиби эканлиги ва унга Амир Темур тарихини ёзишдек масъулиятли вазифанинг топширилиши бежиз эмас эди. Ҳатто, Алишер Навоий Шарафиддин Али Яздийнинг илмий салоҳиятини юқори баҳолаб "Шараф уд-давлат вад-дин"

деб улуғлаган эди<sup>1</sup>.

Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари шубҳасиз, унинг номини дунёга машҳур қилди.

"Зафарнома" тарихий манба бўлганлиги сабабли унинг тарихий-илмий аҳамияти Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, қолаверса тарихшунослик нуқтаи назаридан қимматлидир.

Асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида сўз кетар экан шуни таъкидлаш лозимки, Иброҳим султон бошқа темурий шаҳзодалар сингари ўтмишда ўтган буюк ҳукмдорлар фаолиятига хусусан, бобоси Соҳибқироннинг зафарли юришлари воқеаларига қизиққан. Шу билан бирга тарихий воқеаларда аниқлик ва ҳақиқат ёритилишини талаб қилган. Шу сабабли ҳам ўз саройида истеъдодли муаррихларни ҳам йиғиб, улардан Амир Темур тарихи ҳақида мукамал бир асар ёзиш ташаббуси билан чиққан.

Ўз даврида муаррих сифатида танилиб улгурган Шарафиддин Али Яздийнинг саройга жалб қилиниши ва ушбу ишни унга топширилиши ҳам бежиз эмас эди. Албатта, Иброҳим султон муаррихга ишни амалга оширишда жуда талабчан бўлган.

"Зафарнома" асари ўз даври манбаларида "Фатҳнома-и соҳибқирон", "Тарих-и жаҳонкушойи Темурий" каби номлар билан ҳам тилга олинади.

Баъзи тадқиқотчилар Шарафуддин Али Яздий ўз асарини Шомийнинг "Зафарнома" асари асосида, ундан четга чиқмай ёзганлигини ҳам таъкидлаб ўтганлар<sup>2</sup>. Бироқ, Яздий "Зафарнома"си том мазмун ва услуб жиҳатдан Шомий асаридан мустақил, алоҳида ва мукамал ишланган тарихий асар эканлигини таъкидлаш мумкин.

"Зафарнома" асари тузилиши жиҳатидан икки қисмга: Амир Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи "Муқаддима" ва бевосита Соҳибқирон даври тарихини ёритувчи асосий қисмга бўлинади. Ҳар бир қисм учун алоҳида-алоҳида ёзилган, кўп жиҳатдан муштаракликка эга бўлган сўз бошиларида муаллиф мазкур қисмларнинг ёзилиши тарихини айтиб ўтган. Бу ҳар икки қисм ҳам Шоҳруҳ мирзонинг ўғли Иброҳим султоннинг ташаббуси билан ёзилди, деб кўрсатилади<sup>3</sup>.

Муаллифнинг таъкидлашича, Иброҳим султон ўз бобоси Амир Темур ҳақида махсус китоб ёздиришни ният қилган ва 822/1419-1420 йилда ўз вақтида баҳши ва муншийлар томонидан Амир Темур ҳақида туркий, форсий тилларда ёзиб қолдирилган мавжуд маълумотларни тўплаш ҳақида фармон чиқарган. Бу иш амалга ошгандан сўнг мазкур маълумотларни ўрганишга киришилган.

Асарнинг муқаддимасида бу ҳол қуйидагича баён қилинган: "Тўпланган маълумотлар, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар ҳикояси билан таққослаб бўлингач, бу маълумотлар билан Шарафиддин Али Яздий танишиб

<sup>1</sup> Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. - Т.: Фан, 2007. 112-бет.

<sup>2</sup> Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. - Т.: Фан, 2007. 112-бет.

<sup>3</sup> СВР. История. - С. 116-117.

чиқиб, Иброҳим Султонга ахборот бериши лозим бўлган. Иброҳим Султон маъқуллагандан сўнг эса, Яздий "Муқаддима"ни тузишга киришган".

Амир Темур давридан баҳс этувчи қисм - "Зафарнома"нинг сўзбошидан қуйидагиларни билиб оламиз. Подшоҳликнинг барча томонларидан Амир Темур ҳақидаги форсий ва туркий тилларда баён қилинган ҳикояларнинг барча шеърий ва насрий нусхалари тўпланиб бўлингач, маълумотлар билан таниши учун учта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса, бир гуруҳни ташкил этганлар.

Дастлаб Амир Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган. Агар унинг мазмуни воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим султон ҳақиқатни тиклаш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеаларни Соҳибқироннинг бошқа замондошларидан суриштирган. Ёки қўшимча маълумотлар тўпланган. Ана шу қўшимча гувоҳлар ҳикоятларини ҳам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва котиблар ёзиб борган. Шу тарзда асарнинг дастлабки, ҳомаки нусхаси тузиб чиқилган. Сўнг ана шу хомаки нусха асосида Али Яздий "Зафарнома" асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг қатъий буйруғига асосан китобни ёзиш пайтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ўлчовлар ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши лозим бўлган. Яздийдан эса, маълумотларни жонли тилда, тушунарли қилиб ёзиш талаб этилган ва шунингдек, ҳужжатларга қатъий риоя қилиши Иброҳим Султоннинг бевосита қатъий назорати остида бўлган.

Дастлабки хомаки вариантдан асло четга чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган. Бироқ, асарда айрим шахсларга ҳаддан зиёд таъриф берилишини назарда тутсак, Али Яздий ўз имкониятлари даражасида Иброҳим Султоннинг бу каби талабларидан четга ҳам чиққан деб ҳам айтиш мумкин. Асар тил услуби жиҳатидан форс тилининг XV аср адабий тилини жуда яхши билан саводхонлар учун мўлжалланган бўлиб, ўз даврида яратилган бадий асар сифатида ҳам қабул қилиш мумкин<sup>1</sup>.

Асарнинг "Муқаддима" қисмини муаллифнинг ўзи "Тарихи Жаҳонгир" деб номлаган. Лекин, фанда кўпроқ, "Муқаддима" номи билан машҳур бўлган ва у "Зафарнома"нинг ажралмас қисмига айланган. Шу билан бирга унинг ҳажми анча катталиги сабабли, "Зафарнома"нинг асосий қисмидан алоҳида нусхалари ҳам кўплаб тарқалган. "Муқаддима" ҳатто сўзбоши, икки фасл ва хотимадан иборат.

"Муқаддима"дан кўзда тутилган мақсад Амир Темур шажарасини баён этиш ва ундан олдин ўтган ҳукмдорлар, саркардалардан устунлигини кўрсатишдан иборат бўлган. Шу муносабат билан муаллиф туркий халқларнинг келиб чиқиши, Чингизхон, унинг тўрт ўғли асос солган тўрт

<sup>1</sup> Ўринбоев А. Шарофуддин Али Яздий // Маънавият юлдузлари. - Т.: 2001. 258-бет.

улус ҳамда XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар баён этиб ўтилган.

Айни пайтда Шарафиддин Али Яздий юз бераётган воқеаларни кўрсатар экан, сиёсий тарқоқлик, ўзаро урушлар кетаётган бир вақтда Амир Темурнинг сиёсий майдонга келишининг шарт-шароитларини асослаб беришга ҳаракат қилган. Асарнинг бу қисми "Тарихи Жаҳонгир", "Муқаддимаи Зафарнома", "Муқаддима" ёки "Дебоча" номлари билан машҳур бўлган ва у 1419 йилда ёзиб тугатилган<sup>1</sup>.

"Зафарнома" асарининг асосий қисми 1425 йилгача ёзиб тугалланган. Муаллифнинг дастлабки режасига кўра, асар учта мақола (боб)дан иборат бўлиши кўзда тутилган. Биринчи мақола – Амир Темур, иккинчи – Шоҳрух Мирзо ва учинчиси – муаллифнинг ҳомийси – Иброҳим Султонга бағишланиши режалаштирган. Чунки, муаллифнинг мақсади фақат Амир Темур тарихинигина эмас, Шоҳрух мирзо ва айниқса, асарнинг ёзилиши ташаббускори Иброҳим Султон ҳукмронлиги даврини ҳам ёритиш эди. Лекин, "Зафарнома" асарининг бугунги таркибий қисмида иккинчи ва учинчи мақолалар йўқ, афтидан муаллиф уларни ёзиб улгурмаган ёки улар бизгача етиб келмаган<sup>2</sup>.

Амир Темур шахси енгилмас ва қудратли мусулмон ҳукмдор сифатида Ўрта Осиё хонликларида, Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи даврида ва қўшни мусулмон ўлкалар ҳукмдорлари идеалларидан бирига айланган ва унинг фаолиятига доир асарлар севиб ўқилган, сарой кутубхоналарида сақланган.

"Зафарнома"нинг кўплаб нусхалари, айниқса, ҳукмдорлар саройи учун махсус зийнатлаб ишланган. XIX асрда эса асарнинг тошбосма нусхалари ҳам бир неча бор чоп этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ва бошқа хорижий давлатлар кутубхоналарида асарнинг бир неча юзлаб қўлёзмалари ва тошбосма нашрлари мавжуд. Жумладан, Тошкентда, ЎзРФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг ўзида асарнинг турли ҳолатларда етиб келган ўттизга яқин қўлёзмалари мавжуд. Улар орасида айримлари бадий жиҳатдан катта маҳорат билан ишланган<sup>3</sup>. Асарнинг дунё китоб хазиналарида сақланаётган қўлёзмалари бир қатор каталогларда батафсил тавсифланган<sup>4</sup>.

"Зафарнома" асари матни 1885 йилда Ҳиндистонда, 1957 йилда Эронда нашр этилган. Ўзбекистонда эса 1972 йилда, шарқшунос олим А.Ўринбоев томонидан тадқиқ этилиб, кириш сўз, илмий кўрсаткичлари билан чоп

<sup>1</sup> СВР. История. - С. 117.


<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Т.: Ўқитувчи, 2000. 176-бет.

<sup>3</sup> СВР. История. - С. 117.

<sup>4</sup> Стори Ч.А. Персидская литература / Пер. с. англ. перераб. и дополн. Ю.Э.Брегель. Отв.ред. Ю.Э.Борщевский. - М.: Наука, 1972. Т.2. - С. 797-798; Тагирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей Восточного отдела библиотеки ЛГУ. - Л., 1962. - С.120; Миклухо Маклай Н.Д. Описание персидских и таджикских рукописей института востоковедения АН СССР. Вып. 3. Ист. Соч. - М.: 1975. №396.

этилган. Асар тўлиқ ва ундаги айрим фасллар ўзбек, инглиз, рус, француз, турк тилларига таржима қилинган. Хусусан, "Зафарнома"нинг ўзбек-туркий тилига илк таржимаси XVI асрда Тошкентда, шайбоний Келди Муҳаммадхон топшириғи билан Дарвиш Муҳаммад томонидан амалга оширилган. Ушбу таржима 1997 йилда кирилл алифбосига табдил қилиниб нашр этилган<sup>1</sup>. Мазкур нашр асосида асар 2008 йилда А.Аҳмедов томонидан рус тилига таржима қилиниб, қайта чоп этилиди.

Шунингдек, "Зафарнома" 1822-1826 йилларда Хивада, Мунис (ваф.1829 й.) топшириғи билан Худойберди ибн Қўшмуҳаммад сўфи ал-Хивақий тарафидан ҳам қисқартирилиб таржима



қилинган<sup>2</sup>. Ўзбек тилига қисқартирилган иккинчи таржимаси аниқроғи Мовароуннаҳр воқеалари баёни 1994 йилда О.Бўриев томонидан амалга оширилган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, "Зафарнома" асари Шарқ тарихнавислигининг энг нодир ёдгорликларидан бири бўлиб, ўзида Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига доир фактик маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Ундаги маълумотларнинг тарихийлиги асар буюртмачиси темурий Иброҳим Султоннинг талабчанлиги сабабли ҳам ортган. Бу эса асарнинг бошқа манбалардан ажралиб турувчи муҳим ютуқларидан бири бўлди.

Қолаверса, Амир Темур тарихига доир мукамал манбалардан бири сифатида кейинги давр муаллифлари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Хусусан, XV-XVI асрларда "Зафарнома" асари қаҳрамонлик қиссаси жанрида икки марта шеърый йўл билан ўзбек тилида Лутфий, форс тилида Хотифий томонидан қайта ишланган. Бундан ташқари, қийинги даврларда минтақа муаллифлари Шарафуддин Али Яздий изидан бориб, ўз даври ҳукмдорлари мадҳига бағишланган "Зафарнома" жанрида бир неча асарлар яратдилар.

<sup>1</sup> Қаранг: Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (таржимон Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али ал-Бухорий, XVI аср). Сўзбоши, табдил, изоҳ ва кўраткичлар муаллифлари А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. - Т.: Шарқ, 1997.

<sup>2</sup> СВР. История. - С. 123.



# O'ZBEKONA TO'Y- MA'RAKA AN'ANALARIMIZ MUQADDASDIR

**"Ҳамма тенг тўй қилса, жамиятда вазият ўзгаради"**  
Шавкат Мирзиёев

Тарихдан маълумки, бундан минглаб йиллар бурун ҳам инсонлар қаерда яшамасинлар, маълум урф-одат ва анъаналарга амал қилишган, ўз яхши ва ёмон кунларини ҳар хил расм-русумлар орқали ифода этишган. Булар орасида мукаммаллари ҳам, бутунги кун нуқтаи назаридан мантиқсизлари ҳам мавжуд.

Асрлар давомида юртимиз тарихида ҳам ниятда кўп ўзгаришлар ва эврилишлар содир бўлди. Тузум ва даврлар ўзгарди, аммо тўй-маъракаларни ўтказишда муаммолар камаймасдан тобора ошиб бормоқдаки, бу ҳозирда ҳам кўпчиликни тобора безовта қилмоқда.

Равшанки, Совет ҳокимияти даврида тўй-маъракаларни ўтказиш ҳам хукмрон мафкура измида эди. Бу даврда "Қизил тўй", "Комсомол тўй", "Вечер" ("кеча"), "Байналмилал никоҳ", марҳумларни европача дафн этиш кенг расм бўлаётган эди. Марҳумларга жаноза ўқиш, уларни руҳларини хотирлаш, Рўза ва Қурбон ҳайитларини, Наврўз байрамини нишонлаш, бешик суннат тўйлари, кураш, кўпқари каби миллий удумларни ўтказиш тақиқланган эди. Биргина никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларни ҳисобласак, энг асосийлари эликта ва қўшимча яна йигирма-ўттизтача кичик расм-русумлари мавжуд бўлиб, буларнинг аксарияти эса ўзбек халқини "кемиргувчи иллатларга" айланганди.

Юртимиз мустақиллигидан сўнг бу сунъий тақиқларга барҳам берилиб, халқимизнинг кўп асрлик сара урф-одат ва маросимларини тикланиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Аммо бу соҳадаги баъзи иллатлар тобора урчиб, жамиятимиз тараққиётга ҳамон ғов бўлиб турибди.

1998 йил 28 октябрда "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналарни, маърака ва маросимларни ўтказишдаги дабдабазликка чек қўйиш тўғрисида"ги Фармон қабул қилинган эди. 2003 йил - "Обод маҳалла йили" муносабати билан ҳам ушбу долзарб мавзуда кўплаб фикр мулоҳазалар билдирилганди. 2012 йил 18 апрелда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ҳам қабул қилинган эди. Лекин бу Фармон, қарор ва даъватларнинг аксарияти бажарилмади.

Дарҳақиқат, асрлар мобайнида шаклланган, аждоддан авлодга бебаҳо ноёб

мерос сифатида ўтиб келаётган боқий урф-одатлар ва маросимлар миллий мафкура гоёларини сингдиришнинг муҳим омилидир. Бутунги кунда сара урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада самаралироқ фойдаланишимиз лозим. Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабазликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Тўй-маъракаларини тежамли, камчиқим, дабдабасиз ўтказиш тараққиётнинг ҳозирги даврида давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиб, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган 2017 йилнинг 3 августида мамлакатимиз зиёлилари билан учрашувда ҳам бу долзарб масалага алоҳида тўхталган эди: "Мана ўзинглар кўряписизлар, сошпа-соғ юрган айрим одамлар эликка кирмасдан туриб тўсатдан инсульт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй киламан деб, қарзга ботган бўлади."

Энг ёмони айрим пул топиб, ақл топмаган маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади".

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2017-2018 йилларда мамлакатимиз ҳудудларида бўлганларида тўй-маъракаларини ихчамлаштириш ҳақида оддий халқ билан маслаҳатлашиб, бу соҳадаги камчиликларни кескин танқид қилди: "Келин-навқар деган боло чиқибди", ЗАГС (ФХДЁ) биносида тўй қиладиган жойи ҳам бўлади", "Тошкента тўрт қизи бор одам уларини эрга бераман деб ўзини осиши керак", "Ҳамма тенг тўй қилса, жамиятда вазият ўзгаради".

Шунингдек давлатимиз раҳбари дабдабали тўйларини "иллат", "бало", "дард" ҳам деб атади. Тўйларни (150 кишилик), ошни (200 кишилик) ёки (110-120 кишилик) тадбирларни қай тарзда, қачон ва қандай қилиб оддий, камтарона ўтказиш бўйича ўзининг теран амалий тавсияларини берди.

Табиийки, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг жонқуярлик билан қилган даъвати барчамизни мудроқликдан уйғотди. Бу ташаббус бежиз кетмасдан, сўз билан иш бирлиги тўла таъминланмоқда, Бу осон иш бўлмай ижроси маълум вақтни талаб этади. Давлатимиз раҳбарининг жонқуярлик билан қилган даъватлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмай, тезда ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Аммо, тўй-маъракаларни камчиқим, оддий, дабдабасиз ўтказиш бўйича бурун ҳам матбуот, ОАВларда кўплаб чиқишлар бўлганди, фатво ва мурожаатлар қабул қилинганди, лекин ижроси таъминланмаганди, аниқроғи тўла бажарилмаганди.

Бизда жуда ёмон қусурлардан бири бир савоб иш бошланса ҳамма сафарбар этилади, эзгу даъватлар билдирилади, аммо куп ўтмай ижросига келганда депсиниб қолинади ёки тезда унутилади. Бизга баъзан фидойилик этишмаслиги, имон-эътиқод сустиги кўп панд бермоқда.

Тўй-маъракаларни ўтказиш жараёнида мавжуд қусурлардан бирданига воз кечиш қийин бўлиб, осонликча ўз ечимини топмайди. Бунинг учун кенг кўламда тарғибот-ташвиқот, айниқса тушунтириш ишларини изчил ва тизимли олиб бориб, қонун устуворлигини таъминлаш зарур.

Ўтмишга назар ташласак, меҳнаткаш халқимиз тўй-маъракаларини ниҳоятда оддий, камтарона ўтказган. Ҳозир ҳам халқимизнинг аксарият қисми тўй-маъракаларни ихчам қилиб ўтказиш тарафдоридир.

Истиқлол даврида миллий қадриятларимиз тўла тикланмоқда. Аммо баъзи амалдорлар, бойваччалар азалий анъаналаримизни оёқости қилишмоқда, кўплаб бачкана "удумлар" кашф қилишмоқда. Бундай манзаралар кўпроқ йирик шаҳарлардаги ҳашаматли тўйхоналарда содир бўлиб, тантаналарни ўтказиш мусобақага айланмоқда. Бу иллатларни кўпчилик бўлиб қоралаймиз, амалда эса бу дабдабали тўйларнинг фаол ташкилотчиси ва қатнашувчисига айланиб қолмоқдамиз. Табиийки, бу соҳада сўз билан иш бирлигига тўла риоя қилмаслик ҳалотлари кўпроқ учрамоқда.

Демакки, ушбу иллатларни бартараф этиш учун кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, лозим топилса, тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ва чоралар кўриш зарур тўй-маъракаларни ҳам аниқ бир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат (ҳаттоки қонун) билан тартибга солинишини давр тақозо қилмоқда. Шу ҳам 2018 йил 1 мартда шу боисдан ҳам Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси фаолларининг мурожаати, кейинроқ эса Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мурожаати ҳам эълон қилинди. Мазкур мурожаатлардан келиб чиқиб, "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Сенатининг қарори лойиҳаси 2018 йил 5-25 март кунлари кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокамада қатнашган 400 минг нафардан зиёд фуқаролар ўз таклифларини билдирдилар.

Ушбу таклифларни янада такомиллаштириш учун турли нуфузли ташкилотлар вакилларида Республика ишчи гуруҳи тузилди. Қарор лойиҳаси жорий йилнинг июнь ойигача кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинди, кўплаб таклиф-мулоҳазалар билдирилиб, Республика ишчи гуруҳига етказилди.

2018 йил 29 июнь кунини очилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 15 сессиясида сенаторлар тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш масаласини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, ўрганишлар давомида давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида 10 мингдан зиёд учрашув, давра суҳбати ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Муҳокамаларда 120 мингдан ортиқ мутахассис ва экспертлар, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Республика ишчи гуруҳи аъзолари, хусусан, Республика "Маънавият ва маърифат маркази", "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан 250 мингдан зиёд фуқаролар ўртасида сўровнома ўтказилди.

Даврий босма нашрларда оилавий тадбирлар билан боғлиқ 350 дан ортиқ таҳлилий-ахборот материал эълон қилинди, марказий телерадиоканалларда 150 дан зиёд кўрсатув, ток-шоу ва репортажлар, 450 дан ортиқ эшиттириш эфирга узатилди. Интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган хабарлар 4 миллион маротаба ўқилди, 1.3 миллиондан ортиқ фуқаро иштирокида муҳокама қилинди.

Таклифларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, дин идоралари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тўйхона, кафе ва ресторанлар эгалари, санъат аҳлининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинди.

Муҳокамалар мобайнида жойларда аллақачон ихчам тўйлар ўтказила бошлангани, бу ташаббусни халқимиз хайрихоҳлик билан қабул қилаётгани, қўллаб-қувватлаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу боисдан халқимизнинг миллий урф-одатларидан, ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, сенаторлар тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ихчам, камхарж, дабдабасиз ўтказиш зарур, деган хулосага келдилар.

Тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам ўтказишни йўлга қўйишга одамлар ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот, шахсий ибрат, намунали тадбирлар мисолида эришиш ҳар жиҳатдан фойдали экани қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, оилавий тадбирларни миллий қадриятларимиз асосида, камхарж, дабдабалардан холи ўтказишни кенг жамоатчилигимиз ва ҳар бир инсон онгли равишда англаб етмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам Сенатнинг қабул қилинган қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ дупутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Хотин қизлар қўмитаси, "Оила" илмий тадқиқот маркази ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар, ОАВ ҳамкорликда тарғибот ишларини олиб бориши зарурлиги қайд этилди. Хусусан, тўйларни ўтказишда миллий урф-одат ва анъаналарни менсимаслик, исрофгарчилик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан оилавий тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан мониторинг, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан амалга ошириладиган депутатлик ва жамоатчилик назорати натижаларини таҳлил қилиб, Сенат Кенгашига мунтазам равишда тегишли ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилди ("Халқ сўзи" газетаси, 2018 йил 30 июнь).

Шунингдек, Ўзбекистон Сенати Кенгашининг 2018 йил 13 август куни бўлиб ўтган мажлисида ушбу масала яна муҳокама қилиниб, Сенатнинг 29 июнда "Тўй -ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларининг

хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни мухтасар қилган ҳолда тўй ва маъракаларни ихчам ва камчиқим ўтказиш ва унинг атрофидаги мавжуд иллатларни бартараф этиш бўйича қуйидаги амалий тавсиялар билдиришни жоиз деб ҳисоблаймиз:

- тўй ва маъракаларни ўтказишда тарихий манбалар, Ўзбекистоннинг буюк аллома ва мутафаккирлари бой меросидан фойдаланиш;
- тўй ва маъракаларни уюштиришда буюк Соҳибқирон Амир Темур ўғитларига таяниш;
- тўй-маъракаларни ўтказиш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилиш;
- келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишда мутасадди шифокорлар жавобгарлигини янада ошириш;
- яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги ва эрта никоҳларни бартараф этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;
- келин-куёвларни никоҳдан ўтказишда ФХДЁ идораси ходимлари ролини кучайтириш;
- шаръий никоҳ муносабатларини тартибга солиш ҳамда диний уламоларнинг бу соҳадаги масъулигини ошириш;
- фотиҳа ва никоҳ тўйларини бирлаштириб, ихчам тарзда ўтказиш;
- тўй-маъракаларни замонавий, ҳар бир ҳудуд менталитетини ҳисобга олиб ўтказишда маҳалла, туман (шаҳар), вилоятлар бўйича нуфузли комиссиялар тузиш, уларнинг ваколатларини ошириш;
- тўй-маъракаларни ўтказишда энг асосий масъулиятни маҳалла ходимлари ва фаолларига юклаш;
- тўй-тантаналарни маҳалла идораси ёнидаги махсус тўйхонада ёки бинода жамоатчилик назорати остида ташкил этиш;
- тўйларда хизмат қилиш тизимидаги ходимлар сонини ва улар хизмат ҳаққини камайитиришга эришиш;
- тўй-маросимларда хизмат қилишга руҳсат берилган (лицензияга эга) санъаткорларни таклиф этиш, уларнинг фаолиятини назоратга олиш;
- маросимларни уюштириш учун махсус рисола, услубий қўлланмалар, тавсияномалар кабиларни тайёрлаш;
- "Ёш келин-куёвларга", "Ёш ота-оналарга", "Ибратли қайноналар тажрибаси", "Намунали оила" сингари буклетлар чиқариш;
- ихчам ва тежамли ўтказилган тўй-маъракаларни матбуот ва ОАВ ларида кенг тарғиб қилиш;
- содир бўлаётган мавжуд камчиликларни матбуот ва ОАВларда холисона ёритиш ва туркум давра суҳбатлари уюштириш;
- "Маҳалла" жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Оила" илмий-тадқиқот маркази, Ёшлар иттифоқи ва бошқа мутасадди жамоат ташкилотлари масъулиятини ошириш;

- оилалар ажралишларини олдини олиш учун "Яраштириш комиссия"лари фаолиятини яхшилаш;

- тўй-маъракаларни ўтказишни назорат қилишга ички ишлар бўлими, прокуратура, солиқ, молия каби идоралар ходимларини ҳам жалб этиш;

- "ақиқа", суннат тўйи, бешик тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи, туғилган кун, юбилейлар каби маросимларни оила, яқин қариндошлар ёки маҳалла доирасида ихчам ўтказиш;

- ҳар бир маҳалладаги тўй-тантаналар пайтида қариялар, фахрийлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган хонадонларига насиба жўнатиш;

- тўй-тантаналарни шанба, якшанба – дам олиш кунлари, асосан кундузи-туш пайтида ўтказиш;

- бу йўналишда турли кўрик-танловлар уюштириб, намунали тўй-маъракаларни ўтказган маҳалла ва хонадонларни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- дафн-таъзия ва хотирлаш маросимларини (7, 20, 40, 6 ой, йиллик) ўтказишни ҳамда худойи, ифторлик, қурбонликларни тартибга келтириб ихчамлаштириш.


Табиийки, тўй-маъракалар бўйича барча таклиф ва тавсияларни тўла-тўқис баён этиш қийин. Мамлакатимизнинг турли минтақалари ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалий тавсиялар бериш ва уларга ҳуқуқий мақом бериш, токи, таклифу тавсиялар қоғозда қолиб кетмасдан ҳаётга кенг тадбиқ этилиши лозим.

Демакки, юқоридаги амалий тавсияларни тез фурсатда рўёбга чиқариш қийин, бўлиб, бу маълум муддатни талаб қилади, албатта. Бунинг учун халқимиз ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим.

Маълумки, тўй-маъракалар шахсий иш эмас, балки, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор муҳим ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Шунингдек, халқимизнинг миллий қиёфаси, характери, ўзига хос турмуш тарзи, салоҳияти, дунёқараши, онги тафаккури, одамгарчилиги, орзу-умидлари, фазилату камчилиги, бир сўз билан айтганда, бутун борлиги ана шу тўй-маъракаларда, хотира тадбирларида яққол намоён бўлади. Уларни ўзбек халқи қандай халқ эканлигини кўрсатувчи бамисоли кўзгу дейиш мумкин. Ундаги бош оми, бош асос, ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойиллигидир (А.Иброҳимов. Динлараро бағрикенглик – муваффақиятларимиз гарови –Т.: "Савдо стандарт", 2003, Б.50).

Хуллас, тўй-маъракаларни ҳозирги даврга мослаб ихчамлаштириш, камчиқим, тежамли, лекин ниҳоятда файзли, тароватли қилиб ўтказиш ҳозирги мустақиллик даврининг энг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Зеро, халқимизнинг "Маслаҳатли тўй тарқамас" пурҳикамат нақлига қатъий амал қилган ҳолда ўзбекона тўй-маърака анъана, маросимларини кўз қорачихидай асраб авайлаш, кундалик ҳаётга янада чуқурроқ жорий этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.



## Nigohlarim asirasi suvratingiz

### Yarashgaydur

*Зиёда Аминова,  
тележурналист.  
Қашқадарё вилоят  
телерадиокомпания-  
сида фаолият  
кўрсатади. Ҳ юрак  
туйғуларини, қалб  
туғёнларини сатр-  
ларга жо айлаб,  
қогоз қоралайди.  
Ҳини самимий  
дилдан тўқилган  
машқлари сизни  
ҳам бефарқ қолдир-  
майди деган умид-  
дамиз.*



Бу ватанга тиниқ овоз, гўзал созлар ярашгайдур.  
Чертиб айтса дили ёниб, ширин розлар ярашгайдур.

Ҳар тонг субҳга бериб салом, аста кўзин очса қуёш.  
Ҳамолидан нусха олса, ул андозлар ярашгайдур.

Боболари ўтган одил, момолари зукко закий,  
Навоийдан тошиб айтса, шеър баёзлар ярашгайдур.

Остонасин кўзга суртиб, тупроғин айласа тавоб.  
Бу ободлик, саришталик, ҳам пардозлар ярашгайдур.

Истиқлолнинг найин чалса, бир тараххум этса диёр.  
"Муҳтаҳзод"у, "Тановар", шўх "Гулноз"лар ярашгайдур.

Одим отса дадил-дадил, юраклари уйғонадур.  
Фарзандлари айтган ялла, зўр овозлар ярашгайдур.

Ватан деса, етти иқлим, етти пушти титраса гар,  
Бошда дўши, хонатласу, банораслар ярашгайдур.

Дунё таъзим этса унинг кечаси-ю, бугунига  
Ўзбекона чертиб айтган талаффузлар ярашгайдур.

Бу ватанга тиниқ овоз, гўзал созлар ярашгайдур...

\* \* \*

Сочилоқдай сочиб бериб юрагимни,  
Туйғуларим сизга ошкор этганим рост.  
Бир бора ҳам ушлатмайин билагимни,  
Титраб-титраб муҳаббатдан очдим мен кўз.  
Пайқанг мени...

Нигохларим асираси сувратингиз,  
Киприкларим дийдорлашса - меникисиз.  
Бардошларим сўз олади номсиз-номсиз.  
Кўзларимни очмайман мен гар қизғонсам.  
Алқанг мени...

Йўлингизга зор, интизор боқаман мен,  
Соғинч деган ширин дарддан зада бўлиб.  
Келинг, оёғингиз остларига жонгинасин,  
Нисор этар, Зиёдангиз майин кулиб.  
Асранг мени...

\* \* \*

Бунда дилга дарс беради ҳар бир куни  
Тўрт томондан сиқар бетон деворлари.  
Ноинсофлик эканини билса ҳамки,  
Оқиб турган сувни пуллар - бозорлари.

Зиёлиси, дарди кўплигичун доно,  
Ўйларига етолмайин, диллари хун.  
Қайларгадир, узоқларга кетгуси бор  
Кетолмайди, ипсиз боғлар шухрат тутқун.

Ташвишларни қайта-қайта туғади тонг,  
Ўзига хўп ярашади, бари, бари.  
Астагина ўз домига тортар сени  
Шаҳарнинг бу ёзилмаган қонунлари.

?аёт - сени қўлларингга қўйиб хина,  
Чорла сайилгоҳларингга томон кетай.  
Дўстларимнинг уюлган қош-қовоқлари  
Пулсизларни ёқтирмайди шаҳар, нетай.

Тоза ҳаво қумсаб қолса кўнгил қургур  
Деразагни очсанг ҳам-ки тинчимайди.  
Ўз-ўзига таскин берар дил мусофир.  
Ғирт қишлоқи шаҳарда ҳеч ёлчимайди.

\* \* \*

Она, сиз эккан беҳилар бермоқда ҳосил  
Атай қўл урмайман, дув тўкилмасин.  
Сиздан сўнг ҳовлидек мунгайган кўнгил,  
Гапингиз қулоқда: ҳаҳ онани  
соғинтирмасин.

Сарғайди ҳаёт ҳам кўйлаги ямоқ.  
Энди бут бўлиши душворда душвор.  
Онасиз кунларим мунг чўлироқ.  
Беҳиси тўкилган дарахтдек ночор.

Сиз илган дорнинг ҳам симлари ажиб  
Тортишиб ингичка тортаётгандек.  
Соғинчдан хўл бўлган кўйлакни илиб  
Армон кўксим тилар гуёки тигдек.

Ахтариб гирёна бир ўкинч юзли  
Надомат ичида кўрдим ўзимни.  
Таскин ахтаради кўнгил ғам тушли...  
"Она"деб атайман энди қизимни.

**О.ГЕНРИ (1862-1910)**

О.Генри тахаллуסי билан баргага маълум ва машхур Виллиам Сидней Портер Америкалик машхур ҳикоянавис бўлиб, у 1862-йил 11-сентябрда Шимолий Каролинада туғилган. Отаси Алгернон Сидней Портер шифокор бўлган. Виллиам 3 ёшлигида онаси вафот этган, уни буvisи ва аммаси тарбиялади. 15 ёшида мактабни тугатиб банк хизматисини, дорихонани ва бошқа ишларда ишлади. У Америка ҳаёти ҳақида деярли 600 га яқин ҳикоялар ёзган. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами "Қарамлар ва қироллар" деб номланади. Кейинги тўплам "Яшнмил миллион" О.Генрининг машхур ҳикоялари "Мегиининг совъаси", "Яшил эшик" ва бошқаларни ўз ичига олади. Унинг бир негта ҳикоялари асосида фильмлар суратга олинган. О.Генри ҳаётлигида ўз ҳикоялари асосида ишланган овозсиз фильмларни кўришга муваффақ бўлди.

## Sevgi va san'at

Агарда санъатни севсанг ҳеч бир хизмат мушкул туюлмайд.

Бу бизнинг муқаддима. Ушбу ҳикоя бу муқаддимадан хулоса чиқаради ва шу билан бирга уни инкор ҳам этади. Бу мантиқ нуқтаи назаридан янги, моҳирона бадиий усул сифатида эса Хитой девориданда бир қадар қадимийроқдир.

Жо Лерриби Ўрта Ғарб эман дарахтлари ортидаги яссиликларда тасвирий санъатга бўлган қобилиятининг завқ-шавқи билан улғайди. Олти ёшлигида у шаҳар сувнасоси ёнидан шошилиб ўтиб кетаётган таниқли шаҳар фуқаросининг суратини чизди. Бу меҳнат маҳсули рамкага солиниб, донлари нотекис жойлашган маккажўхори сўтаси билан ёнма-ён дорихона деразасига илинди. У йигирма ёшга тўлганида, галстугини эркин боғлаб ва белини маҳкам қисиб Нью-Йорк томон йўл олди.

Дилия Крузер жанубдаги қарағай дарахтлари билан ўралган қишлоқда яшарди, у фортопианода олти октавада шунақанги куй чалардики, бу товушлар унинг қариндошларининг юрагида катта умидлар уйғотди ва улар ёрдамида Дилиянинг "шимолга" бориб "музиқий таълимни тугатиши" учун етарли маблағ йиғилди. Аммо қандай, буни улар билишмасди, аммо биз бу ҳақда сизга ҳикоя қиламиз.

Жо ва Дилия бир-бирларини кўпгина санъат ва музиқадан таълим

олаётган талабалар кяраскуро, Вагнер, мусиқа, Рембранднинг асарлари, суратлар, Волдтойфел, гулқоғоз, Шопен ва Улонг ҳақида суҳбатлашиш учун йиғилган студияда учратишди.

Жо ва Дилия бир-бирининг мафтунни ёки бир-бирига мафтун бўлиб қолдилар, қайси бирини маъқул кўрсангиз ҳоҳшингиз, ва кўп ўтмай турмуш қуришди, чунки (юқорига қаранг), санъатни севсангиз ҳеч бир хизмат мушкул туюлмайди.

Жаноб Лерреби ва Лерреби хоним рўзгор юрита бошлашди. Бу худди фортопианонинг охирги клавиши каби кўчанинги бурчагидаги уй эди. Улар бахтли эдилар; улар бир-бирлариники эдилар, санъат эса уларники эди. Ёш ва бой одамга маслаҳатим, бор бисотингни сот ва бу пулларни шу хонадонда санъатинг ва ўз Дилиянги билан яшаш учун қашшоқ бино назоратчисига бер.

Хонадон истиқоматчилари шубҳасиз менинги шиоримни қўлаб қувватлайдилар – улар дунёдаги энг бахтли кишилардир. Бахт ҳукм сураётган хонадон жуда ҳам тор бўлмаслиги керак – қани энди жавон бузилса-ю, бильярд столига айланса; камин эса тошойнага, ёзув столининг галадони эса кенг ётоқхонага, ювиниш тоси эса пианинога; агар тўртала девор ҳам атрофингизда тўпланиб олишса, сиз ва сизнинг Дилиянги улар ўртасида сиғишсангиз бас. Аммо уйингизнинг кўриниши бошқача бўлса – Олтин дарвозадан киришингиз учун, шляпангизни шляпа илгичга илишингиз учун, плашингизни қорн бурнига қўйиб, Лабрадор орқали чиқиб кетишингиз учун уй кенг ва узун бўлақосин.

Жо машҳур рассом синфида тасвирий санъатдан таҳсил оларди, уни шуҳратини биласиз. Унинг бадали баланд, дарслари эса осон эди – шубҳасиз унинг кучли таассурот уйғотувчи ранглари унга шуҳрат олиб келганди. Дилия эса Розенштокнинг қўл остида мусиқадан таҳсил оларди – биласиз-ку, унинг донғи пианино клавишининг осойишталигини бузувчиси каби таралган эди.

Улар маблағлари тугагунча жуда бахтли эдилар. Ҳаммаси шунақа – аммо мен худбин бўлмоқчи эмасман. Уларнинг мақсадлари аниқ ва белгиланган эди. Жо тез орада бебаҳо суратлар чиза олиши керак эди, шунда ингичка бакенбардди ва қалин ҳамёнли кекса жентльменлар унинг суратларини сотиб олиш умидида унинг устахонаси-



да қўлларидаги таёқлари билан бир-бирларини уришарди. Дилия эса та-ниқли бўлиши ва мусиқани менсимамай қўйиши, шунда бўш оркестра ўрин-лари ва ложаларни кўрганида унинг томоғи оғриб қолиши ва шахсий хо-насида ўтириб саҳнага чиқишни рад қилиши мумкин эди.

Аммо энг ажойиби менимча, кичик хонадондаги уй ҳаёти эди - кундалик дарсдан сўнг қизгин ва узлуксиз суҳбатлар, шинамгина тушликлар ва енгил-гина нонушталар; бир-бири билан уйғунлашган орзу-истакларни ўзаро алма-шиш; ўзаро кўмак ва илҳом бахш этиш; оддийлигимни айбга йўймайсиз - уйқуга ётишдан аввалги зайтун ёғи ва пишлоқли бутербродлар.

Бироқ, бироз вақт ўтиб санъат заифлашди. Ҳаттоки байроқдор огоҳ-лантирмасида баъзан шунақа бўлади. Оддий халқ тили билан айтганда, барчаси чиқим, кирим эса йўқ эди. Буюк рассом ва жаноб Розенштокнинг хизматлари нархини тўлашга ожиз эдилар. Агарда санъатни севсанг ҳеч бир хизмат мушкул туюлмайдди. Шу сабабли Дилия қозон қайнатиб туриш учун мусиқадан дарс бериб, пул топишини айтиб қолди.

Икки- уч кун мобайнида у уйдан чиқиб ўқувчи жалб қилишга уриниб кўрди. Бир куни кечқурун уйга хурсанд қайтди.

- Жо, азизим, - деди у мамнунлик билан. - Энди мени ўқувчим бор. Улар шунақанги ажойиб одамларки! Генерал, генерал А.Б.Пинкнининг қизи, 71- кўчадаги. Шунақанги ҳашаматли уй, Жо, сен кириш эшигини кўрга-нингда эди. Сен буни Византия услуби деб атасанг керак. Ичкарисини айт-майсанми ! Эҳ, Жо, мен ҳеч қачон бунга ўхшаш уйни кўрмаганман.

Менинг ўқувчим унинг қизи Климентина. Мен уни алақачон ёқтириб қолдим. У ниҳоятда нозик - доимо оқ либос кияди, ҳаракатлари жуда ёқимли ва оддий. Эндигина 18 ёшга тўлган. Ҳафтасига уч марта дарс бера-ман, тасаввур қиляпсанми Жо, ҳар бир дарсга 5 доллардан! Яна шундай икки-учта ўқувчиларим бўлганида эди, жаноб Розеншток билан дарсла-римни давом эттирардим. Энди эса азизим, қошларингни чимирмагинда, яхшиси кел, кечки овқатни танаввул қиламиз.

- Бу сен учун яхши Дили, - деди Жо, болтача ва ошпичоқ билан нўхат консервасига ҳамла қилатуриб, - аммо менчи? Сенингча мен олий санъат дунёсида беғам учиб юрганимда сени ишлаб пул топишингга рухсат бера-ди деб ўйлайсанми? Йўқ, бунақаси кетмайди, Бенвенуто Челлинининг номи билан қасам ичаман! Мен ҳам газеталар сотишим, ёки, йўлақларга тош ётқизишим мумкин, шунда уйга бир-икки доллар олиб келардим.

Дилия унинг олдига келиб, бўйнига осилди.

- Жо, азизим, сен тентаквойсан. Ўқишингни давом эттиришинг керак. Агарда мен мусиқани бутунлай тарк этиб, бошқа бир нарса билан шуғул-ланганимда, унда бошқа гап эди. Ўқитаётганимда ўзим ҳам ўрганаман. Мен доим мусиқа билан биргаман. Ва биз ҳафтасига 15 доллар билан худ-ди миллионерлардек яшашимиз мумкин. Жаноб Маэстрони тарк этишни хаёлингга ҳам келтирма.

- Яхши, - деди Жо кўк рангли кунгура салатдонга қўл узата туриб. - Аммо менга дарс беришинг умуман ёқмаяпти. Бу санъат эмас. Аммо сен

бу иш учун фойдали ва қимматбаҳо хазинасан.

- Агарда санъатни севсанг ҳеч бир хизмат оғир туюлмайдими, - деди Дилия.

- Маэстро хиёбонда мен чизган осмоннинг эскизини мақтади, - деди Жо. - Тинкл эса улардан иккитасини деразасига ошишимга рухсат берди. Балким бирорта эскизим пулдор овсарнинг назарига тушса, сотармидим.

- Албатта сотасан, - деди Дилия ёқимтойлик билан. - Қани энди, генерал Пинкни ва унинг бузоқ гўшти кабоби учун шукрона айтайлик.

Кейинги бугун ҳафта давомида Леррибилар эрта нонушта қилдилар. Жо марказий хиёбонда бажараётган тонг манзараси эскизларининг натижасидан завққа тўла эди, Дилия эса эрталаб соат 7 да уни нонушта билан қорнини тўйгизиб, парваришлаб, бўса ва олқишлар билан кузатарди. Санъат жозибали хуштордир. Кўпинча у кеч соат 7 да уйга қайтарди.

Ҳафта охирида Дилия ажойиб бир мағрур аммо лоҳас ҳолда голибона учта беш долларлик пулни 8x10 футли меҳмонхонанинг 8x10 дюмли столи ўртасига ташлади.

- Баъзан, - деди у бироз ҳорғинлик билан, - Климентина мени ташвишга солиб қуюди. У етарлича машқ қилмаяпти деб қўрқаман, унга бир нарсани қайта-қайта тушунтиришимга тўғри келяпти. У доим батамом оқ рангда кийинади, ва бу уни зерикарли қилиб қўйган.

Аммо генерал Пинкни энг азиз кекса одам! У билан танишишингни ҳоҳлардим, Жо. У баъзан мен Климентина билан пианино чалаётганимда кириб келади - биласан-ку у бева, ва оппоқ эчки соқолини тортиб шу ерда тик туради. У доим " Хўш, ўн олтинчи ва ўттиз иккинчи ноталар қандай чиқяпти?" деб сўрайди.

Меҳмонхонадаги девор панелларини, Астрахан пардаларини кўрганимда эди, Жо! Климентинанинг бироз йўтали бор. Умид қиламанки, у кўринганидан кўра анча кучли. Эҳ, мен ростданам унга боғланиб қоляпман, у жуда мулойим ва тарбияли. Генерал Пинкнининг акаси бир вақтлар Боливия вазири бўлган экан.

Шундан сўнг Жо, худди граф Монте Кристо каби, аввал ўн долларлик, кейин беш долларлик, икки ва бир долларлик ҳақиқий янги банкноталарни чиқарди ва Дилиянинг ишлаб топган пуллари олдига қўйди.

- Пеориялик бир кишига акварель бўёғида ишланган ёдгорликни сотдим - жиддий маълум қилди у.

- Ҳазиллашяпсанми, - деди Дилия, - Пеориялик эмасдиров!

- Ана шунақа. Уни кўрганимда эди, Дилия. Жун шарф ўраган, қуш патли тиш ковлагичи бор семиз одам. Тинклнинг витринасида эскизни кўриб, даставвал уни шамол тегирмони деб ўйлабди, иштиёқманд бўлгани учун ҳар ҳолда қандай бўлмасин уни сотиб олди. У ўзи билан олиб кетиш учун яна битта сурат буюрди - Лекуон темир йўл маҳсулотлар станциясининг мойбўёқда чизилган суратини. Эҳ, мусиқа дарслари! Ўйлашимча санъат ҳали-ҳануз унда мавжуд.

- Ишларингни давом эттираётганимдан жуда хурсандман, - деди Ди-

лия чин юракдан. – Сени омад кутяпти азизим. Ўттиз икки доллар! Аввал сарф-харажатларимиз учун бунақа кўп пулимиз бўлмаганди. Бугун кечки таомга чиганоқлар танаввул қиламиз.

– Бифштекс ва шампиньонлар ҳам, – деди Жо. – Зайтун учун санчқи қаерда?

Кейинги шанба куни кечқурун уйга биринчи бўлиб Жо келди. У меҳмонхона столига 18 долларни сочиб ташлади ва қўлида кўриниб турган каттагина қора бўёқни ювди.

Ярим соатдан сўнг Дилия етиб келди, унинг ўнг қўли кўримсиз бинт боғламлари билан боғлаб қўйилганди.

– Нима бўлди? – сўради Жо одатдаги кўришишдан сўнг. Дилия кулди, аммо унча хурсанд эмасди.

– Климентина – тушунтирди Дилия. – Дарсдан сўнг мени қуён гўшти билан меҳмон қилмоқчи бўлди. У жуда ғалати қиз. Тушдан кейин соат 5 да – Уэлсча қуён гўшти. Генерал уйда эди. Жо, сен уни товани қиздириш учун қандай югурганини кўрсанг эди, худди уйда хизматкор йўқдек. Климентинанинг соғлиги яхши эмаслигини биламан, у жуда асабий. Қайнаб турган иссиқ қуён гўштини дастурхонга тортаётганида анчагина қисмини қўлим ва билагим устидан тўкиб юборди. Жуда ёмон оғриди, Жо. Бечора қиз шунақа афсусландики! Аммо генерал Пинкни! Жо, қариянинг ақлдан озишига оз қолди. У биринчи қаватга югуриб тушди ва кимнидир – печга қаровчи одам ёки ертўладаги кимдир деб айтишди, – малҳам дори ва бинт учун жўнатди. Ҳозир унча қаттиқ оғримаяпти.

– Бу нима? – сўради Жо, унинг қўлини оҳиста ушлаб, бинт остидаги оқ рангли бўлак-бўлак матоларни торта туриб.

– Бу юмшоқ бир нарса, – деди Дилия, – унга малҳам дори суртилган. Вой, Жо, наҳотки яна битта сурат сотган бўлсанг?

У стол устидаги пулни кўрганди.

– Сурат сотдимми? – деди Жо, – буни яхшиси Пеориялик одамдан сўра. Бугун у буюртма қилган суратини олди ва у унчалик амин бўлмасада, хиёбон манзараси ва Гудзон кўриниши тасвирини буюртма қилмоқчи. Куннинг қайси вақтида қўлингни куйдириб олдинг Дили ?

– Менимча соат бешларда, – деди Дилия ғамгин. – Дазмол, йўғе, қуён айнан шу пайтда оловдан олинганди. Жо, генерал Пинкнини ўша пайтда кўрганингда эди, у ,

– Дили, қани мана бу ерга ўтирчи, – деди Жо. Уни диванга тортиб, ёнига ўтирди ва қўлини унинг елкалари устига қўйди.

– Охирги икки ҳафта давомида нима қилаётгандинг Дили? – деб сўради у. Дилия қайсарлик ва севги тўла кўзлари билан бир-икки дақиқа жасурона унга юзланди, генерал Пинкни ҳақида мужмал нималарнидир пичирлагандек бўлди; аммо чўзилган вақт унинг бошини эгди ва ҳақиқат кўз ёшларида намоён бўлди.

– Бирорта ҳам ўқувчи топа олмадим, – тан олди у. – Дарсларингни ташлашингга ҳам йўл қўйиб бера олмадим. Йигирма тўртинчи кўчадаги

катта кирхонага қўйлақларни дазмолловчи бўлиб ишга кирдим. Менимча, генерал Пинкни ва Климентина ҳақидаги чўпчакларни ўхшатиб ўйлаб топдим-а, нима деб ўйлайсан Жо? Бугун тушдан сўнг бир қиз қизиб турган дазмолни қўлимга босиб олганида, бутун йўл бўйи мана шу Уэлсча қовурилган қуён гўшти ҳақидаги ҳикояни ўйлаб келдим. Жаҳлинг чиқмади-а Жо, шунақами? Агарда иш топмаганимда балки сен суратларингни ўша Пеориялик жанобга сотмасмидинг.

- У Пеориялик эмас, - деди Жо секингина.

- Умуман олганда унинг қаердан эканлигининг аҳамияти йўқ. Сен жудаям ақлисан Жо, энди, қани менга айтчи, Климентинага мусиқа дарсларини бермаётганимга шубҳаланишингга нима сабаб бўлди?

- Бугунги кунгача шубҳаланмагандим, - деди Жо. - Бундан кейин ҳам шубҳаланмасдим, аммо бугун мен қозонходан юқори қаватдаги дазмол билан қўлини куйдириб олган қиз учун пахта бўлаги ва малҳам дори бериб юбордим. Сўнгги икки ҳафтадан бери мен шу кирхонада иситиш қозонини қиздираман.

- Унда сен ҳеч қандай,..

- Пеориялик харидорим, - деди Жо. - ва генерал Пинкни бир хил санъатнинг кашфиётларидир, аммо сен буни сураткашлик ҳам, мусиқа ҳам деб атай олмайсан.

Иккаласи ҳам кулиб юборишди, ва Жо гап бошлади:


- Агарда санъатни севсанг, ҳеч бир хизмат...

Аммо Дилия қўлини унинг лабларига қўйиб тўхтатди.

- Йўқ, - деди у, - шунчаки: "Агарда севсанг "



Инглиз тилидан Дилсўз Мусаева таржимаси.



*Жўра Тўхтаев,  
1947 йилда Қарши шаҳри-  
даги Шайхали маҳалласида  
туғилган, "Шугла" ҳикоялар  
тўплами, "Дунё" менинг  
тақдиримда ёхуд ушбу  
йиллик эсдаликларим"  
хотиралар тўплами.  
"Излаганим топганим",  
"Соғинганим дунё", "Сийрат"  
номли шеғрий тўпламлар  
муаллифи.*

## *Sadoqat*

Ёз охирлаб, уялардаги қалдирғочларнинг чуғури тинчигандек бўлиб қолди. Уй айвонидаги тўрт уядан учовида қалдирғочларнинг вижир-вижири тинганига анча вақт бўлди. Фақатгина ўрта уядаги якка қалдирғоч учиб кетишга шошилмас, қоронғи тушганда ҳам кимнидир кутаётгандек, чулдираб - вижирлаб қўяр эди.

У узоқ кутди, Кимнидир чорлади. Уззу-кун уяси атрофида гиргиттон сайради, сайради.., Танҳогина учиб кетди... Йўқ... У яна қайтиб келди, уясида кўзлари жавдираб узоқ ўтирди. Сўнг учиб кетди. Уя бўшаб қолди.

Уяни икки қалдирғоч қурган эди...

\* \* \*

Қаламнинг кўзи, қоши қора эди. У шошилмасдан қоғозлар узра ўрмалар, изидан қолаётган чиройли ҳуснихатда мазмундор маърузалар, фикрлар гўё терилгандек сафланиб қолар эди.

Қаламни ҳар замон, ҳар замон ўткирлаб туришар, қалам яна жонжаҳди билан ишга шўнғир, шу сабаб у ўриндикларнинг тўрида тўралардек тўлишиб ўтирар эди.

Қалам бир куни қўл билан қоғоз ўртасида кичрайиб қолгандек ҳис этди, ўзини... Қўл энди уни фақат зарурат бўлгандагина эслар, ўшанда ҳам қоғозлардаги баъзи хатоларни тўғрилаш учун ишлатар эди.

Қалам умр ўтиб бораётганини тўла ҳис қилди. Жавонларга оҳиста қаради. Қўлёмалар саф тортишиб тура эди. Тилидан - дилидан бир нидо келди: - "Хайрият. Умр бекор ўтмабди"...

## *Sihatgohda*

Тошли бобони, ўз қадрини яхши билади, дейишади. Агар бу гап ёлгон. десангиз бобо бир талай қорамол, қўй-эчкиларни қамаб ташлаб дам олиш учун сиҳатгоҳга келармиди... Йўқ! Ҳеч қачон!...

-Сиҳатгоҳ сиҳатгоҳ экан-да. Ҳамма жой топ-тоза, бирорта барг ёки ташландиқ қоғозни кўрмайсиз, Шароитларни айтмайсиз. Бобо учун гўё мўъжиза туюлди бу сиҳатгоҳ деган жой. Тошли бобога бу ердаги муолажа, муомала жуда маъқул келди. Айниқса, баданига санчилаётган игналар деярли оғриқсиз, қўлга тикон кирса аҳир қанча азоб. Ванна дегани-чи, воҳ-воҳ, бунча иссиқ сув... Уқалаш-массаждан бадан яйрайди-я. Ҳаммаси жойида-ю фақат бир иш Тошли бобога гапнинг очиги, ёқмади, Навбатдаги муолажани олиш учун навбатчи ҳамшира бобони даволаш бўлимидаги охирги хонага бошлаб кирди. Ўрта ёшдаги бу аёл бобони бир кишилиқ каравотдай ўриндиққа ечиниб ётишни тавсия қилди. Бобо ўриндиққа узала тушиб ётди. Ҳе йўқ, бе йўқ, ҳамшира бобони баданига Эски Анҳорнинг ёз ойларида қизиб ётадиган балчиғидан тахминан 3-4 челақ суртди-ёв. Сўнгра ихчамгина чодир билан ўраб ташлади.

Воҳ-воҳ... Иссиққина балчиқ бирам ёқимли, баданингдан дардларингии сўриб олаётгандек... Бобо анча ётди. Мазза қилди. Кўзи ҳам илингандек бўлди. Ҳамширанинг, - Отахон туринг вақт бўлди-деган огоҳлантиришидан ўзига келди. Ҳамшира Тошли бобо ўралган чодирни очиб ташлади-да - Ота, ана сув, яхшилаб ювининг-дея чиқиб кетди.

Бобо ҳамшира кўрсатиб кетган бурчакка ўтди. Жўмракдан чак-чак сув томиб турибди. Жўмракни очди. Иссиққина сув тагида чўмила бошлади. Ё тавба. Сув иситувчилар газни кўпроқ очиб юбордими, асталик билан жўмракдан тушаётган сув жуда исиб кетди. Ёмонликка олиб ичкийимлик иштонча оқиб тўкилаётган балчиқ ҳисобидан ўч-ўзидая тушиб кетди. -Ана шармандалик.

Сув иссиқ, қип-яланғоч балчиққа ботиб қолган бобо нима қилишини билмас, чақирай деса... яп-яланғоч. Бобо анча қийналди. Ювинишга сув иссиқ, баданга суртилган балчиқ ўзини кўрсатиб турибди. У анча овора бўлди. Кичкина иштончасини қийналиб ювиб четга илиб қўйди. Лекин ёпишиб қолган балчиқни кўнгилдагидек юва олмади. Аста кийинди-да хонаси томон йўл олди. Хонада куни кеча келган ҳамроҳи қўнғиз мўйлов бобони хушнуд кутиб олди. Бироз тикилиб тургач, бобога - Юринг, деди. Бобо ҳайрон. Мўйлов бобони хонадаги кичик ҳаммомга олиб кириб кулиб-кулиб ювинтириб қўйди. Тошли бобо биринчидан қўнғиз мўйлов олдида хижолат бўлган бўлса, иккинчидан хафа бўлди, жудаям хафа бўлди.

- Балчиқ... шу қора балчиқ керак бўлса Эски анҳор ариғида тўлиб



ётибди. Эссиз, у ерда балчиқ ҳам сув ҳам бепул – ўзингники... Эй хом сут эмган банди...

Ўша Зайнишни эскидан ҳам жини суймас эди. Тавба, нима бўлди?... Келинг, деса келаверибди. Мана, ўзлари жўнавордилар хайр-маъзурни насиё қилиб. Буёғи нима бўлади, Худога аён,

У бошини чангаллаб узоқ ўтирди. Сихатгоҳда кечки овқат эълон қилинди, бобо ошхона томон йўл олди. Белгиланган ўрнига ўтираркан, атрофига бир қараб олди.

- Ёпирай, - деди ўзича. - Одамларга

бир гап бўлганми, шу ерда ҳам шошилишади-я...

Оқ халатли ҳамшира судратма аравачада кечки егуликларни олиб келди. Бобо ҳайратга тушди. - Ие, бугун ҳам ширгуручми, сут кўп экан-да? Буниси нима, ёпирай, икки бўлак қовоқ, шу ҳам овқатми, буниси-чи, ие балиқни увилдиригими... Икра дегани эмиш...

Бобо ширгуручни 3-4 қошиқда еб бўлди, қовоқни ҳам иложсиз еб бўлди. Лекин балиқни увилдириғи - икрани у оғзига ололмади, Хафа бўлди. Ташқарига чиқар экан, ўзича гудранди. -Тавба. Курорт эмиш. Ҳамма «афирис» бўлиб кетган.

У ташқарига чиқар экан, кўз ўнгида қадрдони Усмангул момо кўриниб кетди. У қора кўчқорни қовурғасидан кабоб пиширар эди. У уйга қайтгиси келди, Жудаям қайтгиси келди.



## Менинг султоним бор халқимга ҳамдам



*Абдулла Бобоёров. 1949 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетинда тахсил олган. Журналист "Қашқадарё" газетасида бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган. Шуғли мавзудаги ижод намуналари марказий газета ва журналларда кўп бора боп қилинган. Хикоя ва шеърлари "Эзгулик гуллари" ва "Қалб қўшиғи" тўпламларида нашр этилган.*

\* \* \*

Менинг тоғларим бор юксакдан-юксак,  
Менинг боғларим бор чамандан-чаман.  
Менинг умидим бор - мисоли юрак,  
Ўзинг айт, мен унда кимдан қўрқаман.

Менинг тошларим бор пўлатдан маҳкам,  
Менинг сафларим бор сафлардан шахдам.  
Менинг султоним бор халқимга ҳамдам,  
Ўзинг айт, мен унда кимдан қўрқаман.

Менинг осмоним бор - беғубор тоза  
Покиза булоқлар сувин ичаман.  
Менинг бўстоним бор нақадар соз -а,  
Ўзинг айт мен унда кимдан қўрқаман.

Ғанимим менга-ку бермоқдадир тан,  
Минг йиллик минорлар ор-у номус, шаън.  
Мен-ку юрагимда асрайман Ватан,  
Ўзинг айт мен унда кимдан қўрқаман.

Фотиҳ-ку от суриб келолмас балки,  
Ғарчан-ки пойлайди мени-ку зимдан.  
Маҳмуд Ялавочлар ўлмаган токи,  
Юрагим, мен ўзим ўзимдан қўрқаман.

\* \* \*

Эрк сўзини юрагинга айт,  
Эрк сўзи-ла жонингни тўлдир.  
Эрк хақида битолмасанг байт,  
Шоир, ўзинг ўзингни ўлдир.

Эрким десанг, Ватаним десанг,  
Шодликларга кўнглингни тўлдир.  
Бировларга эркингни берсанг,  
Жоним, ўзинг ўзингни ўлдир.

\* \* \*

Устозим, хормасдан берасиз сабоқ,  
Биламан, менинг-ку ғамимни ейсиз.  
Истайсиз тилларни ўргансам тезроқ,  
Тезроқ жахонларга чиқсанг-ку дейсиз.

Фаранглар тили-ку энди чўт эмас,  
Ҳатто испанчани бошлаб юбордим.  
Устозим, тилимга қиласиз ҳавас,  
Қанча ялқовликни ташлаб юбордим.

Сиз-ку орзунгизга етасиз бир кун,  
Мени чорлаяпти юксакда осмон.  
Ҳаётда эркин бўли яшамоқ учун,  
Турналар тилини бошлаймиз қачон.

\* \* \*

Ўз-ўзидан сенга келмайди ажал,  
Ҳар куни йўлингни пойлаб турса ҳам.  
Оғуға айланиб кетмайди асал,  
Минг илон қўлингни бойлаб турса ҳам.

Билгил ўз-ўзидан титрамайди ер,  
Фазолар қарида йиллаб юрса ҳам.  
Ўз қисматиға минг бор айтади шукр,  
Зулматларни ёриб ёнаётган шам.

Қўлда юзлаб камон тутмаса овчи,  
Қуламайди асло турналар кўкдан.  
Хорғин бораяпман мен бир йўловчи,  
Ҳадикесираб фақат виждони йўқдан.

\* \* \*

Донлар шовуллайди хирмон тўлсин деб,  
Дарё гувиллайди уммон тўлсин деб.  
Булутлар ўрлайди бир зум-ки тинмай  
Ер эдим, энди бу осмон бўлсин деб.

Ниҳолин ардорқлаб ўсади қайин,  
Осмонга қўлини чўзар дам сайин.  
Замин-у илдизда орзулар тайин,  
Ниҳолим бир куни ўрмон бўлсин деб.

Осмонни кенг олиб ўсади чинор,  
Ҳар бир япроғида яшнайдди баҳор,  
Шамолга бўй эгмас минг йилки зинҳор,  
Япроғи гуллаган жаҳон бўлсин деб.

Минг йилки йилларга беради бардош,  
Минорлар пойига қўйилган ҳар тош.  
Кемириб яшайди келсада оташ,  
Бу юрт бинолари осмон бўлсин деб.

Боғларда тинмайин куйлайди булбул,  
Покиза қабосин улайди ҳар гул.  
Ҳатто осмонларга уланар ҳар йўл  
Бу юрт шоирлари Чўлпон бўлсин деб.


Темурбек минг йилки тушмайди отдан,  
Қўлида тўғини асрайди ётдан.  
Эй юрак, қувонгин, Ватандан шоддан,  
Бу юрт болалари султон бўлсин деб.

Минг йилки боболар ўқийди дуо,  
Минг йилки яшайди сокин бир нидо.  
Бизларни балодан асрайди худо,  
Ҳар юрак қаътида имон бўлсин деб.



## O'ZBEK MILLIY HUNARMANDCHILIGI BO'YICHA SALMOQLI TARIXIY-ETNOLOGIK TADQIQOT

(С.Давлатова. Ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида). Тарихий-этнологик тадқиқот. -Тошкент: -"Yangi nashr", 2018. - 432 б. )



Ҳозирги даврда жаҳон халқларининг интеграциялашуви, глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган бир даврда этник ўзликни англаш, этномаданий анъаналар ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш, уларни илмий асосда тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллийликнинг аҳамияти ўсиб, жаҳон халқлари орасида ўз тарихи ва миллий маданиятига бўлган қизиқиш кескин ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳунармандчилик жуда чуқур қадимги тарихий илдизларга бориб тақалиб, туб аҳоли азалдан маҳаллий ресурслар асосида сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, ўз ички эҳтиёжларни доимо қондириб келган.

Ҳозирги даврда яратилган халқимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ҳунармандчилик намуналари оддий буюртма ҳисобланиб, унда маҳаллий халқнинг дунёқараши, миллий тафаккурининг чуқур қатламлари, хўжалик фаолияти, турмуш тарзини тараққиёт даражаси ҳам ёрқин намоён бўлади.

Юртимиз истиқлоли туфайли ўзбек халқининг кўҳна ва бой тарихини чуқур ўрганиш ҳамда ҳаққоний кўрсатиб бериш соҳасида кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий фанлар, жумладан, тарих ва этнология фанлари олдига илгари тўплаган илмий билимларни тнқидий равишда қайта таҳлил этиш учун янги услубий ва концептуал ёндашувларни белгилаш вазифаси ҳам долзарб қилиб қўйилди.

Бу жиҳатдан ўзига хос этнографик минтақаларнинг турли даврлардаги тарихи, этнографияси, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги янгилашниш жараёнларини илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, замонавий жамиятда миллий мерос ва қадриятларга муносабат, аҳоли турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти давомида яратилган бетакрор санъат асарларини бугунги кундаги аҳамиятини ўрганиш, қайта тиклаш ва тарихий-маданий меросни ёш авлодга етказиш, ҳунармандчилик марказлари тарихининг ёритиш ва чуқур таҳлил этиш мавзуларига алоҳида урғу берилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридаги "Янги нашр" нашриётида изланувчи элшунос

олима, тарих фанлари номзоди С.Давлатованинг ўзбек миллий ҳунармандчилигини тарихий-этнологик жиҳатдан ўрганишга бағишланган салмоқли монографияси чоп этилди.

Монография кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

Биринчи боб - "Ўзбек халқи анъанавий ҳунармандчилигини ўрганиш методологияси ва муаммо тарихшунослиги" деб номланиб, унда мавзунинг ўрганилиш методологияси, ўзбек миллий ҳунармандчилиги мавзуси тарихшунослиги, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср биринчи ярмига оид тадқиқотлар, совет даври тарихшунослигида ҳунармандчилик мавзуси, ўзбек миллий ҳунармандчилиги муаммосининг мустақиллик даври тадқиқотчилари томонидан ҳамда хорижий адабиётларда ёритилиши каби масалалар ёритилган.

"Россия мустамлакачилиги даврида Туркистонда янгича ҳунармандчилик ҳолати ва муаммолари" деб номланган иккинчи бобда XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида, янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва капиталлашув жараёни, ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг ҳолати ва кўринишлари, жанубий ҳудудлар ҳунармандчилиги турлари ва тавсифи илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Учинчи боб - "Совет давлатининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлари шароитида Ўзбекистоннинг анъанавий ҳунармандчилиги (1917-1991 йиллар)" деб номланиб, унда Ўзбекистонда иқтисодиёт ва капиталлашувдан ижтимоий мулкчиликка ўтиш жараёни, жанубий ҳудудларида артеллаштириш жараёнлари, анъанавий ва ноанъанавий ҳунармандчилик ва "қайта қуриш" сиёсатининг ҳунармандчиликка таъсири очиб берилган.

"Мустақиллик йилларида минтақага хос ҳунармандчилик динамикаси: ўзгаришлар ва трансформация жараёнлари" деб номланган тўртинчи бобда Ўзбекистонда истиқлол йилларида миллий ҳунармандчиликдаги кенг қамровли ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар, жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилигининг замонавий кўринишлари баён этилган.

Бешинчи боб - "Ўзбек миллий ҳунармандчилиги семантикаси ва ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одатлар" деб номланиб, унда анъанавий ҳунармандчиликда рамзлар семантикаси, халқ ҳунармандчилиги анъаналари ва уста-шогирд муносабатлари, минтақага хос ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимларнинг мазмун - моҳияти очиб берилган.

Китобнинг хулоса қисмида эса бешта бобдан келиб чиқадиган яқунлар ўз аксини топган.

Тақриз қилинаётган монографияда жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилигидаги ўзгаришларни Россия мустамлакачилиги, советлар ва мустақиллик йиллари каби уч босқичда амалга оширилганлиги тарихий жараёнлар контекстида ёритиб берилган. Қадимдан ҳунармандчилик бу воҳалар аҳолиси хўжалик ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб,

хунармандчилик билан боғлиқ анъана, урф-одат ва маросимлар, касб-хунар соҳасидаги сир-асрорлар, тажриба ва малакаларининг ажоддан авлодга ўтиб келишининг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари очиб берилган.

Мазкур монографияда таъкидланишича, ўзбек халқининг хунармандчилик маданияти ўзига хос қадимий анъаналарга эга бўлиб, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллайди. Хунармандчилик инсоният ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келган бўлиб, жамият ривожланиши давомида деҳқончилик ва чорвачилиқдан ажралиб чиққан ва ўз тараққиёти давомида такомиллашиб, тўқимачилик, каштачилик, гиламдўзлик, кулолчилик, ёғочга, темирга ишлов бериш, кандакорлик, тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик, зардўзлик, кўнчилик, ўймакорлик ва бошқа турли хил ихтисосликларга ажралган.

Буюк ипак йўлида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари Ўзбекистоннинг ўзига хос салоҳиятли этнографик ҳудудлари ҳисобланиб, кўшни давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган. Жанубий воҳалар хунармандчилиги ривожланиши ва тараққий этишда шаҳар ва ҳудудлар ўзининг ўрни ва ўзига хос локал хусусиятларга эга бўлиб, бир қатор марказ ва мактабларнинг вужудга келишига олиб келган.

Муаллиф тадқиқотининг даврий чегарасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий хунармандчилиги трансформацияси Россия империяси, совет ҳокимияти ва мустақиллик йиллари каби уч босқичга ажратилган ҳолда теран ёритилганлиги диққатга сазовордир.

Муаллиф мазкур монографияда XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида жанубий ҳудудлар анъанавий хунармандчилиги кўплаб тарихий манбалар, тарих ва этнологик адабиётлар, архив, статистик, музей, кўргазма, дала этнографик материаллари, даврий нашрлар ва бошқа ноёб маълумотларни жамлаб, қиёсий усулда ўрганиб, илмий йўналишга киритганлиги китобнинг мукамаллигини янада оширган. Китоб саҳифаларидан ўзбек миллий хунармандчилигига оид ўрганилган давр бўйича кўплаб ноёб расмларнинг жой олганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Хуллас Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти "Этнология" бўлимининг катта илмий ходими С. Давлатованинг юқорида тақриз қилинаётган юқори савиядаги монографиясини ўзбек миллий хунармандчилиги тарихи тўғрисидаги энг салмоқли илмий тарихий-этнологик тадқиқот деб баҳолаш мумкин.

**Фахриддин РАҲМОНОВ,**  
**Акрам ХАСАНОВ,**  
Қарши давлат университети «Тарих»  
кафедраси доцентлари.  
Муртоза УСМОНОВ,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.



# ADVOKATURA INSTITUTI

## bosqichma-bosqich islohotlar natijasida takomillashmoqda

Жаҳон мамлакатларининг суд-ҳуқуқ ва адвокатура соҳасида тўплаган бой ҳуқуқий тажрибаси, бу борада халқаро қонунчиликнинг изчил тараққиётига назар ташласак, жамиятда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашда, унинг энг олий қадрият сифатида умумэтироф этилишида, одил судловни амалга оширишда адвокатура институти, адвокатларнинг ҳам ҳал қилувчи ўрин тутишини кўришимиз мумкин. Бошқача айтганда, ҳеч бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ҳуқуқ ҳимоячиларининг чинакам мустақиллигини, уларнинг қонунан ролини оширмасдан туриб демократик тараққиётга эришмаган.

Шу маънода, мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, профессионал адвокатлар корпусини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, айблов ва ҳимоянинг амалда ҳар томонлама тенглигини таъминлаш, энг муҳими, ҳуқуқни қўллаш амалиётида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда улар фаолиятида мавжуд муаммо ва тўсиқларни, адвокатура институтининг ҳар жиҳатдан обрўйини оширишга қаратилган, халқаро миқёсда умумэтироф этилаётган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда адвокатура институтини босқичма-босқич ислоҳ қилиш қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим таркибий йўналишларидан бирига айланди.

Хусусан, Женевада бўлиб ўтган халқаро анжуманда ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисоботни кўриб чиққан халқаро экспертлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистонда янги давр бошланганлигини алоҳида эътироф этиб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 майда қабул қилинган "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларни тамоман янги босқичга кўтарди.

Фармонда, авваламбор, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмаганлиги, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига ҳалал бераётган қатор омиллар мавжудлиги қайд этиб ўтилган.

Жумладан, суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси